



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
ЖАҲОН ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИК
КАФЕДРАСИ
ПРОФ.С.Н.ТУРСУНОВ**

**Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи
ФАНИДАН
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**



Проф.С.Н.Турсунов. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи фанидан ўқув-услубий қўлланма. Термиз, 20__ йил.

Мазкур фан 4-блок–ихтисослик фанлар блокига кирган бўлиб, барча бакалаврият таълим йўналишларида таҳсил олаётган 4-курс талабалари учун мўлжалланган. Ўқув-услубий мажмуа амалдаги дастур асосида тайёрланиб, унда курс бўйича маърузалар тўплами, семинар машғулотлар ишланмалари, тавсия этилган адабиётлар рўйхати жамланган. Мазкур ўқув-услубий мажмуа ўқитувчилар ва талабалар учун тавсия этилади.

Масъул муҳаррир: проф.С.Турсунов

Такризчилар: т.ф.н.М.Файзуллаева

т.ф.н.Б.Рахимов

**1-Мавзу: Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи фанининг
предмети ва вазифалари.**

РЕЖА

Кириш.

1.Назарий қарашлар ва тасавурлар.

2. Илмий дунё қарашлар.

3. Мустақилик йилларидаги илмий ҳолисона фикрлар.

Таянч сўзлар: мустақиллик, тарихшунослик, Ўзбек, ўзбекистон халқи, миллий тотувлик, миллатлар ҳамжиҳатлиги, ғоялар, илмий тушунчалар, ноҳолис қарашлар, назариялар,

Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи Ўзбекистон халқлари тарихининг таркибий қисми бўйича тарихий ёзма манбалар, этнография, археология, антропология, лингвистика, топонимика, эпиграфика, нумизматика каби фанлар билан ўзаро алоқада. Совет даврида ўзбек этногенези фақат турк этнос билан боғланиб “пантуркизи” атамаси пайдо бўлди. Уни асосида “Ўрта Осиё аҳолиси азалдан турклар бўлиб буюк Турон, сўнгра Туркистон бўлиб кетган” деган ғоя яратилди. Ўзбекларнинг келиб чиқишини Нух пайғамбарнинг ўғли Ёфасдан, Ёфаснинг ўғли тур ёки туркдан боғлайди. Унга қарши “Паниэронизм” таълимоти шаклланиб, “бу заминнинг тубжой аҳолиси эроний тили халқ бўлиб, бу юртга турклар кейинчалик келган” деган ғоялар шаклланди. Шунингдек Ислом ақидапарастлар ҳам “Миллий этнослар йўқ, фақат ислом миллати бор, халқларни тилига қараб эмас, балки динига қараб миллатини белгиламоқ керак” деган диний концепция пайдо бўлди. Энг муҳими Ўрта Осиё халқларини келиб чиқиш бўйича фан ривожланмас, тарихий афсонавий ривоятлар кенг талқин олган эди. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун Ўрта Осиё халқларининг келиб чиқиши масаласида бирдан-бир тўғри бўлган

миллий автохнизм назарияси ишлаб чиқилди. Этник тарихни аниқлаш, этник таркиби илмий ўрганиш, халқни унинг келиб чиқиши, этногенези ва этник тарихи, маданий мероси, сарҳадлари, давлатчилик тарихи ҳақида тўхталиш муҳим масаладир. Этник тарихни ўрганиш, миллий эҳтиросларга берилмаслик зарур. Ҳар бир халқнинг келиб чиқиши 3 босқичдан иборат: 1.Этногенетик жараёни тарихи, 2.юэтнос, яъни элат, халқ тарихи, 3.миллатларнинг халқ тарихининг этногенез қисми унинг элат, халқ бўлиб шаклланишига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Халқнинг ибтидоси қаблидан бошланади. Этногенез якунида элатга хос барча этник аломатлар мужассамлашган бўлади. Этник аломатларни эса худудий бирлик, иқтисодий хўжалик бирлиги, этномаданий бирлик, антропологик тил бирлиги, этник ном, ўзликни англаш, тил бирлиги ва ниҳоят сиёсий уюшма бирлиги ташкил этади.

Халқ биологик ҳосила эмас, балки ижтимоий уюшма бирлигидир. Узоқ шаклланади, бирин-кетин давом этади. Халқ феодал жамиятни маҳсули, “Миллат капиталистик жамиятни маҳсули” академик А.Ю.Акубовский ўзбек халқни этногенезининг бошланғич нуқтасини турк ҳоқонлиги даврига, С.П.Толстов эса антик даврига, академик К.Шониёзов эса Қанғ давлати миллоддан авалги III миллодий V аср Сирдарёни ўрта оқимида жойлашган. Академик А.Асқаров эса сўнгги бронза даври билан белгилайди. А.Асқаров фикрига ўзбекларнинг ўқ томири икки тилда сўзлашувчи этник қатламлар (суғдий ва туркий)нинг қоришуви натижаси сўнгги бронза даври деб изоҳлайди. Чунки жуда кўп ноилмий ғояларда турклар Ўрта Осиёга илк бор фақат кўчманчи халқ сифатида келиб, Ўрта Осиёни ҳақиқий аҳолиси “қадимий эронизабон халқ” деб уларни “тубжой” аҳоли деб, туркларни “келгинди” деб ҳисоблашган. Амалий натижаларга изоҳ берсак, 1.Миллий автохтонизм назариясига кўра “Ўрта Осиё халқларининг барчаси-ҳозирда яшаб турган ҳудудлари билан азалдан боғлиқлиги” деб ўзбек халқ этногенезининг бошланғич нуқтасини Турк

ҳоқонлиги билан боғлайди. Бу билан қадимий бой меросни эронизабон халқларга тегишли дейди. (Авесто, қўл ёзмаларни). Тўғри назарий қарашларда туркий тили ўзбекларнинг асосий илдизларидан бири, ўқ томири эрон забон суғдийлар, бохтарийлар, хоразмийлар ва сак қабиалари эканлиги инкор этилмайди. Аммо ўзбек халқи тарихи маданий мерос, унинг келиб чиқиши ҳақида битилган илмий мақолалар, рисоалар ва бошқа манбаларда туркий илдизи билан боғлиқ манбаларни инкор этиб бўлмайди. 2.Кўчманчи қабила ва элатлар ҳеч қачон бир жойда яшамаган, уларни хўжалиги, турмуш тарзи, моддий маданияти ёзма манбалари, табиий география шароити, бир биридан фарқ қилган. Ўтроқ туркийлар билан бирга кўчманчи туркийлар ҳам ўзига хос моддий ва маънавий маданиятга эга. Эронизабон халқларда кўчманчи аҳоли туркийларга нисбатан кам бўлган. Кўчманчи туркий қабиалар- Хуннлар, усунлар, Қарлуқ ва Чигил аргун ва тужи, калтгатой ва қангли, қирғиз ва уйғур, олтой турклари ва уларнинг аجدодлари ху, ди, рунг ҳамда сак-скиф қабиалари ҳеч қачон бир жойда яшамаган. Улар турли турк даштда. Ўрта Осиё чўлларида. Ўтроқ турклар дарё, қўл ҳавзаларида жойлашиб, амударё худудларида жойлашиб Туронзаминга асос солган.

Ўрта Осиё саклари (“Авесто”да турклар ва уларнинг аслзодалари-орийлар) турк чўллари Марказий ва Шарқий Қозоғистон, тоғли Олтой, Урал, Енисей ва Ўрхон дарёлари ҳавзаларига кириб келган. Икки тилли сак-скиф қабиалари- икки тиллик кенг тарқалиб турк суғдийларни аралашувини тезлаштирган. Совет даври тарихий лингвистикасида Ўрта Осиёнинг қадимий тилини эроний тилил халқ деб атайди. Эрон олимлари эса Ўрта Осиёдан то Байкалгача бўлган минтақларда эроний муҳити ҳукмрон эди деб асоссиз изоҳлайди. Ушбу масалани изоҳлашда мавжуд Хунн ва Турк ҳқонлиги Ўрта Осиёдан Шарқда бўлиб, Марказий Осиё узоқ вақтлар Эрон таъсирида бўлган эди. Милoddан аввалги 1 минг йиллик ўрталарида Ўрта Осиё Эрон давлати Аҳамонийлар таъсирида бўлиб, Ўрта

Осиё давлатини эрон тил, сиёсат, солиқ, қонун, маданий бошқарув эрон тилида олиб боришиб, маҳаллий аслзода турклар эрон сиёсатига мажбурий бўйсундирилиб миллий тил, ёзув, маданияти мустақил эмас эди. Бироқ Эрон таъсиридаги туркий халқ ўз урф-одатлари, хўжалиги, урф-одатлари, диний тасаввурларни йўқотмади. Эронийга бўйсунмаган турклар, хуннлар, турк ҳоконлиги турк тили, ёзуви, урф-одатларни мустақил ривожлантириб туркий маданиятни ривожлантирди. Бироқ Совет тарихчиларни кўпчилиги турк тилини ёзувни инкор этдилар. Бунга Ю.Бергел, С.П.Толстов ака-ука Дьяконовлар, В.А.Ливациц, турколог С.Т.Кляшторний, Б.А.Литвинский, Ю.Я.Ставиский, Б.Ғ.Ғофуров, В.М.Массон, Е.Е.Куўмина ва бошқалар олиб борилган археология ва палентропология тадқиқотлар натижасида қадимги ёзувлар “номаълум ёзув” туркий халқни қадимийлигини изоҳлади. Ўрта Осиёда икки тилли халқларнинг аралашиб яшаш, улар орасидаги бир-бирларига яқинлашиш ва интеграция жараёнлари ўзбек ва тожик халқини бир вақтда шаклланишига асос солди. Ўзбекларнинг этногенези XI асргача давом этиб, Ғарбий Қорахонийлар давлати доирасида XI-XII асрларда ўзбек халқи узил-кесил шаклланди. Ўзбек халқининг миллат сифатидаги тарихи XIX аср охири XX аср бошларида бошланди. Миллатни тил территория ва этномаданий жиҳатдан бирлаштирувчи омил иқтисодий негиздир. Миллатнинг иқтисодий-хўжалик бирлиги асосида тил ва территория ҳамда этномаданий бирликлар пайдо бўлди. Миллатнинг иқтисодий ва сиёсий бирлашиши халқ сўзлаши тилнинг (лаҳжаларининг) яқинлашиши асосида ягона миллий адабий тилнинг пайдо бўлишига олиб келди. Унинг давлат тили мақоми даражасига кўтариши эса миллат номи билан давлатнинг мустақиллик белгиларни нишонидир. Ўзбек халқининг ҳозирги ҳудудини тан олмайдиган ғайри** фикр эгалари. Юрий Брегель, Нўъмон Негматов, Рахим Масов, Сергей Пояков, Алишер Илҳомовларнинг қарашлари фан ютуқларига мутлоқо зиддир. Ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақидаги илк

бор илмий ғояни шарқшунос ва археолог олим профессор А.Ю.Якубовский ўзини 1941 йил “Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида” (“К вопросу об этногенезе узбекского народа”) “Этногенетик тадқиқотларнинг назарий асослари” рисоласида асослади. Шунингдек А.Д.Удольцев, С.П.Толстов “Ўрта Осиё этногенезининг асосий муаммолари”, Л.В.Ошанин “Антропология маълумотлари Ўрта Осиё халқлари этногенези ҳақида”, К.В.Тревер “милоддан аввалги У1-У асрларда Ўрта Осиё аҳолисининг этник таркиби”, И.Умняков “Тоҳарлар муаммоси” А.Н.Бернштам “Ўрта Осиё этногенезида қадимий туркий элементлар” Н.А.Кисяков “Тожиқларнинг юзага келиши масаласи ҳақида” В.В.Гинзбург “Антропология маълумотлари тожиқлар этногенези ҳақида”, А.Ю.Якубовский “Туркман халқининг УШ-Х асрлардаги этногенези тарихидан”, 1962 йил кўп жилдлик “Жаҳон халқлари тарихи”, К.Шониёзовнинг вафотидан сўнг 2001 йил “Шарқ” нашриётдан “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни”, А.Асқаровнинг “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи” университет 2007 й, С.Н.Турсунов ҳаммуаллифлик “Ўзбекистон тарихи ва маданияти-Сурхондарё этнографияси” 2006 йил А.Навоий, А.Ашуровни “Этнология” А.Навоий. 2007 йил чоп этилган китобларда ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига оид масалалар илмий таҳлил этилгандир.

2-Мавзу: Ўрта Осиё халқлари тарихини янгича даврлаштириш масаласи.

РЕЖА.

1. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихдаги дастлабки қарашлар.
2. Тарихий даврлаштиришдаги фикр ва мулоҳазалар.
3. Мустақиллик йилларидаги даврлаштиришга муносабатлар.

Таянч сўзлар: рус шарқшунослар, дастлабки фикр, этник тарих, ноҳолисона фикрлар, даврлаштиришнинг илмий тамойили, мустақилик даври, тушунчалар.

Илк бор Ўрта Осиё халқларини В.В.Бартольд даврлаштириб, мусулмонликкача бўлган давр “Муғуллар даври”, “Темурийлар даври” : В.В.Бартольднинг “Аҳманийлар ва Искандар Зулқарнайн давридаги ижтимоий” тузум нафақат ижодий XII-VIII асрларда, балки араблар истилосидан кейинги бир неча асрлар давомида ҳам шундайлигича сақланиб қолаверган” деган ғояси тарих ҳақиқатига зид эди. 1936 йил Ленинградда (Санкт-Петербургда) СССР ФАсини моддий маданият тарихи институтида Ўрта Осиё халқлари тарихи ва археологиясига бағишланган йиғилиш бўлиб, В.В.Струве В.В.Бартольд ғоясига қарши чиқди. “Ўрта Осиёда мусулмончиликкача кулдорлик жамияти бўлган” деган фикр билан чиқди. Ушбу бу фикр С.П.Толстов қаттиқ ҳимоя қилди. Даврлаштиришни аниқлаш мақсадида қадимги Хоразмда С.П.Толстов ва Я.Ғ.Ғуломов, Зарафшон водийсида А.Ю.Якибовский ва В.А.Шишкин “Эски Термизда” М.Е.Массон, Етгисувда А.Н.Берналтон Фарғона водийсида Б.А.Латининлар иш олиб борадилар. 1948 йилда Ф.А. Моддий маданият тарих институтининг Ленинград бўлимида Ўрта Осиё археологик тадқиқотлар бўлимида Ўрта Осиё халқлари қадимги тарихини даврлаштириш масаласида махсус Пленум чиқаришди. 1954 йил Тошкент Ўрта Осиё ва Қозоғистон тарихининг советларга бўлган тарихига бағишланган илмий сессия бўлиб ўтди.

А.Ю.Якубовский, С.П.Толстов, К.В.Тревер, Л.В.Ошанин, Я.Ғ.Ғуломовлар Совет даврида ибтидоий, кулдорлик, феодализм, капитализм ва социализмга бўлдилар. Кишилиқ жамият ўз тараққиёт йўлида 5 марта йирик цивилизацион (тамаддун) бошидан кечирди. 1.мил.авв. III-минг йиликда Фурот ва Дажла ва Ҳинд дарёлари ҳавзаси. 3 минг охири 2 минг йил бошларда Моварауннаҳрга ёйилди. 2.мил.авв. 1

минг ўрталарида Греция ва римда Искандарнинг қадимги Шарққа юриши. Осиё-Европа элинизм тамадуни. 3.Моварауннаҳр ва Хуросон милодий 1X-XIII аср. 4.XIX-XV асрларда Европа ва Осиёда юз берган уйғониш. 5.XX аср Турғунлик, инқироз. Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда уч омил бор.

1.Ҳар бир даврда жамият иқтисодий асосини ҳаракатлантирувчи кучлар кимлар эди?

2.Мулкка эгалик қилишнинг характери қандай бўлган.

3.Жамият ижтимоий ҳаётининг маънавий асосини қандай мафкура ташкил этган.

Ушбу омиллар асосида Ўрта Осиё тарихи даврлаштирилса, унинг юраги, ажралмас таркибий қисми ҳисобланган Ўзбекистон тарихи қуй даги даврларга бўлинади.

1.Ўзбекистондаги “Ибтидоий тўда даври:фергантроп-Неандертал аждодлари яшаган даври” (мил.авв. 1 миллион-12 минг йилликлар)

2.Ўзбекистонда “Ибтидоий уруғчилик жамоаси ва мулк эгалигининг шаклланиш даври”- уруғ жамоаларининг таркиб топишидан (40 минг йил авв.) милодий III-IV асрларгача то 1X аср бошларигача бадавлат деҳқонзодалар тимсоли жараёни. Мулкчиликда хусусий мулк, жамоа мулки, (зардуштийлик ибодатхоналарга тегишли)

4. Ўрта асрлар даври- Сомонийлар давлатини ташкил топиши- то XIX аср ўрталаригача. Коранда-ижрачилар, давлат ва иқто (давлат олдидаги хизматлари учун подшолик томонидан ином этадиган.

5. “Мустамлакачилик ва миллий уйғониш даври” Чор Россияси босқинидан то 1917 йил октябр тўнтаришига қадар бўлган давр.

6. “Советлар даври”.

7.Миллий истиқлол демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш даври”.

3-Мавзу:Тарихий, археологик, антропологик, нумизматик ва тилушносликка ва асосий манбаларга оид асарлар.

РЕЖА

- 1.Манбаларнинг илмий – тарихий аҳамияти.
- 2.Қадимги форс – юнон манбалари.
- 3.Хитой – арман ҳамда туркий манбалар.
- 4.Рус шарқшуносларнинг илмий аҳамияти.
5. Мустақиллик йилларидаги илмий тадқиқотлар.

Таянч сўзлар:Тарихий, антрополигик, нумизматикка, археология, форс, грек, рим, хитой, арман, рус шарқшунослари, мустақиллик йиллаир,манбаларда хорижий асарлар.

В.В.Радлов, В.В.Бартольд, С.П.Толстов, А.Н.Бернштамлари муҳимдир. Немис Академик В.В.Радлов шарқшунос бўлиб, қадимий ўрхун-энасой туркий битикларни ўқиган, уйғур халқининг қадимги ёзувларини ўрганиб уйғурлар ҳақида “К вопросу уйгурах” С.П. 1893 асарни ёзди. Хатоси Қарлуқларнинг УШ-Х асрларда Фарғонада яшаганлигини рад этиб, бу ерда уйғурлар яшаган деб талқин этади.

В.В.Бартольд 400 дан ортиқ илмий иш ёзган. (Туркестан в эпоху монгольского нашествия . Ч.1. Текст СПР. Б. 1898, История Туркистана) унда ўзбек халқининг этногенетик жараёни, қабилалар, иқтисодий-ижтимоий ҳаёти ҳақида фикр билдиради. Уни фикрдаги ноаниқлар Қорахонлар давлатининг асосчиларни бир ерда уйғурлар ёки яғмо деса, бошқа фикрда давлатларни ташкил топишда ҳиссасини катта дейди.

ЎзР.ФА Фахрий академиги С.П.Толстов 1937-1969 йил ўзбек халқи тарихини 300 дан ошиқ илмий фикрларда, ўзбек Қорақалпоқ халқларининг этногенетик жараёнларни, ўғуз, петенег, қанғли қабилаларини шаҳар қишлоқларни ўрганиб чиқди. Уни хатоси Қанҳа (Кангюй) давлатини

Хоразмда вужудга келган, бу давлатнинг сиёсий маркази ҳам Хоразмда бўлган деса, яна бир фикрда “Хоразм Қанҳанинг фақат бир қисми” эди. Қанҳа ҳам Сирдарёнинг ўрта оқимида, Тошкент воидийсидаги ҳозирги Оққўрғон туманида бўлиб, Қанҳа деб номланган. Орол денгизининг жануби-шарқий қисмидаги чўллардан яшовчи йати (яти, яси, оси) ассиан атамалари бир халқнинг номи дейди. Унинг фикрича йати, аси, ассионлар усунларнинг аجدодлари бўлган. Унинг бу фикрига қўшиш қийин. Маълумки, ас, аси, ассионлар Эрон тилли халқлар эдилар, усунлар эса туркий этнос бўлиб, буларнинг илк аجدодлари Шимолий Хитойда яшаб, кейин Тянь-шан тоғ олди минтақаларига келиб жойлашган. Шунинг учун ҳам усунларни ассиан ёки аслар билан тенглаштириш ўринсиз. У апасиакларни (пасионлар) печенеглар билан дуакара атамасини таҳорлар билан тенглаштириб улар бир халқ деган гипотез қилган бунга қўшиб бўлмайди. Яхё Гуломов “Хоразмнинг суғориш тарихи” Т.1959, асарида 1X-XII асрдаги қишлоқ ва шаҳар, иқтисодий, маданий ҳаёти, этник гуруҳлар, турғун аҳоли, Хоразм ирригация тижорат тарих акс этирилган.

А.Н.Берншатмнинг (Памятники старины Таласской долины. Алма-ато. 1941. Древняя Фергана (научно-популярный очерк Т. 1951) қадим ва илк ўрта асрларда Ёттисув, тянь-Шан тоғ олди минтақаларида. Сирдарё соҳиллари, Фарғонада турғун яшаб келган туркий халқаро, шаҳар ва қишлоқлар, деҳқончилиги, ҳунармандчилиги ва диний эътиқодлари ёритилган.(историко-культурная прошлое Северной Киргизии по материалам большого Чуйского канала. С. 16-20 М. №14) унда туркешлар, қарлуқларнинг ҳёти турмуш тарзи, маданиятига катта ўрин берилган. У Ёттисувнинг XIII-X асрларига оид тарихий даврни қарлуқ даври маданияти деб етайди. Қарлуқ даврига хос бўлган хусусиятлардан бири Зарафшон воҳаси, Фарғона ва Шош аҳолисининг Ёттисув аҳолиси билан савдо-сотиқ ва маданий алоқаларни янада ривожланиб бориши ва бунинг натижасида кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларнинг турғунликка ўтиш жараёнини

А.Н.Бернштам ўз ишларида аниқ далилар билан исботлайди. Марказий Осиё халқлари тарихини хусусан, этник тарихини ўрганишда айрим хатолар Кушон давлатининг номини ҳамда Фарғона водийсидаги қадимги шаҳар Косон номини усун (уйсун) этник номидан ташкил топган дейди. Бу фикр асоссиз Кушон давлатининг ташкил топиши усунлар билан эмас юечжилар билан боғлиқ Л.Н.Гумилев (Хунны М. 1960: Хунны в Китае М.1974; Открытие Хазарии. М. 1966 Древние тюрки. М. 1967) асарларида туркий халқларнинг бир қатор муаммолари (сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти, турмуш тарзи, тили, эътиқоди ва бошқа) этнос ва этник гуруҳларнинг географик жойланиши ҳам ўз аксини топган. Кўчманчи туркий қабилаларнинг алоҳида ўрганиб, Шарқий ва Ғарбий турк ҳоконлигини ташкил топиши, уларнинг инқрози, туркеш, уйғур ҳоконликлари, уларни этник ривожланиши. О.К.Караев “Қорахонийлар ҳоконлиги тарихи” 1983 Фрунзе асарида Марказий Тангритоғ (Тянь Шан)да ва Еттисувда илк ўрта асрларда яшаган аҳоли, Қорахонлар давлатининг ташкил топиши бу давлати Қозоғистон, Фарғона, Мовароуннаҳр ҳудудларини эгаллаш тарихи, ички, ташқи сиёсат, ижтимоий-иқтисодий аҳвол давлат тузилиши, аҳолиси, хўжалиги, моддий маънавий ҳаётига катта эътибор берган. Уни камчиликлари Тянь-Шанда X аср ўрталарида қарлуқлар сиёсий бошчилик қилишни йўқотадилар, исмоил Сомоний 906 йилги Туркистоннинг бир қанча ҳудудларини эгаллагандан кейин қарлуқ ябғулари Талас водийсининг шарқдаги ерларнинг талай қисмини қулдан берадилар: то Ўрду (ҳозирги Бишкек шаҳри бўлган Туқмоқ шаҳри ўртасидаги) шаҳригача бўлган ҳудуд, яъни Талас водийсининг катта- қисми қарлуқларнинг Марказий ҳудудлари бўлган кенгликлар Сомоний таъсирда бўлган деб таъкидлайди. Бу фикрига қўшилиш қийин, чунки X аср ўрталарида қарлуқ давлатини ябғулар эмас. Қорахонлар (улуғ хонлар) бошқарган. Бу даврида Қорахонлар Еттисув, Шарқий Туркистоннинг катта қисмида ва Тоҳаристонда ўз

хукмронликларини қатъийлаштирди. О.К.Қораев Қарлук қабиласи иттифоқидаги чигилларни чик қабиласи билан тенглаштиради. Бу ҳатто Чиклар теле қабила иттифоқидан, чигиллар эса қарлук қабиласидандир.

Хитой унос олим. Э Шаван Ғарбий турк қабилалари (Нушиби, дулу) қарлук, туркешларнинг инқирозга учраши, қарлуклар давлати ташкил топиши, Хитойларнинг туркий халқлар билан алоқасини ёритган.

И.Марквартин асарларида қипчоқ, кимак, ўз, кун, қай, овар, печенег, чигил, яғмо, қарлуғларни жойлашиши, этник тарихи, урф-одатлар ҳақида маълумот берган.

О.Прицак- Қарлук Қорахонлар давлати таркибида ташкил топган ўзбек элатининг шаклланишининг аниқ тасаввур қилиш мумкин. Ўзбек халқининг этногенезини ўрганишда антропология олимлар милoddан олдинги III-II мингинчи йиллар яшаган халқлар маҳаллий Европеоид одамлар бўлган. Монголоид ирқий типдаги аломатлар Ўрта Осиё ҳудудлари чегараларига милoddан олдинги I ва милодий биринчи аср бошларида кириб келган бўлиши керак. (Гинзбург В.В., Трофимова Т.А.. “Палеантропология древнего Узбекистана. Т. “Фан” 1980 . С-58.)

Маҳаллий европоид антропологик типни А.Н.Ярхо Помир-Фарғона ирқ (Ярко А.Н.Краткий обзор антропологического изучения труецких народов СССР за 10 лет (1924-1934). Антропологической журнал №1. 1936 деб номласа, Л.В.Ошианин уни Ўрта Осиё дарё оралиғидаги ирқ” (Ошанин. Л.В. И Зевенкова В.Я. Вопросы этногенеза народов Средной Азии в севтеданных антровологии Т. 1958. С.16.) деб номлайди. 1947-1948 йил профессор М.М.Дьяконов раҳбарлигидаги Кофирниҳон археологик экспедиция гуруҳи Қадимги Бактрия таркибидаги Жанубий Тожикистоннинг Ҳисор райондаги Тўпхона деб номланган 37 та (8 таси 1947 йил, 29 таси 1948 йил) қабрни очиб қабрларни 4 типга 1.милодий V1-VIII аср. 2.милодий IV-VI асрлари. 3.милодий I-III аср, 3.милодий олдинги I милодий I асрларга. 4. Икки буклантириб ётқизилган I бронза

даврига бўлди (Гинзбург В.В. Первые антропологические материалы к проблеме этногенеза Бактрии. Материалы по археологии СССР под редакцией, А.Ю.Якубовского. М. Л. 1950 С 242. Ошинин Л.В. Антропологический состав населения Средней Азии и этногенеза ее народов. Часть-2 Ереван. 1958. С 55-58-60) Бу қабрлар бош суяклари антрополог В.В.Гинзбург ўрганиб Бактрия аҳолисининг асосий қисми Европоид ирқининг брахикран (думалоқ бошли) типига (Ўрта Осиё дарё оралиғидаги тип) кишилари бўлганлигини ва ирқий жиҳатдан қўши Суғдиёнанинг ҳозирги аҳолисига жуда ўхшашлигини таъкидлайди. Ҳозирги Ҳисор тоғларидан шимолда ва унинг жанубидаги минтақаларда яшовчи халқлар қадимги Бактрия ва Суғдиёна аҳолисининг кейинги авлодлари деб ёзади. Ўрта Осиёда дарё оралиғидаги (Помир-Фарғона) антропология типи маҳаллий (автахтон) антропологик тип эканлигини, бу тип кишилари бошқа ердан келмаганлиги, унинг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қўшни вилоятлар билан этногенетик алоқада бўлиб келиши натижасида вужудга келганлиги Л.В.Ошанин бир неча (Антропологический состав населения Средней Азии и этногенезе ее народов в свете данных антропологии, Вопросы этногенеза народов Средней Азии в свете данных антропологии Т. 1953) асарларда таъкидлаган. Антропологлар ягона бир хулосага келган йўқ. Шунингдек, монголоид ирқий тип Марказий Осиёнинг хусусан, Мовароуннаҳарнинг барча ҳудудларида бир хилда тарқалмаган. Антик даврларда Еттисув ва Тянь-Шан этакларида яшовчи сак, усун қабилаларнинг антропологик типларида Европоид ирқининг брахикран тури ҳукмронлик қилган (Хаджайов Т.К. кўрсатилган асар 46 бет палеантропология древнего Узбекистана Т. Фан. 1980) Милодий биринчи асрларда Тошкент воҳаси Янги йўл қўрғонидан олинган 2 та аёл бош суяги Европоид ирқининг мезобрахикранли (ўрта юмалоқ бош) туридаги типи бўлиб, Т.К.Хаджайов “ Тошкент воҳасининг маҳаллий чорвадор аҳолисининг таркибига эҳтимол,

Ўрта денгизи ирқий типи қатнашган бўлса керак” деб таъкидлайди. Тошкент яқинидаги бўз сув соҳилида ҳамда Ниёзбош тепадан М.М.Герасимов милодий V асрга оид 2 та бош суякни ўрганиб, уларни брохикрон турдаги Помир Фарғона кишилари бўлганлигини 2 европоид гуруҳ мезокрантури ва Помир Фарғона типидagi брохикрантури мавжудлигини аниқлаб, уларнинг бош суякларида Монголоид ирқий аломатлар борлигини аниқлади.

Тадқиқотлар жараёнида милoddан олдинги V1-III асрларга оид Бухоро воҳасидаги Шодбек, Қизилтепа қўрғон (милодий 1 аср)да Европоид ва Монголоид ирқ аралашганлиги аниқланди.

Ҳазаро (Бухоро) қўрғондан (милодий 1-III асрга) эркан монголоид типи аралашгани Европоид киши топилиб, унинг бош суяги мезодолихокрон (ўртача узун бош) эканлиги аниқланди.

Б.А.Литвинский милодий 1 мингинчи йилларда Фарғона аҳолисининг этник таркиби жуда аралашган деб уни 4 хил антропологик типга 1. Ўрта Осиё дарё оралиғи типининг мезобрахикрон (ўртача дўмалоқ бош) 2. Ўрта ер денги типининг долихокранли (чўзиқ бошли) тури. 3. Монголоид ирқий аломатлари аралашган ҳар иккала (Ўрта Осиё дарё оралиғидаги ва Ўрта ер денгизи) ирқий типлари. 4. Юқорида кўрсатилганлардан ташқари айрим бошқа типлар (Литвинский Б.А. Этногенетические процессы в раннесредневековой Фергане (полеантропологический и лингвистические аспекты) В.кн. проблемк археологии Евразии и Северной Америки. М. 1971. С. 171)

Самарқанд яқинидаги Кофирқалъа қўрғонидан топилган 14 та бош суякдан 10 тасини В.Я.Завенкова жиддий ўрганиб Ўрта осие 2 дарё оралиғидаги (Помир Фарғона) антропологик типи милодий V1 асрда шаклланган деган хулосага келди. (Завенкова В.Я. Череп с городища Кофир калъа под Самаркандом. С-124-138) туркий халқларнинг бир қанчалари (эфталиийлар, кипчоқлар, қарлуклар, халачлар, ўғуз-туркманлар

ва бошқалар) Европоидлар бўлганлар. Византиялик тарихчи ёзувчи прокопий Кессарский (XI аср) “Эфталийлар-хунларга мансуб халқ бўлсалар ҳамки... улар хунлар билан аралашмаганлар, барча хунлар ўхшаш буларнинг бетлари хунук эмас, таналари оқ” деб ёзган эди. (История войн религия с персами С.П. б 1880)

Л.Н.Гумилев (Динлинская прблема И.В.Г.О. М.Л. 1959.) Л.Н.Гумилев қипчоқлар чиқиб келиши қадимги малларанг (сарик сочли) динлилар билан боғлиқ дейди. Бошқа манбалаларда руслар қипчоқлар баданининг оқлиги ва сочининг малларанглиги учун уларни “половый” (буғдой похилига ўхшаш сарик ранг) “половецлар” деб атаганлар.

1982 йил Москвада чоп этилган этнография китобда ўзбеклар ҳақида бирон аниқ фикр берилмаган. 1991 йил Б.А.Аҳмедовнинг “Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари” китобида унинг илк аجدодлари саклар, массагетлар, тохарлар, хоразмийлар, бахтарлар, хионийлар, усунлар, қанғарлар, суғдийлар ва бошқалар ҳақида маълумот берилган. Хитой манбаларида “Шимолий (Хитой) хонадонларининг тарихи” Бейшида (550-577); “Сўй сулоласининг тарихи” Суйшуда (581-577); “Тхан сулоласининг тарихи” Тханшуда (618-907); каби манбаларда Тошкент (Ши Чжени), Самарқанд (Кан), Бухоро (Ан, Анси), Дван (Бухо, Бохан, Бохани); Хоразм-Ши, Кеш (Шаҳрисабз), Насаф Қарши, Сурхондарё Тоҳаристоннинг бир қисми Хитой манбаларида эфталийлар (идал, йеда) Қарлуқлар (гэлолу) унинг таркибидаги (меуло, доми, жиси, ташши, пофу, гэсо), нушиби, дулу (дуглат) туркеш, усусн ва бошқа халқлари айтилган.

Ю.А.Зуев (К Этнической истории усуней.Новые материалы под древней и средневековой истории Казахстана. Алма-ата 1960) асарда Қул-Тегин, Тунйуқуқ, Илтарас (Тудулу, Қутлуқ) ва унинг хотини Элбилга хотун” Могилан, Қуш Чур (Магилланинг укаси) ва уйғур хони Мойн-Чур шарифига қўйилган қабртош битикларида ўзбек этник шаклланиш, этнонимлар- ўғуз, уч-ўғуз, тўққиз-ўғуз, ўн-ўғиз, кенгерес (канчар) қарлуқ,

кипчоқ, қирғиз, аз, телес, қидан, дулу, туркеш, турк ва бошқалар ҳақида фикр бор.

Абу Жафар Муҳаммад ибн ат Табарийнинг “Тарих ар-расул ва ал Мулук” асарида Дихистон Каспий денгизнинг жануби шарқида Атрек дарёсининг шимолидаги вилоят, Тоҳаристон Амударёнинг юқори қисмида, унинг ҳар иккала соҳилидаги вилоятлар, суғд, Фарғона, Шош, Хоразм, Еттисув ҳақида ундаги эфталийлар, карлуқлар, туркешлар, туркешнинг-Курсул, Абу-Музахим унинг саркардалари, туркларнинг суғд, Фарғона ва Тоҳаристон билан бирга арабларга қарши курашиш Аҳмад Ибн Фадланнинг (Ковалевский А.П. Книга Ахмада ибн Фадлана о его путешествии на Волгу в 921-922 Харьков 1956) Хоразм ва Хоразм халқи, Дашти қипчоқда ва Орол денгизига туташ чўлларда яшовчи ўғуз (ғуз) бижанак (печенег) лар ҳақида фикри X асрда географ сайёҳлар ал-истахрий (Абу исҳоқ иброҳим ибн Махмуд ал-Фарси ал Истахрий “Китоб масалик ал-мемолик” 1870 ибн Ҳовқал (Абу-л Қасим ибн Хаукав, Китоб ал-месолик ва л-мемалик” 1957) ва ал Муқаддасий (“Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмед ибн Абу Бекр ал Муқаддаси”) асарларида суғд кеш, Насаф, Тоҳаристон, Шош, Фарғона, Хоразм, исфиджоб ва шаҳар, қишлоқлар аҳоли, табиат, экинзор, кўчманчи ўғуз, халач, печенег берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” (таржимон Р.Расулов) асарида Хоразм ва Хоразм подшоҳларига хос лақаблар чегарасигача бўлган туркий халқлар, суғд ва Хоразм барйамлари ой ва кун номлари. Унинг “Ҳиндистон”асарида сиёсий-иҷтимоий ҳаёт, маданият, урф-одат, эътиқод, ҳинд дарёсининг юқори қисмидаги туркийлар Хўтан, Ғазна турклари, шош шахрини номи ҳақида “Геодезия” асарида (ўғуз) печенег (бижанак), алон ва асқабаларнинг жойлашган ҳудуди, ас ва аланларни Эрон тилидан турк тилига ўтиши. 7 иқлимни 7 доира шаклида Шимолий қисмида (яъни 6 чи иқлимга) хазарларни, ғуз турларини, қирғизларни, кимақларни, рус ва славянларни жойлаштирган, 7 иқлимга Син, Хутан ва туркий халқларни

жойлаштриб аниқ тасаввур берган. “Китоб ас-сайдана фи-т-тибб” китобида Бухоро, Самарқанд, Суғд, Фарғона, Хоразм, Қошғар, Боласағун, Шош каби шаҳарлар, турк, туркман, ғуз. Қирғиз каби этник номларни берган.

“Қонуни Маъсудий” машҳур асарида шаҳарларнинг узунлик ва кенгликларни жадвалларда кўрсатиш ҳақида Фарғона, Сирдарё, Еттисувдаги 30 шаҳарни, орол денгизига туташ чўллар ғўзлар, Волга бўйларида, Қора денгиз яқинидаги хазар ҳақида фикр берган. X-XI асрдаги ҳудуд ва шаҳар ҳақида аниқ маълумот беради.

“Минерология” асарида Шарқий турклар, Қобул, Ҳиндистон шимолида Тибет, Кашмирга яқин жойлашган турклар ҳақида маълумот бор.

Маҳмуд Қошғарийнинг (XI аср) “Девону луғотит турк” асарида 80 дан ошиқ шаҳар ва қишлоқ, 80 га яқин туркий номларни, Эрон тилли суғдийлар, туркий халқлар (қарлуқ, басмил) X аср охири ва XI асрда Сирдарё соҳилларида Еттисувда Шарқий Туркистонда яшовчи халқлар ҳақида. Нуҳ пайғамбарни ўғли Барлон-Барман шаҳрини, Боласағун-Боласағун шаҳрини, қурганлигини ёзади.

Ибн ал Асирнинг (1232-33 й) “Китоб ал-комил-фи-т-тарих” асарида X-XII асрда Марказий Осиёдаги сиёсий ҳолат Қорахонийларнинг Мовароуннаҳр ҳудудини эгалаши, Қора Хитой қабилалари, қарлуқ, халач қабилаларни Қорахонийлар давлатида тутган ўрни.

899 йил туғилган Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг (Бухоронинг Наршахий қишлоғида туғилган) “Бухоро тарихи” асари дастлаб араб ёзилган. 1128 йил Қува Шаҳрида яшаган ал-Қубавий форс-тожик тилига таржима қилди.

Ислом динининг тарқалиши (XIII аср), IX-XII асрлардаги Бухоро шаҳар, қишлоқларнинг иқтисодий, маданий, ижтимоий ва сиёсий тарихига оид манбалар. Бухоро халқи тарихи, Туркистон ва Еттисув турклари билан

ўзаро сиёсий ва этник алоқалари байрамлар, қасрлар, қўриқхоналар, ғуз (ўғуз), турк уруғларни этногенезси ҳақида фикр юритган.

“Ҳудуд ал-олам” Х асрда форс тилида ёзилган. (Бошқача номи “Туманский қўлёзмаси”) Марказий Осиё табиий бойликлари, дарёлар, чўл ва саҳролар, тўғуз-ўғузлар, кимаклар ҳақида Моварауннаҳр, Хуросон, Хоразм вилоятлари ҳақида фикрлар бор.

4-Мавзу: Ўзбек халқининг этник тарихига ва этногенезига оид баъзи назарий масалалар

РЕЖА.

- 1. Ўзбек халқининг этник тарихга оид назарий қарашлар.**
- 2. Этник тушунчалар ва уларнинг изоҳи.**
- 3. Қанғ ва хунларнинг ўтриқ турклар билан ижтимоий алоқалари.**

Таянч сўзлар: Ўзбек, элат, уруғ, қфабила, элат, жисшлашув, аралашув, этник тушунчалар, қанғ, ижтимоий муносабатлар, қарлуқ, миллат.

Собиқ иттифоқ даврида этник бирлик тушунчаси, этник бирликнинг даврларга бўлиниши, этник аломатлар ва бошқа қатор масалаларда баҳслашиб келган (Токарев С.А. проблемы типов этнических общностей (Вопросы философия 1964. М. Козлов В.И. Опонятий этнической общности (С.Э. 1967. №2.)

Этник бирликда қабила аъзолари бир-бирлари билан қон-қариндошлик муносабатида бўлиши ҳамда уруғларга бўлиниши ўзига хос тили, ҳудуди, қабила аъзоларининг ўзаро ҳамкорликда бўлиши (жамоа бўлиб ов қилиши, ҳудудни ҳимоя қилиш, ёрдам бериш) идора қилиш, маслаҳат (йиғин) мажлис орқали бошқариш.

Элат-қабилаларнинг бирлашиш жараёнида-худудий, иқтисодий, тил ва маданий умумийлик асосида.

Масалан: турк, уйғур, ўғуз, тожик ва ўзбек элатлар ташкил топди. Бундан ХХI асргача уйғур, тожик ҳамда ўзбек элати етиб келди.

Этнографик уруғ- бир қабиланинг, элатнинг ёки миллатнинг 2-чи 1 халқ билан аралашиб, бошқа ерга бориб, шу ердаги халқ таркибига кириб, у билан яшаб келиши натижасида вужудга келади. Масалан: Октябр тўнтаришишидан олдинги даврда ўзбеклар таркибидаги қипчоқлар, курамалар, этнографик гуруҳ ўз элидан халқидан ажралиб бошқа бир этник бирлигига қўшилиши натижасида ҳам вужудга келган. Бунга ўзбеклар таркибидаги эронийлар кўрсатиш мумкин.

Этник гуруҳ аниқ бир халқнинг (қабила, қабила иттифоқи элатнинг) апрчаланиб алоҳида қисмларга бўлиниб кетиши. Этнографик гуруҳдан фарқи-ўз халқидан (қабила, элат) ажралиб чиққан гуруҳ бошқа халқ таркибига кириб, узоқ муддат яшаб, шу халқнинг тили, хўжалик фаолияти, урф-одатлари турмуш тарзини қабул қилиб, унга батамом сингиб, ўзларини шу халқ номи билан атайдиган бўлиб келади. Лекин ўтмишда қайси қабила, элатга мансуб эканлигини баъзи анъаналарини сақлаб қолган. Қипчоқлар ХIХ асрнинг 2 чи ярми ХХ аср бошида ўзбек халқининг таркибида (ўз лаҳжалари, турмуш тарзи, маданий ҳаётдаги баъзи хусусиятларини сақлаб қолганликлари туфайли) этнографик гуруҳ бўлган бўлсалар, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, бошқирд ва бошқа халқлар таркибида улар (қипчоқлар) этник гуруҳ ҳисобланган.

Этногенез (этнос-юнон тилида халқ, генезис-келиб чиқиш). Илгари мавжуд бўлган бир неча этник компонентлар асосида янги этнос (элат)нинг вужудга келиши. Янги этнос вужудга келгач олдинги этник компонентлар аста-секин йўқолиб тарих майдонидан батамом чиқиб кетадилар (саклар, массагетлар, тоҳарлар).

Маълум бир халқнинг элат бўлиб шаклланиш (этногенез) жараёнининг 2 усули мавжуд. А) туб ерли (автахтон) этник компонентларнинг ўзаро яқинлашуви, уларнинг қўшилиб, биргаликда тараққий этиб бориш усули; б) шаклланган ёки шаклланаётган этник бирликка бошқа жойдан кўчиб келган компонентларнинг маҳаллий аҳолига қўшилиш усули билан ҳам этнос вужудга келади.

Этносларни бир-бирлари билан қўшилиб, қоришганлигини тан олмайдиган, ирқий жиҳатдан “тоза”, ирқчилик концепциясини қўллаб-қувватлайдиганлар бор. Тожикистон Ф.А. академиги Рахим Масов. У “тожик халқи бошқа халқлар билан қўшилмаган тоза (орий халқ, ўзбеклар эса монголоид ирқига мансуб келгинди халқ бўлганлигидан келиб чиқиши негизи (томири) тожиклар билан бир этник жамоадан бўлиши мумкин эмас. Ўзбекларни суғдийлар, бақтарлар, хоразмийларнинг авлодлари дейишга ҳам ҳеч қандай асос йўқ”. Бу нотўғри фикр бўлиб, халқлар қадимдан бир-бирларига араллашиб, қоришиб келганлиги ва соф халқ бўлмаганлигини тарих исботлаган.

Этник жараён-этник бирлик (элат) билан унинг таркибига кирган, этник гуруҳлар ўртасидаги этник хўжалик иқтисодий ва маданий алоқаларнинг узлуксиз ривожланиб боришига “этник жараён” дейилади. Бу 2 хил бўлиб 1.бўлиниб кетишга ва бирлашишга мойил жараён; Бўлиниб кетишга илгарилари бўлинмасдан келган этнодан бир неча этник гуруҳлар ёки унинг маълум бир қисми ажралиб чиқиб, алоҳида (мустақил) этносни ташкил қилиш. 2.Бирлашишга мойилни 3 тури мавжуд 1. Яқинлашиш (интеграция) 2.бирикиш (консолидация), 3.араллашиб қоришиб кетиш. Яқинлашиш- узоқ давом этади. Бирикиш жараёни 2 йўсинда ўтиши мумкин тил ва маданияти жиҳатдан яқин, аммо жипслашишдан олдин алоҳида этнос бўлиб келган ёки аниқ бир этник бирликдан ажралган гуруҳнинг (ёки бир неча этник гуруҳларнинг) бошқа этнос билан

жипслашиб бориш жараёни ва аниқ бир этноснинг ичида мавжуд бўлган ёки бўлаётган жараён.

Бир этноснинг бошқа бир этнос билан жипслашиш жараёнини этнослараро бирикиш деб атаймиз. Бу турдаги бирикишда келиб чиқиши бир хил бўлмаган этник гуруҳлар ҳам иштирок қилаверади. Лекин ҳамма вақт ҳам бу жараён самарали бўлавермайди. Жипслашишга мойил бўлган этнослар, этник гуруҳлар баъзи (сиёсий, иқтисодий) сабаблар билан тарқалиб, яшаш жойларини ўзгартириб, бошқа этнос билан яқинлашиб унга қўшииб кетиш ёки алоҳида этник бирлик ташкил этиш мумкин. Масалан Ғарбий турк хоқонлиги таркибида аз ва ўз қабилалари УП асрнинг охири УШ аср ўрталарида Еттисувдаги сиёсий вазият туфайли асосий қисм ҳудудни ташлаб кетди.

Жипслашган этнослар тили ва маданияти билан қанчалик яқин, қон-қардош бўлса буни “этносларнинг ички жараён” бирлашув деймиз. Масалан XIX аср охири XX аср бошларида қипчоқ ва курама гуруҳлар умум ўзбек маданиятга сингиб кетди.

“Қоришиш жараёни” деб маълум бир халқ (этнос) 2 чи 1 халқнинг тилини, урф-одатларини, удумларини ўзлаштириб, унга араллашиб (сингиб) у билан бир халқ бўлиб кетишини айтади.

“Этносларнинг яқинлашуви” деб келиб чиқиши бошқа бўлган этнослар бир халқ бўлиб қўшилмасдан (қўшишишга мойилиги бўлмасдан) қўни-қўшни бўлиб, доимо ўзаро алоқада бўлиб келган жараёнга айтилади. Бунга ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман, қорақалпоқ халқларнинг иқтисодий ва маданий ҳамкорлик айтилади.

Ўзбек халқининг этногенетик жараёни Қанғ давлати доирасида (ҳозирча этник гуруҳларни биологик жиҳатдан ўрганиш учун етарли материалларга эга эмасмиз) (милoddан аввалги III милодий V аср ўрталари) фикр билдирсак бўлади.

Қанғ давлати этник таркиб бир хил бўлмаган-саклар, сакараунлар, ассианлар, массагетларнинг айрим гуруҳлари обийлар, тохарлар, суғдийлар ва бошқа Эрон тили маҳаллий этнослар. Буларнинг катта қисми ўтроқ ҳаёт кечириб деҳқончилик, хунармандчилик, савдо-сотиқ билан шуғулланган. Қанға давлати таркибига милоддан аввалги УШ-У1 асрларда шимолий Хитойдан Эфталийларнинг илк аجدодлари, милоддан олдинги II милодий 1-II асрларда Тангри тоғ, Шимолий-шарқий ҳудудларидан усунларнинг айрим гуруҳлари Хитойнинг шимолий-ғарбий минтақаларидан ва жанубий Сибирдан ди, динлин, теле, хун каби қабилалар келиб қўшилди. Натижада Қанғар этнос қадимги турк тили шаклланди. Туб аҳоли суғдийлар, хоразмийлар, ўтроқлашиб қолган саклар обийлар, сакараунлар, ассианлар, тохарлар маданияти, кўчманчи чорвадор туркийзабон этнослар маданияти билан аралашиб (синкрети) маданият (аралашган) пайдо бўлди. Моварауннаҳр ва унга туташ ҳудудларда турғун яшовчи аҳоли суғдийлар, хоразмийлар, туркийзабон этнослар ўз ҳудудларида абадий қолиб, бўлажак ўзбек элатининг пойдеворини ташкил қилди.

Миллатнинг узок давом этган ижтимоий, иқтисодий сиёсий ва этно-маданий жараёнда, аниқ ҳудудий, доирада, тил ва ўзликни англаш бирилиги асосида шаклланган халқ этник тарихнинг энг юксак чўққиси, ўзига хос маданият, онг ва менталитет замирида таркиб топган ижтимоий бирлик шакли.

Миллат кишиларнинг жипс тарихий бирлиги, умум иқтисодий турмуш, тил ҳудуд бирлиги, маданият онг, руҳият уйғунлиги ва мустақиллиги демакдир. Ўзбек миллати Ўзбекистон халқи этносни шаклланиш жараёнида асосан 3 босқични босиб ўтади. 1.қабилла, 2.халқ, 3. Миллат.

Миллатни белгисини миллий тил, ҳудуд, иқтисод, сиёсий бирлашуви ёзуви, адабий тили, нишони, байроғи, қонун конституцияси.

Ўзбек элатининг вужудга келишидаги 1 чи шарт ички иқтисодий бирликнинг мавжудлиги, 2 чи сиёсий тузум давлат ҳудуди шаклланиши, 3 тилни, 4 маданиятни ривожланиши.

Манбаларда илк асрларда туркий тилли этносларга нисбатан “турк” ибораси қўлланилган. Масалан Махмуд Қошғарий “Турклар аслида йигирма қабиладир” дейди. Бунда у этник бирликни эмас тил бирлигини назарда тутган. Чунки “турк” ибораси у тилга олган этносларнинг барчасини этник жиҳатдан бирлаштирувчи ном бўлмаган, этносларнинг ҳар бири ўз этник номлари билан аталган. “турк” атамаси илк ўрта асрларда шаклланган ўзбек элатининг ҳам этноними бўлаолмаган. Бу атама турк хоқонлиги инқирозга учрагандан кейин фақат айрим этник гуруҳларгина масалан, туркманлар, оқ кийимли турклар ҳамда Марказий Осиёда яшовчи қабилалардан бирига этник ном бўлиб қолган эди. Холос. Ривоятларда Одам Ато ва Момо Ҳаво унинг авлодлари Нух пайғамбар ва Ёфат (Ёфас) бўлган. Ёфасни туркий- тилли халқларнинг бобоколони деб ҳикоя қилади. Ёфаснинг авлодларидан бири Тур ва Турк аталган. Туркнинг ўғли Тутак исми билан туркий халқларнинг барчаси келиб чиққан дейди.

5-Мавзу: Ўзбек халқининг шаклланиш жараёнини ўрганиш тарихидан

РЕЖА

- 1.Совет тарихшуносларнинг илмий ва ноилмий қарашлари.
- 2.Ўзбек халқининг келиб чиқиши тўғрисидаги дастлабки илмий қарашлар.
- 3.Этнография фанининг илмий асослари.

Таянч сўзлар. Ўзбек, топоним таҳлили,Ошанин, Ярхо, рус шарқшунослар, антропология, ўзбек тадқиқотчилари, қабрлар, инсон қиёфаси, археологик изланиш, натижа, хулосалар

А.Ю.Якубовский 40 йиллар бошида кўчманчи ўзбеклар келганда ҳаёт кечираётган туркий аҳоли билан учрашдилар, бу турк аҳоли Амударё ва сирдарё оралиғида қадимдан яшаб эрон тиллар халқлари билан аралашиб, қоришиб яшаган. Кўчманчи халқ билан аралашиб XV аср охири-XVI аср бошларида ўзбек номини олган.

У Б.Д.Греков билан биргаликда ёзган “Золотая Орда и ее падений 1950. М.” Китобини учинчи қисмида Даштиқипчоққа, жўжихон улусининг Шимолий-шарқий қисмига (Оқ ўрдадан) XIV-XV асрларда кўчиб келган ўзбеклар маҳаллий ўзбеклардан бир мунча фарқ қилган деб ўқтиради.

1942- йил 21-29 август Тошкент шаҳрида Ўрта осий халқларнинг этногенезисига бағишланган анжуманда К.В.Тревер, И.И.Чиняков, А.Н.Бернштадт, Л.А.Макулевич, М.М.Герасимов, Н.А.Кисляков, В.В.Гинзбург, А.Ю.Якубовскийлар ўзбек, тожик, қозоқ, туркман, қирғиз ва қорақалпоқ халқлар қадимдан яшаб, аввал элат ва кейин миллат бўлиб шаклланишига исботландилар. (1947 й С.Э. XI-VII сон 301-326 бетлар).

С.П.Толстов “Ўзбек халқининг этногенетик жараёни Қанғ давлати ҳудудида бошланган. Қанғ давлати ҳудудида бошланган. Қанғ давлатининг таркибида ва у эгаллаб турган минтақаларда ўзбек халқининг илк аجدодлари яшаган, буларнинг этник таркиби ва тили бир хилда бўлмаган”, “ўзбек аجدодлар алоҳида элат сифатида шаклланиш жараёнининг ниҳоясига етишини X-XII асрда Қорахонийлар давлати доирасида ўтганлигини таъкидлайди”.

Антрополог Л.В.Ошаниннинг маърузасида “ўзбек ва тожикларда ўзига хос европоид ирқий аломат (тип) мавжуд”. Бу антропологик типга у Ўрта Осиё икки дарё оралиғидаги ирқий тип деб ном беради. (Этногенез народов Средней Азии в свете данных антропология. С.305-307)

А.И.Ярхо мазкур типни помир Фарғона ирқий тип деб атайди (краткий обзор антропологического изучения турецких народностей. СССР

за 10 лет (1924-1934) Антропологический журнал. 1936. №1)
Н.Ю.Якубовский, Тревер К.Е, Воронец М История народов Узбекистана
Т.1.Ташкент. 1950. История Узбекской ССР. Т.1. книга первая Т. 1955.
С.269-270. История Узбекской ССР. Т.1.Ташкент. 1967 с. 380-381. Ўзбек
халқининг этногенезиси тўғри баҳолаган.

Ўзбек халқининг этногенетик муаммолари Академик
Б.Ғ.Ғафуровнинг “Тожиқ халқининг тарихи” (история таджикского
народа) Т.1. М. 1949. С.228, второе М.1952. С. 213 “Таджики” таджики,
дневнейшая, дневняя, средновековая история. М. 1972. С 542-549) унда
“ўзбек халқининг этногенез муаммолари” концепциясида туркий тиллар
қабилалар ва халқлар Ўрта Осиёда қадимдан яшаган, лекин улар кўчиб
юрининг кучайиши У1 асрга (турк хоқонлиги даврига) тўғри келади.
Улар суғдийлар, хоразмийлар ва сак-массагетлар билан аралашадилар. Х1
асрда ўзбек халқининг шаклланиши кучайиб туркий тилда сўзлашиш
кучайди. Сомонийлар даврида (1Х-Х аср) Қорахонийлар даври (Х-ХП аср).
У эрон тилли халқларнинг ўзбек элати шаклланишидаги аҳамиятга юқори
баҳо беради. Бу нотўғри фикр.

М.Ғ.Ваҳобов (“Ўзбек социалистик миллати” Т.1960. 83 бет,
Формирование узбекской социалистической нации. Т. 1961 С.11-85)
асарида ўзбек халқининг этник тарихини ва этногенезини уч асосий
босқичга. 1.Х1 асргача ўзбек элатининг дастлабки ўзаги шаклланган. 2. Х1-
ХП аср ўзбекларнинг элат бўлиб шаклланиш жараёни ниҳоясига етган
давр. 3. Ўзбек элатининг тараққий этиши ва унинг этник таркиби кенгайиб
бориши. Бу Х1Х асргача давом этади. Бошқа фикрда “ўзбек элатининг
асосий ўзаги Х1-ХП асрларда вужудга келади. Унинг шаклланиш жараёни
эрамиз бошидан бошлаб то шу вақтгача давом қилди”. Бироқ, бу
босқичлар баъзи ноаниқликлар ва зиддиятлардан холи эмас. Биринчи
босқич жуда катта (эрамизнинг бошидан то Х1 асргача) Бир минг йиллик
давр- ўзбек халқнинг шаклланиш даври дейилади. Чунки бу даврда бир

неча давлатлар элатлар вужудга келган ва тарқалиб кетган. Ўзбек аждодлари алоҳида элат бўлиб, маълум тарихий санадан шаклланган. М.Г.Ваҳобовнинг ХI-ХII асрларда “ўзбекларнинг элат бўлиб шаклланиш жараёни ниҳоясига етган вақти” деган фикрини тўла маъқуллаш билан, пастрокда “ўзбек элатининг асосий ўзаги ХI-ХII асрларда вужудга келди” айтган сўзларида зидлик мавжудлигини сезмасдан илож йўқ. Кўриниб турибдики бир ерда ХI-ХII асрларда ўзбек элатининг шаклланиш жараёни ниҳоясига етган, деб таъкидланса, иккинчи бир ерда унинг асосий ўзаги ХI-ХII асрда вужудга келган дейилади. Шу ўринда савол туғилиши табиий агар ўзбек элатининг асосий ўзаги ХI-ХII асрлардагина вужудга келган бўлса, унда қандай қилиб унинг шаклланиш жараёни ХI-ХII асрларда ниҳоясига етган деб айтиш мумкин.

Б.Х.Кармышева (Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана). М.1976. С.162) Ўзбек элатининг асосий ўзаги IХ-Х-асрларда шаклланган десада манбасини исботлаб бера олмаган. У шаклланиш даврини 4 (тўрт) даврга бўлган; 1.милоддан олдинги УШ-П аср. 2.милоддан олдинги II милодий IУ аср. 3.милодий IУ-УI аср. 4.милодий УI-УШ аср. Бу узоқ даврда фақат шаклланди дейди. Ўзбек элати қачон, қайси асрда алоҳида этник бирлик (элат) бўлди деб айта олмайди.

М.Эрматов (этногенез ва формирование узбекского народа. Т. 1968) географик ва лингвистик манбаларни кенг фойдаланган лекин этногенезис муаммоларни илмий асослай олмаган.

Б.А.Ахмедов (Государство кочевых узбеков. М. 1965. Ўзбекнинг келиб чиқиш тарихи. Т. 1962. Ўзбек улуси. Т.1992. тарихдан сабоқлари. Т. 1994) асарларида ХУI асрнинг бошларида келган кўчманчи ўзбеклар ўзбек халқининг таркибий қисмидан бири бўлган деб “Қорахонийлар даврида (Х-ХI) асрлар ўзбек халқи тўла шаклланиб, ижтимоий-иқтисодий ва

маданий жиҳатдан ривожланди” дейди. Бироқ этник бирлик XI-XII асрда ниҳоясига етди деб айта олмайди.

А.Аскарров (академик) (Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории населения Средней Азии. Т. 1986. С 13-14 Ўзбеклар қандай келиб чиққан. Фан ва турмуш. 1985. 234 сон.

Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории Узбекского народа. С.10. Ўзбек халқи этногенезининг биринчи босқич эрализ бошларида. 2.У1 асрнинг 2 чи ярмидан XIУ-ХУ аср жараёнининг янги, тараққий этган даври. Бироқ ўзбек халқи этник битиги милoddан олдин бошланган.

В.А.Никонов Ўзбек элатнинг шаклланиш жараёни XI-ХУ1 асрлар деб хато фикр айтади. (узбеки к.н. Система личных имен у народов мира 1998. М. 0 Х.Салимов (Населения средней Азии Т. 1975. С 76-78) ҳам буни ХУ1 аср деб нотўғри айтади. У 1500 й Темурийлар эгаллаб турган ерларни босиб олган турк-муғул қабилаларигина ўзбеклар ҳисобланган. Унгача яшаш аҳоли турк-ўзбек ҳисобламаган.

Ғ.Абдурахмонов ва Ш.Шукуровлар (Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси Т. 1973. 16-бет) Ўзбек халқнинг шаклланиш даври XI-ХУ аср деса 2 чи фикрида XIУ-ХУ аср деб таъкидлайди. Хато фикр баъзан Х-ХII аср деса яна бир фикрда қипчоқларни бир сўзида қирғиз, иккинчи сўзда печенег деб таъкидлайди.

6-Мавзу: ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗИСИ ВА ЭТНИК ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАР

Режа

1.Ўзбек халқининг келиб чиқишининг ўрганишининг назарий ва амалий ҳамияти.

2.Этнографияга оид илмий қарашлар ва тушунчалар.

3.Этнография фанининг ёшлар онига сингдиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Таянч сўзлар: Мустақиллик, ўзбек, назарий, амалий, этнография, этнос, тушунчалар, ўлка, ватан, ёшлар, илмий ғоя.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда юз бераётган туб иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар мозий тарихини чуқур ҳолисона тарзда ҳамда янгича тафаккур асосида илмий тадқиқот этишни тақозо этмоқда. Президентимиз И.А.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида таъкидлаганидек, «Мадомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зурур». Дарҳақиқат, Юртбошимиз тарихчилар олдида қўйган энг долзарб ва устувор вазифалар-миллий давлатчилигимиз тарихи ва ўзбек халқининг этногенезини тадқиқ этишда этнография (халқшунослик) фанининг ўрни бекиёсдир. Этнография кўп қиррали ижтимоий фан бўлиб, унинг асосий тадқиқот объекти миллатлар, халқлар ва элатлар (этнослар) ҳисобланади. Этнография фани ер юзидаги халқларнинг келиб чиқиши (этногенези) ўзига хос моддий ва маънавий маданияти, антропологик (ирқий) ва лингвистик (лисоний) белгилари, анъанавий ҳўжалиги, маросим ва урф-одатлари, ижтимоий, оилавий ва маиший турмуш тарзларини ўрганиш жараёнида ҳар бир этноснинг жаҳон цивилизациясида ўз ўрнига эга эканлигини кўрсатади.

Этнография фани қадимги грек сўзлари-«Этнос» (халқ) ва «графо» (ёзиш, таърифлаш) деган маънони билдириб, янги фан сифатида XIX асрда тўлиқ шаклланди. Бу терминнинг асосчиси XVII аср бошларида немис ёзувчиси Иоганн Зуммер бўлиб, унинг 1808 йилда илк бора «Этнография» илмий-оммабоп журнали чиқди. Этнография сўзи машҳур француз табиатшуноси ва физик олими Жан-Жак Ампер томонидан тақлиф этилди. Ушбу фан шаклланиши натижасида дунё халқларининг келиб чиқиши,

ижтимоий турмуш тарзига оид улкан ишлар амалга оширилиб, илмий тадқиқотлар туфайли дунё халқлари калассификацияси яратилди. Этнография фанининг Марказий Осиёда ҳам ўз ўрни ва аҳамияти маълум даражада сезилиб, бу ҳудуддаги халқларнинг этник қиёфаси, хўжалик фаолияти ва турмуш тарзи хусусиятлари даставвал маҳаллий табиий-географик ва экологик шароитга боғлиқ ҳолда ўрганиб келинди. Афсуски, Мустабид тузуми даврида иқтисодий ва маънавий қашшоқлик, зўровонлик ва миллий низолар кучайган даврда Ўзбек халқининг келиб чиқиши хусусида бирон бир илмий одилona фикр юритиш мумкин эмас эди. Шиддатли мустабид ижтимоий оқимнинг қудратли тўлкинида инсоннинг, бутун бир элат ва халқнинг сабр-тоқати ва иродаси, кучи, ақл-идроки синовдан ўтди. Шу оғир давр синовларига қарамай ўзбек халқининг келиб чиқиши, унинг илк аجدодлари, миллий, моддий ва маънавий тарихига оид илмий асарлар яратилиб, ўзбек этнография мактаби шаклланди. Машҳур этнограф олимлардан К.Шониёзов, Б.Кармишева, А.Асқаров, Т.Ходжайев, И.Жабборов, А.Муҳаммеджонов, З.Орифхонова, О.Бўриев, У.Абдуллаев, Т.Пардаев, А.Қурбонов ва бошқалар бу соҳага оид машҳур асарлар ҳамда дарсликлар яратдилар. Фақат истиқлол шарофати туфайли жаҳон ҳамжамиятига тобора кўз тутаётган Ўзбекистоннинг этнографлари дунё халқларининг этногенези ва этник тарихи, хўжалиги, моддий ва маънавий маданияти билан таништиришда этнография фанинг етакчи ўринларга олиб чиқмоқдалар. Бу фан ёш авлодни Ватанга садоқатли, имонли ва эътиқодли, комил инсон бўлиб тарбиялашда ҳам муҳим ўринда туради. Ёшлар жаҳон, қўшни, қардош халқлар, хусусан, ўзбек халқининг этногенези, этник тарихи, анъанавий турмуш тарзи, умуман миллий ва умуминсоний қадриятларни этнография фани орқалигина эгаллайди. Миллий муносабатларда миллатлар тарихини ўрганиш этнология йўналишидан алоҳида илмий тафаккурни талаб қиладиган муҳим масаладир. Президентимиз И.А.Каримов «Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида;

хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида «ҳар қандай миллат - у нақадар кичик бўлмасин-инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши ер юзасидаги маданий ва генетик фондининг шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади»-деб башорат қиладилар. Этнография фанида миллий ирқий хусусиятларни ўрганиш, урф-одатларни таҳлил қилиш, ҳар бир этник қатламни кичик-кичик гуруҳларни бир-биридан фарқини англаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки, бир-бирига жуда ўхшаш гуруҳлар, элатлар, халқларни ажратиш, фарқлай билиш жуда катта масаладир. Этнография фанида тадқиқотлар олиб бориш натижасида антропологик, лингвистик, топономик, биологик изланишларни олиб бориш ҳамда бу тўғрисида хулосалар бериш, таққослаш, тавсифий белгиларни аниқлаш, тил лаҳжаларини фарқлаб олиш учун кетма-кет изланишлар қилиш, тадқиқот натижаларини назария ва амалиёт билан боғлаш, фан билан ҳаётий тажриба ўртасидаги ишончли муносабатларни шакллантириш муҳимдир. Этнография фани ҳар бир одамни ирқий белгилашдан ташқари ҳудудий, иқтисодий, маданий, сиёсий урф-одатларни, турмуш тарзини фарқлай билиш билан биргаликда одам қиёфасини белгилайдиган тана, кўз, соч, соқол, қош, киприк, лаб, бурун, тирноқ, кулок, бўйин, томоқ, панжа, тирсак, тавон, тиш, пешона, қўл, оёқ, бўй, тери каби тавсифий белгиларни тадқиқот таҳлилига киритиш билан ҳам ажралиб туради. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, этнография фани фақатгина Ўзбекистонда Мустақилликдан кейинги даврларда Олий ўқув юртларида дарслик сифатида ўтиб келинмоқда. Бу эса Этнографияга оид мавжуд муаммоларни бартараф этиш, жиддий хулосалар чиқариш, камчиликларни тугатиш, сифатли дарсликлар, қўлланмалар яратиш муҳим масала эканлигидан далолат беради. Этнография фанини ўрганиш масаласига жиддий эътибор билан ёндашиш зарур, чунки давлатчилик тарихини ўрганишда

унинг асосий негизи бўлган халқларнинг шаклланиш жараёнларини таҳлил этиш, ижтимоий, маданий ҳаёт ривож даражасини ёритиш муҳим масала. Этнографияда ўтказилаётган илмий текширув бевосита ҳар бир ҳудуднинг маданий қатлами қандай юзага келганлигига боғлиқдир. Президентимиз И.А.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида; «Бизнинг аجدодларимиз, халқимиз қадим-қадимдан ўтроқ яшаган, миллатимизнинг илиги ўтроқ маданият шароитида қотган. Халқимиздаги «илиги тўқ, бақувват» деган тушунча, мен, ҳатто, қонуният деган бўлардим, бежиз пайдо бўлмаган. Ўзбек халқининг илиги тўқ, бақувват демокчиман»-деган фикри алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу туфайли мамлакатимиздаги ўтмиш аجدодларимиз бўлган уруғ, элатларнинг қандай шаклланганлигини ўрганиш, ҳар бир уруғнинг юзага келишидаги сабабларни илмий ёритиш долзарб масаладир. Ўз навбатида Ўзбекистонда аҳолининг тез ўсиши, уруғларнинг аралашиб ҳамда қўшилиб кетишини кучайтириш туфайли тадқиқотларни ҳудудий жиҳатдан қайта тез вақтда ўтказиб туришни талаб этади. XX асрнинг 20-90-йилларда олиб борилган этник тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу даврда фақатгина аҳоли сони ўсиб қолмасдан, балки ижтимоий тузум ўзгарди, янги ерларни ўзлаштириш, саноат корхоналарининг ўсиши, аҳолининг мажбурий кўчирилиши, четдан келган элатларнинг маҳаллий аҳоли билан қўшилиб яшаши ҳолатини ўрганиш илмий аҳамиятга эгадир. Баъзи бир хулосалар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳали кўпчилик кишилар, ҳатто баъзи зиёлиларимиз, ўрни келганда айтиш жоизки, олимларимиз орасида ҳам Этнография фан ҳақида оддий бўлса ҳам тушунча йўқ. Бу фан йўналишида олиб борилаётган илмий мавзуларга, тадқиқотларга шубҳа билан қараш, эътиборсиз бўлиш ҳолатлари мавжуд. Этнографик илмий тадқиқотлар олиб боришга жазм қилган ёки шу масалага жиддий киришган ёш илм фидойиларини назарий-амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш суут даражада. Аниқроқ қилиб айтганда, этнография фанига ҳисса қўшиш учун, Президентимиз И.А.

Каримов таъкидлаганидек, «Мустақил фикрлайдиган одамларимиз бўлмаса, ўз давлатимиз, халқимиз, миллатимиз тарихини ўзимиз тикламасак, ўзимиз холисона ёзмасак, уни бошқалар бошқача қилиб ёзади. Ёзиш билан чекланса майлику-я, бизни ўсиб келаётган авлодни, ҳатто, олимларимизни ҳам ўз йўриғига солишга ҳаракат қилади..., сизлар, миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, ғурурини уйғотсин». Бу ғоявий маслаҳат асосида ёш талантли, истеъдодли, ўткир зеҳнли илмий ижодкорларни тарбиялаш, улар бошлаган илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, ортиқча мансаб, унвондан фойдаланиб ҳали бу тадқиқотчи ёш, «бир оз пишсин» ёки «кутиб турсин»-деб «кераксиз» ортиқча талабларни қўйишнинг олдини олиш демакдир. Чунки, мустабид тузум даврида умумий мазмундаги диссертация мавзуларини бериш, вилоят ҳудудига оид этнографияга тааллуқли мавзуларни тор илмий тадқиқотлар чикмайди, деб маълум тўсиқлар қўйиш одатий ҳолга айланиб қолган эди.

Мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, Олий ўқув юртларида номутахассис бўлимларда ўзбек халқининг шаклланиш жараёни, илк аجدодлари ҳақида этнография фанига оид мавзуларни киритиш ёки ушбу мавзуга оид манбалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ёш авлод албатта, ўз юртини, халқини, тарихини билишлари, ватанпарварлик руҳида тарбияланиши, ўз миллатидан фахрланиш, ғурурланиш туйғуси билан комил инсон бўлиб етишиши мумкин. Ёшлар илк аجدодларимиз яратган моддий-маънавий меросни ўрганиши, уни тиклаши, унутилган урф-одатларни чуқур англаб етиши асосида Ватанга содиқ баркамол ҳолда ўсишлари зарур. Ҳозирги муҳим масала этнография соҳадаги олимларни, тадқиқотчилар сонини кўпайтириш, самарали илмий тадқиқотларни амалга ошириш давр талабидир.

7-Мавзу; ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

РЕЖА

1. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи.
2. Қадимий тиллар ва унинг ўрганиш.
3. Ўзбек тилининг пайдо бўлиши ва унинг илми ўрганиш.

Таянч сўзлар: Ўзбек, тил, тил гуруҳлари, хитой, форс, арман, грек, рим, турк, рус, манбалари, дастлабки тил, ўзбек тили, турк, қабила, элат, миллат, мустақилик.

Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг ўрганиш ва илмий таҳлил этиш жараёнида ўзбек тилини пайдо бўлиши ва тараққий этиши билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш муҳим долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки ўзбек тили ўзбек давлатчилигининг илк моддий ва маънавий манбаларида шаклланди ва юксак даражада ривожланиб жаҳон цивилизацияси тарихига муносиб ҳисса қўшган салоҳиятли тил сифатида жаҳонга танилди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Биз ўзимизни ҳамиша мустақил миллат-ўзбек халқи сифатида ҳис этиб келганмиз ва бу билан фахрланамиз. Бунга тарихий, илмий, маданий асосларимиз бор”. Ўзбек тилининг шаклланиши маълум минтақавий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, бу ҳақда қадимий ёзма ва археологик тадқиқотлар қуйидаги маълумотларни тақдим этади. Жумладан, Хитой сайёҳи Чжан Цзянь Тоҳаристон ҳақида жуда кўплаб тарихий манбалар келтириб, бу юртда деҳқончилик маданияти юксак ривожланганлиги хусусида фикр юритиб “Амударё (Хитойга Гўй -шуа) бўйлаб савдо-сотиқ билан шуғулланадиган кишилар яшайдилар. Улар қуруқлик ва сув орқали (Амударё суви орқали) ўз молларини бир неча минг лигача

бўлган масофага етказиб борадилар”¹деб ёзади. Ҳозирги 1 ли 579 метр, кадим ва ўрта асрларда 1 ли 350 метрга яқин бўлган².

Хитой сайёҳлари милоддан олдинги II аср ўрталарида хунлар билан бўлган кучли ҳарбий тўқнашувларда мағлубиятга учраган юежжиларнинг асосий (даюежилар – катта юежилар) қисми Тангри тоғнинг шимоли шарқидаги ҳудудлардан Даха (Тоҳаристон) га кўчиб ўтиб, милодий I асрда Кушонлар сулоласига асос солдилар. Бу Даха (Тоҳаристон)нинг шимоли Ҳисор тизма тоғлари билан (Сурхон Шерабод водийсига чиқадиган “Темур дарвозаси ёки Бўзғол танглиги”) чегараланади. Дахага келиб жойлашган юежжичиларни тиу шеваларини илмий таҳлил этган тилшунос –этнограф М.Н.Воровьев –Деятовскаянинг фикрича тоҳар тилларидан бирида сўзлашувчи халқнинг номи “кучони” деб аталган. Бу сўз илк уйғур кўлёмаларида мавжуд бўлган кусан атамасига боғлиқдир деб таъкидлайди. Қадимий сак кўлёмаларига оид VII-VIII асрлардаги маълумотларда Хўтонни вайронага айлантирган “кхоча” халқи ҳақида фикр билдирилиб кручоное, кхочо, сусан, кусан номлари кушон этник номига этник ва этнолингвистик жиҳатдан яқин деган фикрни билдиради. “Кучони” атамаси ўз навбатида санскрит тилидаги “тоҳарика –тоҳарлик иборасига тўғри келади” деган тарихий фикрни келтиради³. Этник жараёнларни мураккаблашувчи натижасида маҳаллий аҳоли билан кўчиб келувчи қабилалар ўртасидаги мунтазам равишда ҳудудий тўқнашувлар бўлиб ўтган. Маҳаллий туркий ўтроқ қабилалар доимий тарзда бўлган ташқий хавф, босқинчи қабилалар хужумига жиддий қаршилиқ кўрсатишига қарамасдан шимолий ҳудудлардан Халқлар кўчиши натижасида ҳаракатга келган кўп минг

¹ Бичурин.Н.Я. Сабрания сведения о народах, обитавших в Средней Азии в древня. том.II. с. 151. м. 1960

² Бартольд В.В. Туркистан в эпоху монгольского нашествия. Соч.Т.I. М.1963. с.134.

³ Варобоева-Десятовская.М.Н. Памятники Центрально –Азиатской письменности. Учение записки Института Востоковедения А.Н.СССР. Т.16.М.Л.1958. с.306

кишилик қабилаларга мунтазам қаршилик кўрсата олмаганлар. Йирик кўчманчи қабилалар қулай табиий географик ҳудудларга маҳаллий қабилаларни қаршилигини синдириб жойлашиб олган. Ана шундай кўчишлар натижасида Хитой манбаларида қайд этилган милодий V асрнинг иккинчи ярмида (аниқроғи 468 йил) Тоҳаристонга эфталийлар қабилалари келиб жойлашиб, улар (Йеда, еда) номи билан ҳам атаган. Эфталийлар Тоҳаристонга Олтой тоғлари жанубдан шунингдек Фағона ҳудудларидан кўчиб келишган¹. Бироқ шуни қайд этиш керакки, Эфталийларнинг этногенези ҳам тўлиқ ўрганилмаган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Мовороуннаҳр ҳудудига Эфталийларнинг қачон келганлиги ҳақида аниқ маълумотлар бўлмасада, Хитой манбаларида Эфталийларни (Йеда, Ида) Тоҳаристонга IV аср охири V аср ўрталарига келганлигини этнограф –Н.Я.Бичурин қайд этади. Бу манбани Прокопий Кесарскийнинг V-VI асрларда Эфталийлар Мовороуннаҳр ўтроқ ҳолда яшаган деган маълумотидан олган. Чунки бу даврда Эфталийларнинг асосий қисми ўтроқлашган эди. Араб тарихчилари Муқаддасий, Ёқут ва Ибн Маъсудларнинг ёзишича Эфталийларни Хайтал номи билан тилга олади. VI-VIII асрларда Тоҳаристонда маҳаллий ўтроқ ҳамда кўчманчи туркий қабилаларни аралашиб яшаши кучайиб, маҳаллий ҳақнинг урф-одатлари, маданиятини қабул қилиши кучайди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Кўчманчи қабилаларни сиёсий сиқуви, кўпчилик аҳолини ташкил этиши, сиёсий бошқарувни ўз қўлига олиши, натижасида кўпинча кўчманчи қабилалар номи билан маҳаллий халқ ҳам атала бошланди. Кўпинча маҳаллий халқнинг номи тезликда унутила бошланди. Тоҳаристон ҳудудлари VI асрнинг охири VII асрнинг бошларида Турк ҳоқонлигига бўйсунган бўлиб, бу ҳудудда туркийзабон қабилалардан қарлук, халач, чигил қабилалари кўчиб келиб, бу

¹ Гумелев.Л.Н. Эфтолиты и ихсоседи в IV В.Д.И.1959.№1.Эфтолиты горцы или степноки. В.Д.И.1967.№3.

кабилаларга Тоҳаристонга Қарлуқ ябғулари раҳбарлик қилди. Хитойлик сайёҳ Сюань-Цзяннинг (639-645) тарихий манбаларга асосланиб Тоҳаристон ҳудуди 27 вилоятдан иборат қилиб, жами вилоятларга Турк ҳоконлари раҳбарлик қилган. Хи(Балх) вилояти Туркхоннинг қароргоҳи бўлиб¹, Шуман(Ҳисор водийсининг Марказий ва Шарқий қисми), Аҳорун вилоятлари ҳокими ҳам турклар билан, шунингдек, хитойлик сайёҳлардан Тан-Шуда ва Хой-Чаони қайд этишича Кумед, вахон ва Хутталон вилоятлари раҳбарлари ҳам Турклар бўлган. VIII асрларда Тоҳаристон шу ерларда яшовчи қарлуқлар бошлиғи –ябғулар томонидан бошқарилган. Ябғулар қароргоҳи Балх шаҳрида бўлган. Юань-Цзянь тилга олган 22 вилоятнинг кўпчилигини бошқарган ҳокимлар қарлуқ туркийларидан тайинланган Ябғу ўз навбатида турк ҳоконлигига тобе ёки ярим тобеликда бўлган бўлиши керак. Этнограф Н.Я.Бичуриннинг маълумотларига асосланиб, Тандхара ва Тибун ҳудудларни 719 йилда Қарлуқ қабиласига мансуб турк сулоласи бошқарганлигини Хитой сайёҳи Тан-Шу ўз маълумотларига ёзиб қолдирганлигини қайд этади. Шунингдек, Тоҳаристоннинг жануби – Цаогюйчжа деган жойда ҳам турклар ва тоҳарлар яшаганлар деб этнограф Н.Я.Бичурин ўз фикрини тасдиқлайди. VI асрга Тоҳаристонга келган Қарлуқлар VI-VII асрлар давомида ўзларни мавқеларини сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаб олдилар. Қарлуқларни сиёсий бошқарув ҳокимияти Тоҳаристонда ябғулар қўлида бўлиб, Ябғу мансаби авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтган. Хитойлик Чой-Чонинг қайд этишича ҳокимлар аслзода хонадонлардан тайинланиб, уларга тегин ва тархун унвонлари берилган. Бошқарув ҳокимияти Қарлуқлар қўлида бўлсада, бироқ туманларни, айрим вилоятларни маҳаллий турк аҳолисининг вакиллари бошқариб, уларни қарлуқ ябғуларига бож тўлаб турган.

¹ Боровкова Л.А. Граница Западно-тюркских владений в Средней Азии по Сюань цзану. Вопросы советской тюркология. Тезисе докладов и сообщений. Ашхабад. 1985. с.345

Чунки Қарлуқлар Тоҳаристонда маҳаллий Туркийзабон, форсийзабон халқларга нисбатан озчиликни ташкил этган. Қарлуқлар маҳаллий аҳоли билан аралашиб, ўтроқлашиб яшаган бўлишларига қарамай ўз номларини сақлаб қолганлар. Чунки Тоҳаристонда Турк ҳоқонлиги ўрнатилгандан кейин ҳам қарлуқлар ўз мустақилликлари учун курашиб, VI-VIII асрларда Ғарбий ва Шарқий ҳоқонликларга жиддий қаршиликлар кўрсатдилар¹. Тарқоқ ўзаро сиёсий жиҳатдан бирлашмаган Туркий қабиаларига қарши босқинчилик урушларини бошлаган. Араб истилочиларига қарши курашда Қарлуқлар воҳада яшовчи туркий, форсий халқларга қўшилиб араб истилочиларига қарши жанг қилиб, ўз ерларин ҳимоя қилдилар. Араблар истилоси бошланган вақтда VII аср ўрталарида Мовороуннаҳр ва унга туташган ҳудудларда 15 га яқин кичик давлатчаларга бўлиниб, Тоҳаристон ҳудудида Чағаниён, Термиз қаби мустақил давлатлар ташкил топган. Араб лашкарбошиси Қутайба Термиз ва Чағаниёни истило қилиб турк қабиаларни кўпини қириб ташлади. Араб истилочиларига қарши курашда Туркий Форсий қабиалар бирлашиб жиддий қаршилик кўрсатиб Тоҳаристон турклари VIII аср бошларида Араблар истилосига жиддий кураш олиб бордилар. Айниқса Қарлуқ қабиалари Тоҳаристонни ҳимоя қилишда қаҳрамонлик кўрсатдилар. 736-737 йилларда Хуросон ва Мовороуннаҳр ноиб Асаб ибн Абдуллоҳ араб истилочиларига раҳбарлик қилиб Хуттал ҳокимлигини Турклар ҳоқони Абу Музаҳил ёрдами билан Арабларга қарши курашга чиқди. Арабларга қарши шу ҳаракатга Тоҳаристондаги аҳоли билан бирга Қарлуқлар ҳам иштирок этди. Бироқ катта ҳарбий лашкарга Абу Музаҳил уддабуронлик билан раҳбарлик қила олмаганлиги туфайли озодлик ҳаракатлари мағлубиятга учраб, кўплаб турк қабиалари араблар томонидан қириб ташланди. Халқ ҳаракатига

¹ Шаниязов К.Ш.О роли карлукского компонента в этногенезе узбекского народа ОНУ.1981.№1.С.24.

рахбарлик қилган Музаҳил (сузоғич) –бу турк ҳоқонлигининг оти эмас, унга араблар томонидан берилган лақаб.Абу Музаҳил араб қўшинлари билан жуда кўп жанг қилиб, уларни бир неча маротаба “сузиб” талофат етказгани учун шундай лақабга сазовор бўлган¹.

IX-X асрларда Марказий Осиё ҳудудларда этник жараёнлар турли хил бўлиб, қадимдан турғун яшаб келиб, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланиб келган. Сурхон воҳасида туркийзабон ва тожик халқи ёнма-ён яшаб келган. Шунингдек араблар ҳам маҳаллий ўтроқ ҳолда яшаб қолдилар. Тоҳаристон ҳудудида яшаган аҳоли бевосита кўчманчи, ярим кўчманчи туркий қабилалар билан яқин иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келган. Шимолий Тоҳаристон ҳудудида IX-X асрларда бир неча ҳудудлар вужудга келиб, шулардан нуфузлиси Чағаниён (Сағаниён) бўлиб, марказий шаҳари Чағаниён деб аталган². Чағаниён (Сағаниён) шаҳри ҳозирги Денов яқинида жойлашган. Араб сайёҳларининг ёзма манбаларида қайд этилишича Чағаниён шаҳри Шимолий Тоҳаристон ўлкасидаги энг йирик шаҳар ҳисобланади, аммо ундаги аҳоли сони Термиз шаҳри аҳолисидан оз бўлган. Этнограф О.Г.Большаковнинг тахмин қилишича Чағаниён шаҳристонида 9-10 минг киши яшаган³. Аммо унинг работида қанча киши яшаганлиги аниқланмаган. Араб сайёҳи ва тарихчиси Муқаддасийнинг таъкидлашича Чағаниён вилоятида 16 минг қишлоқ мавжуд бўлиб, қишлоқ аҳолиси зич жойлашган. Чағаниёнда 800 минг кишидан ортиқ аҳоли истиқомат қилган. Чағаниён ҳудудида туркий ва тожик аҳолиси ёнма-ён яшаган ҳамда ижтимоий, иқтисодий ва маданий алоқада бўлган.

¹ История ат.табари.М.1987.с.242.

² В.В.Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия соч. Т.І.С.123.К. истории орошения туркестана. Соч.Т.ІІІ.с.198. 2.Истахри. ВСП.І.С.339-340. 1870.

³ Рахим Масов. Таджики.история с грифом “Совершенно секретно” Душанбе, 1995.с. 69

Сурхон воҳасида Амударё қуйилиши қирғоғида жойлашган Термиз шаҳри мустаҳкам мудофа истехкоми бўлиб, X асрда шаҳарда 33-35 минг киши истиқомат қилган¹. Термиз Мовороуннаҳрдаги энг йирик аҳоли марказларидан бири бўлиб Тоҳаристоннинг иқтисодий ва маданий тараққиётида муҳим роль ўйнаган. Термиз шаҳардан Буюк ипак йўли ўтган бўлиб, савдо ва маданий алоқалар маркази ҳисобланган. Шимолий Тоҳаристонда Чағонруднинг (Сурхондарё) нинг юқори оқимларида Ахврун вилояти жойлашган. Умуман Тоҳаристон аҳолисининг сони 3 миллион 300 минга етган². Тадқиқотчи этнограф-тарихчи О.Прицакнинг таъкидлашича Қорахонлар давлатини Улуғхон (Қорахон) бошқариб, Улуғхон номига ҳурмат маъносида “Қора” (Унвони қўшиб айтилган.)³ Улуғхоннинг маркази Боласоғун (Қора ўрда – Буюк ўрда ёки Куз ўрда) шаҳри бўлиб, Улуғхон билан бир вақтда давлатни Шерикхон бошқарган. Қорахонлар давлатини Ғарбий қисмидаги Исфилсоб ва Қашғар вилоятларига Шерикхон раҳбарлик қилган. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, давлатни шу усулда бошқариш Еттисувда қарлуқлардан олдин туркешларда ҳам бўлган

Мураккаб ижтимоий, иқтисодий ҳаёт тасирида , ўзаро низо – жанжаллар туфайли Мовороуннаҳрда этник жараёнлар анча мукаммаллашиб борди. Ушбу ҳудудда яшовчи халқларни бир-бирлари билан арлашиб . яқинлашиб, қоришиб боришда умумий иқтисодий , маданий турмуш тарзи шаклланди. Натижада IX-X асрларда ўзбек аجدодлари алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланди. Албатта шаклланган ўзбек этносининг асосини (илдизини) илк қадимги муқим яшовчи маҳаллий аҳоли ташкил этди. Маҳаллий ўтроқ аҳолига

¹ Пристак.О.Карачаникли сене стрей флаген “Оринс” 1950. қолф.3 №2. с. 210-212. Дие Карачениден-Деч Ислам. с. 23-25.

² К.Шониёзов.Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.Т.”Шарқ” 2001.337 бет.

³ В.В.Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия соч. Т.І.С.123.К. истории орошения туркестана. Соч.Т.ІІІ.с.198. 2.Истахри. ВСП.І.С.339-340. 1870.

кўчманчи, ярим кўчманчи этник гуруҳлар ҳам қўшилган, бироқ улар аҳолини озчилик қисмини ташкил этиб, кейинчалик улар ўтроқлашиб, маҳаллий ўтроқ аҳоли билан аралашиб, қоишиб кетганлар. Йирик этнографик олим Академик Ш.К.Шониёзовнинг такидлашича X аср ўрталарида Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни иккинчи босқичи бошланиб, бу ҳолат XI аср ўрталаригача, яъни Қорахонлар давлатининг икки (Ғарбий ва Шарқий) ҳоқонликка бўлиниб, кетганига қадар давом этди. Ушбу даврда Мовороуннаҳр ва унга туташ минтақаларда яшовчи аҳоли этник, иқтисодий ва маданий жиҳатдан бир-бирлари билан яқинлашиб, қоришиб борадилар. Этник иқтисодий ва маданий тараққиёт яна ҳам ривожланиб, аҳолининг кўпчилиги онгида ўзлигини англаш ҳиссиёти кучайди.⁵

Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнининг учинчи босқичи XI асрнинг ўрталаридан то XII асрнинг ўрталаригача давом этган. Мазкур босқич асосан Қорахонлар давлатининг ғарбий қисмида вужудга келган мустақил давлат доирасига ўтади. Бу даврда элатга хос этник белгиларнинг ривожланиши мъёрига етиб, ўзбек халқининг ривожланиш жараёни ниҳоясига етади¹. Марказий Осиёнинг водий ва воҳаларида яшовчи аҳолининг асосий қисми X аср ўрталарида ислом динини қабул қилиб, Ислом дини то Иссиққўл атрофларигача бўлган ҳудудни ўз ичига олади. Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида қарлуқ, чигил, халач, қанғли, қипчоқ, ўғуз, басмил, сарик, кун ва бошқа этнослар ва этник гуруҳлар ҳам қатнашганлигини Академик К.Ш.Шониёзов ўз илмий тадқиқотларида асослаб берган. XIII-XV аср ўрталарида Мовороуннаҳрда ижтимоий, сиёсий вазият мураккаблашиб, иқтисодий таназзуллик натижасида сиёсий вазият анча заифлашди. Бу даврда ўзбек элатининг ижтимоий, иқтисодий, маданий жиҳатдан

¹ К Шониёзов. Ўзбек халқининг ўаклланиш жараёни.Т. “Шарқ” 2001.338бет.

мустаҳкамланиб бориши турғунлик ҳолатига тушиб қолди. Ўзбек элатининг шаклланишига ҳисса қўшган кўпгина маҳаллий ўтроқ , кўчманчи, ярим кўчманчи аҳоли мўнғул босқинчилари томонидан кириб ташланди, шаҳар, қишлоқ ва овуллар вайрон қилиниб, моддий ва маънавий маданият таланиб, миллий руҳ ва миллий ўзликка жиддий талофат етказилди. Мовороуннаҳр ҳудудига бостириб кирган Мўнғуллар босқинчилиги натижасида маҳаллий аҳолининг тўртдан уч қисми, кириб ташланди, асрга олинадиган бўлса, қолган жон сақлаб қолган маҳаллий халқ (ўзбек ва тожиклар) оғир иқтисодий шароитда яшаганлар. Қолган маҳаллий аҳоли молдан, еридан ажралиб, оғир иқтисодий шароитда деҳқончилик қила олмасдилар. Мўнғуллар жабр-зулмидан қийналган маҳаллий ўтроқ халқ очлик, қашшоқлик, турли хил касаллик , миллий манавий камситиш натижасида оммавий қирилиб жуда кам сонли бўлиб қолди. Ана шундай оғир шароитда мавжуд ўзбек этник гуруҳларни кўпчилиги мўнғул ҳужуми таъсирида ўз этник номларини, шеваларини унутиб юбордилар. Энг ачинарлиси ўзаро курашлар таъсирига берилиб , сиёсий жиҳатдан заифлашиб қолган маҳаллий этник гуруҳлар унинг мукаммал она тилини , маданиятини, ягона сиёсий -иқтисодий, географик ҳудудини, манавий урф-одатларин, қадриятларини, диний ахлоқий тафаккурини тўлиқ шаклланиши, мукаммал ўзбек миллатини пайдо бўлишини анча асрлар орқага суриб ташлади. Тарихий тараққиёт ҳамиша миллий ўзликни, миллий онгни, миллий ҳамжиҳатликни, урф-одатлар, қадриятларни мукаммал ривожлантирган, ўз юрти, она заминни муқаддас билган, миллат ору номусини чуқур англаган халқни юксакликка олиб чиққан. XIII-XIV асрлар ўрталаридаги Мовороуннаҳрдаги этник ҳолатни шаклланишига келишмовчилик, сотқинлик, миллий хоинлик, мансаб учун кураш, ўзбек этник гуруҳларидаги ўзаро келишмовчиликлар ушбу ҳолатни келтириб чиқарди. Натижада этник қиёфада мўнғул босқини туфайли

монголоид белгилар ўз ифодасини табиий топди. Чунки химоясиз қолган, тинимсиз жабр-зулмга тортилган, миллий камситилган маҳаллий халққа мўнғул истилочилари ўзларининг мажбурий никоҳ қонун қоидаларини ўтказиб, этник қиёфада монголоид белгиларни ўтилишига таъсир ўзказди. Мўнғул истилоси таъсирда XIII асрнинг 60 йилларида Марказий Осиёда Чигатой давлати ташкил топиб, бу давлат ҳудудига Ша дарёсининг жануби-шарқий минтақаларидан то Амударёни юқори қисмигача бўлган ҳудудлар кирган эди. Чигатой давлати XIV асрнинг бошларига келиб - Шарқий ва Ғарбий қисмларга бўлиниб, Сирдарё ҳар икки давлат ўртасида чегара бўлиб қолди. Рус шарқшунос олими Академик В.В.Бартольд Чигатой давлатининг Еттисув ва Шарқий Туркистонда яшовчи қисмидаги аҳолини мўнғул қабиаларини турклашган бўлишига қарамай, қадимги мўнғул анъаналарини ханузгача сақлаб қолган деб ёзма маълумот қолдирган. Шарқий мўнғул туркманлашган қабиалар Мовороуннаҳрда яшовчи қардош мўнғул турклашган қавмларини менсимасдан қараунас, яъни аралашган (метис) халқ деб атаганлар. Академик В.В.Бартольд фикрини давом эттириб Мовороуннаҳрда яшовчи туркийлашган мўнғул қавмлар Еттисувда ва Шарқий Туркистонда яшовчи кўчманчи мўнғул қабиаларни писанд қилмай жете(жета), яъни босқинчилар деб аташганлар¹. Мовороуннаҳрда маҳаллий ўтроқ халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиёти натижасида, “мўнғул” туркий атама сиқиб чиқарилиб, маҳаллий халқ Чигатой давлати номи ўзбек ва тожиклар ўзларини “чигатой” деб атай бошлайдилар². Мўнғиллар ҳукмронлиги даврида XIII-XIV асрнинг ўрталаригача Мовороуннаҳрига мўнғил ва турклашган олчин, дуғлат, мўнғил, сулдуз, ўйрот, баҳрин, маркит, манғит, қўнғирот ва бошқа қабиалар кўчиб келиб ўрнашдилар.

¹ В.В.Бартольд.История Туркистана соч.Т.2.Ч.1.м. 1963.с.154, Улуғбек его в немя. соч.т 2.с.36.

² Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. ташкент.1941. с. 10

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, кўчиб келган турклашган қабилалар маҳаллий ўтроқ аҳолига нисбатан унча кўп бўлмаган. Ҳамда кўчманчилик билан турмуш кечирганлар. Ўз навбатида ушбу турклашган мўнғул қабилалари ярим ўтроқликка ўтиб, чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик ҳам қилишган. Маҳаллий ўтроқ халқнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий турмуш тарзи кўчманчи туркий халқларга нисбатан кучли бўлганлиги сабабли кўчиб келиб жойлашган мўнғул қабилалари XIV асрнинг ўрталарида ўз тилларини батамом унутиб турк тилини, урф-одатларини қабул қилдилар¹. Маҳаллий ўтроқ ўзбек аҳолиси узоқ давом этган этномаданий жараёнларда илк ўзбек аجدодлари бўлган туркий этносларнинг сўғд-тожик ва бошқа халқлар билан аралашиб, қоришиб бориши жараёнида шаклланиб, бу жараён XIV-XV асрларда янада кенгроқ давом этди. Ўтроқ аҳолининг асосий қисмини ўзбек ва тожиклар ташкил этиб, аҳоли деҳқончилик, чорвачилик, савдо-сотиқ ҳамда қисман чорвачилик билан шуғулланганлар. Бу даврда кенг тарқалган сарт атамаси этник ном эмас. Маҳаллий аҳолининг маълум гуруҳлари ўзларини турк этник ном билан қадимдан атаб келган Турк ҳоконлиги инқирозидан кейин турк элати тарқалиб кетди. Фақатгина маълум қисми турк этник номини XIV-XV асрларда сақлаб қолган. “Турк” ёки “турк элати” турк этник гуруҳга нисбатан кенг маънода қўлланилган. муқим яшаган аҳолининг асосий қисми XIV-XV асрларда туркийзабон этнослардан иборат бўлиб, булар аллақачонлар этник бирлик бўлиб шаклланган ва кейинчалик ўзбек номини олган, узоқ тарихга эга бўлган халқ эди². Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ўрганишида тилшунос олимларнинг ҳам алоҳида хизматлари бўлиб, бу борада ўрта асрлардан буён муҳим аҳамиятга эга бўлган асарлар яратилди. Олиб

¹ Преков .Б.Д. Якубовский А.Ю. Золотая орда и ее падения М.Л.1950.с. 279.

² К.Ш.Шониезов. Ўзбек халқининг ўаклланиш жараёни. Т.Шарқ. 2001. 392 бет.

борилган тадқиқотлар натижасида ўзбек халқининг шаклланишига оид манбалар X-XIII асрларга хос тилшунос ва адабиётга оид асарларда таҳлил этилган бўлсада, ўзбек тилининг пайдо бўлишига қайси қабила хал қилувчи омил бўлиб хизмат қилди деган жавоб ҳанузгача ўзининг илмий асосини топгани йўқ. Бироқ олиб борилган тарихий-этнографик тадқиқотлар натижасига асосланиб IX-X асрлар ўзбек аجدодларини алоҳида этник бирлик бўлиб шаклланиш даврида, унинг элат тили ҳам шаклланганлиги илмий асосланди. Тилшунос олим Академик Ш.Шоабдурахмонов “Ўзбек халқ шевалари бўлимида ҳозирги ўзбек шеваларини уч гуруҳга бўлиб, шулардан бирини қарлуқ лахжаси деб номлади¹. Бунга асос қилиб қарлуқ тили туркий тиллар ичида илк ўрта асрларда пайдо бўлганлигини изоҳлаб ўтади. Тилшунос олим профессор Н.А.Баскоков қадимги туркий тилларни ўрганиб, уларни бир неча гуруҳларга бўлади. Ушбу тиллар ичида қарлуқ тилини X-XI асрларда Қорахонлар давлатини тили бўлган деган хулосага келди². Бироқ тарихда маълумки Қорахонийлар давлати X-XI асрларда эмас, IX-X асрларда ташкил топган. Шарқшунос олим А.Григорьев “Қорахоний” иборасини тарих фанига шартли равишда киритган. Ўзбек тилини шаклланишда асосий рол ўйнаган. Қарлуқ диалекти асосан IX-X асрларда ўзбек аجدодларининг алоҳида элат бўлиб шаклланиши даври билан бир вақтда шаклланган. Қарлуқ диалекти асосан қарлуқ қабила уюшмасига кирган қабилалар (халач, лабан ва бошқалар) ташкил қилган. Элат тили бўлиб шаклланиши давомида қарлуқ тили таркибига уйғун, туркеш, арғу, тухси, ўғуз, қипчоқ ва бошқа қабилалар ва лахжаларидан ўтган сўзлар ҳам оз бўлмаган. Қарлуқ тил диалектининг шаклланишида ва тараққий этишида маҳаллий турғун аҳолининг (хусусан Фарғона водийси, Тошкент воҳаси, Чимкент вилояти) тили таъсири ҳам сезиларли даражада бўлган

¹ Ш.Шоабдурахмонов. “Ўзбек халқ шевалари луғати”. Тошкент. 1971. 397-404 бетлар

² Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. ташкент. 1941. с. 10

албатта.¹ Туркий тилларни мукаммал ўрганган Маҳмуд Қошғарий туркий тиллар ичида энг очик ва равон тил, Ҳокония ўлкасида яшовчилар тили деб ёзган.² Этнограф олим А.К.Боровков туркий тилларни чуқур ўрганиб, “ҳоконликлар” тили деб “қорахонлар” давлати таркибига кирган туркий кабилаларнинг тилларидир деган фикрни билдиради. Ушбу фикрни этнограф олим К.Шониёзов тўлиқ қўллаб –қувватлайди.³ Этнограф олим тадқиқоти, туркий тилларни чуқур илмий ўрганган О.Прицак Қорахонлар сулоласини ташкил этган қарлуқ қабиласи бўлганлигини илмий асослаб берган.⁴ Ушбу давр манбаларига, кейинги олиб борилган илмий тадқиқотларга асосланиб IX-X асрларда ўзбек элати тилини ташкил этган деган хулоса илмий ҳақиқатдир. Маҳаллий ўтроқ туркий халқларнинг ўзаро ижтимоий –иқтисодий, маданий алоқалари, қўшни халқлари билан олиб борган курашлари натижасида моддий- маънавий маданияти ривожланади ҳамда мукаммал ютуқларга эришади. Энг муҳими адабий тил ривожланиб, тилшуносликка оид адабиётларда “туркий” ёки “чиғатой” тилидаги адабий-бадий асарлар яратилади.⁵ XV асрнинг иккинчи ярмида тараққий этган ўзбек адабий тили Алишер Навоий даврида энг юқори нуқтага кўтарилди.⁶ Тилшуносликка оид адабиётларда XIV-XV асрлардаги ўзбек адабий тили шартли “чиғатой” ёки “эски ўзбек тили” деб номланган. Бу ҳар иккала ибора шартли қабул қилинган бўлса, ўша даврдаги ўзбек адабий тилини тўла тафсифлаб беролмайди. Ўрта Осиё туркий халқларининг тили “турки” тил дейишган, бу ибора ҳақиқатдир. Лекин Мовороуннаҳр ва унга туташ аҳолининг “турки” тилини Усмонли турклар тили билан аралаштириш мумкин эмас деб ёзади академик

¹ Баскаков.Н.А. Тройкие языки. М.1961.с.177.

² Маҳмуд қоғарий. девону луғоти турк. Тошкент .1960.60-бет.

³ Боровков. А.К.Очерки истории узбекского языка.учение записки института восток оведения. Т. XVI.м-л.1958.с.217.

⁴ К.Шониёзов.Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни .т.”шарқ” 2001.73-бет.

⁵ Шербак.А.М. Грамматика старо-узбекского языка.мл.1962.с.12

⁶ Бартольд.В.В.двенадцать лекций по истории турецких народов средней Азии.соч.т.5.м.1968.с.508.

К.Ш.Шониёзов.XV аср иккинчи ярмида “туркий” тил кўп диалектли бўлиб, адабий тилдан анча фарқ қилган. Чунки кўп сонли туркий этнослар шевалари лаҳжасидан бир-бирларидан қисман фарқ бўлган. Шунингдек бу ўша даврдан туркий адабий тил таркибида тожик ва араб сўзлари кўпроқ қўлланилган. Туркий аҳолининг жонли тилда учта асосий шева-қарлук, кипчоқ ва ўғуз диалектлари мавжуд эди. Бу учта шева Ўрта Осиёнинг марказий ҳудудларига турли тарихий даврларда пайдо бўлиб, қарлук ва ўғуз шевалари энг қадимгиси бўлиб, XIII-X асрларда шаклланди. Мовороуннаҳр ва Хоразмда XI асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлган кипчоқлар XIV-XV асрларга келиб ўзларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий сиёсий таъсири натижасида кипчоқ шеваси ўзбек халқининг жонли тилига асос солди.¹ Тадқиқотлар тарихий, бадиий адабиётларни чуқур илмий ўрганиш натижасида ўзбек адабий ва жонли тили тожик тили билан яқин алоқалар натижасида ривожланган. Сурхон воҳасини Кўҳитанг, Бойсун, Ҳисор тоғ тизма йўналишдаги туркий аҳолини маълум қисми тожик тилида сўзлаша билганлар. Ўқимишлилар ўзбек зиёлилари тожик тилида ёзганлар, адабий ва тарихий асарлар яратганлар.

Мустабид тузум йилларида ўзбек тили ва эски ўзбек алифбосига нисбатан миллий камситувчи сиёсат олиб борилиб, маҳаллий аҳолини жумладан, ўзбек халқини жуда қийин аҳволга солиб қўйди. Совет ҳукуматининг топшириғига мувофиқ барча идораларда, давлат ташкилотларида 1929 йил 1 декабргача иш юритиш лотин алифбосига, 1930 йил 7 ноябргача ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтказиш зарур деб белгиланган эди. Бироқ 1931-1932 йилларда совет ва жамоат ташкилотларида Ўзбекистон ҳудудида эски ўзбек алифбосида иш юритиш давом эттирилиб, араб графикасидан фойдаланилди. Тез орада лотин алфавитини рус алфавити билан алмаштириш учун жиддий ҳаракатлар

¹ К.Ш.Шониёзов. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.Т.”Шарқ” 2001. 393 бет.

бошланди. Натижада халқларнинг хоҳиши билан ҳисоблашмасдан рус алфавитига 1940 йили тўлиқ ўтилди¹.

Ҳали мустақиллик қўлга киритилмай 1989 йил 21 октябрда ҳурматли Юртбошимизнинг ташаббуси ва жасорати туфайли Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг 24-моддасида «...барча тарихий исмлар ва жойларнинг номлари халқнинг миллий мулки ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади» деб кўрсатилди. Бу ўзбек халқининг муқаддас улуғ тарихнинг тикланиши, миллий ҳис-туйғулар, орзу-умидларнинг амалга ошиши, Ватан номини, халқнинг миллат кўзгусининг жаҳонга танилиши ва эркин фикр юритиши учун имконият берилиши эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ўзбек тилини миллий жиҳатдан тиклаш, жойларни, миллий урф-одатларни, кадриятларни ўзида акс эттирувчи жой номларини ўзбек тили билан аташ бўйича муҳим ишлар, тадбирлар амалга оширилди. Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуси билан 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қабул қилди. Унинг 22-моддасига «Республиканинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, майдонлари, кўчалари ва географик объектларининг номлари давлат тилида акс эттирилади» деган қўшимча киритилди. Давлат раҳбарияти ушбу қонунларни амалга ошириш борасида муҳим қўшимча қарорлар, кўрсатмалар асосида ишларни амалга оширдилар. 1996 йил 30 августда эса «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, ўзбек тилида жойларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги қонунида, «...маъмурий-ҳудудий бирликлари, аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмларига, шунингдек корхоналар,

¹ Тарих шохидлиги ва сабоқлар –Т., Шарқ, 2011. 413-б; Собрание узаканений и распоряжений Рабочее-Дехканского Правительства УзССР. Т., 1928. С.35.

муассасалар, ташкилотлар, физикавий-географик, геологик ва бошқа объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартибини белгилайди» деган кўрсатмаси бўйича кенг қамровли тадбирлар амалга оширилди. Ушбу қарор ва кўрсатмаларда ўзбек тили халқ маънавиятининг қадимий моддий ва маънавий мероси бўлиб ҳозирги ёш авлодни тарбиялаш ва келажак авлодга муносиб мерос қолдириб, миллий қадриятларни янада бойитиш масаласига алоҳида эътибор берилди.

8-Мавзу: ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИМИЗ – МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ РЕЖА

1. Ўзбек давлатчилигининг назарий илмий асослари.
2. Миллий тўйғуларнинг маданият ва сиёсатдаги қўринишлари.
3. Ўзбек халқи миллий менталитетидаги ўзига хослик.

Таянч сўзлар: Давлатчилик, миллий, менталитет, урф-одат, анъаналар, мардлик, жасурлик, миллий қарашлар, эътиқотлар, мустақиллик, ватан тўйғуси.

Миллий давлатчилигимиз тарихини ўрганиш, уни илмий асослашнинг муҳим томони ўтмиш авлодларимиз томонидан яратилган моддий ва маънавий маданиятнинг ҳолисона таҳлил ҳамда уни кенг жамоатчилик ҳукмига тақдим этиб, асосли тарзда исботлашдан иборатдир. Чунки, ўтмиш аجدодларимиз яшаган ҳудудни ўтроқ турмуш тарзига оид манбаларни аниқлаш, ҳудуд, миллий тил, устувор ҳуқуқий маҳаллий бошқарувни шаклланишига асос солган манбаларни ҳолисона ёритишда жаҳон тарихшунослиги томонидан қўйилган талабларга жавоб бериш орқали исботлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Миллий давлатчилик тарихини ўрганиш ва таҳлил этиш буюк ва муқаддас ватанимизни янада юксалтириш ғояси асосида олиб борилиб, аجدодларимиз мероси,

ёшларимизни шу муқаддас замин тупроғини кўзига тўйтиё айлашга, ўз халқи, ота-боболари, ватанидан фахр туйиб яшашга ўргатади. Улар юрагида тоғдек ғурур ва ифтихорни тарбиялайди”.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, миллий давлатчилигимизнинг шаклланишига асос солган омиллар илмий асосланган манбаларда ўз аксини топиб, Ўзбекистон тарихи манбаларида баён этилган. Бунда куйидаги тарихий манбалар билан асослаб бериш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йил 22 апрелда Сурхондарё вилоятида бўлган даврида “Биз жаҳон цивилизациясига ўзининг бой тафаккури ва юксак маънавияти билан улкан ҳисса қўшган, инсоният тарихида ўчмас из қолдирган буюк аجدодларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Уларнинг маданий-маънавий илмий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва янада бойитиш келгуси авлодлар олдидаги бурчимиздир” деган фикрлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Миллий давлатчилигимиз тарихининг жуда қадимийлиги жаҳоннинг йирик олимлари томонидан яратилган асарларда ҳам ўз аксини топган. Жумладан 1967 йилда Америка Қўшма Штатларида чоп этилган “The World Encyclopedia Distinary Book” (“Жаҳон қомусий луғати”) 200 минг нусхада нашр этилган. Ушбу луғатда қадимий моддий ва маънавий маданиятга эга бўлган халқимизга ва унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасига алоҳида эътибор берилган бўлиб, “Ўзбек- жаҳон халқлари орасида биринчилардан бўлиб, туркий халқлар ўртасида биринчи бўлиб ўtroқлашган, маданий турмуш кечирувчи, жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган миллат” деб илмий фикр берилган. Ўзбекистон ҳудудида инсониятнинг энг қадимги аجدодлари яшаган манзилгоҳ сифатида 1938 йилда Бойсун тумани Мачай қишлоғи яқинидаги Тешиктош ғоридан топилган 8-9 ёшли неандерталь бола суяклари топилиши билан алоҳида ажралиб туради. Ушбу 8-9 ёшли неандертал бола суякларининг топилиши халқимизнинг ўtroқ, маҳаллий халқ эканлигини Ўзбекистон Марказий

Осиёда илк аҳоли шаклланган ва пайдо бўлган юрт эканлигини асослаш имкониятини яратди.

Ўзбекистон Марказий Осиёда тасвирий санъатнинг пайдо бўлишининг илк манзилгоҳи ҳисобланиб, ибтидоий тасвирий санъат ёдгорлигининг асосий манбаси ҳисобланган Шеробод тумани Қизилолма қишлоғи яқинидаги Зароутсойдан топилган 200 дан ортиқ ибтидоий расмлар тошга қизил бўёқ билан солинган суратлар илк этнографияга оид санъатнинг манбаси сифатида тадқиқотларда асослаб берилди. Унда илк аجدодлармизнинг табиат сир-асрорларини ўрганиш овчилик санъатни афсонавий сеҳрли туйғуларни ўрганиши тасвир этилган ушбу манбалар милоддан аввалги 8-10 минг йилликни ўз ичига олади.

Ёшларда меҳнатга бўлган муносабатни шаклланишида, ўтмиш аجدодларимиз асос солган деҳқончилик, ҳунармандчилик ва чорвачилик билан боғлиқ меҳнат анъаналарини тарихий жиҳатдан таҳлил этиш алоҳида аҳамиятга эга. **Мамлакатимизда инсон ақл заковатининг ўсиб бориши натижасида, табиат сир-асрорларини ўрганиш, табиатни ўзлаштириш ва меҳнат натижасида сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик хўжалиги вужудга келди.** Ўзбекистонда анъанавий деҳқончилик 4-5 минг йиллик тарихга эга бўлиб, Милоддан аввалги 4 минг йилликда ва 3 минг йиллик бошларида Бронза даврида Ўзбекистоннинг Сурхон воҳаси ҳудудларида зироатчилик ва чорвачилик яхши ривожланган. Жумладан, Сополлитепа, Муллали, Жарқўтон каби сунъий суғориш деҳқончилик хўжалигининг шаклланганлиги ушбу ҳудудларда буғдой, арпа, сули, пахта экилганлигини қадимшунос олимлар илмий асослаб бердилар.

Миллий давлатчилигимизнинг тарихий-маданий ёдгорликлари ҳисобланган илк шаҳар давлатчилиги милоддан аввалги III минг йиллик охири – II минг йиллик бошларида жез даврида шаклланган. Марказий Осиёда илк шаҳарсозлик манзилгоҳи ҳисобланган Шеробод туманидаги

Бўстонсой қирғоғида жойлашган Жарқўтон илк шаҳар маданияти рамзи бўлиб, 4 минг йиллик тарихга эгадир.

Ўзбек миллий давлатчилигининг муҳим манбаларидан бири Шеробод воҳасида Бўстонсой қирғоқларида жойлашган Жарқўтон манзилгоҳидир. Ушбу маконда анъанавий қурилиш соҳаси меъморчиликнинг ўзига хос услубини юзага келишига асос бўлди. Табиатни ва иқлимни ҳисобга олган ҳолда уй-жой қурилиши юзасидан катта тажриба тўпланди. Энг муҳими жаҳон цивилизациясида илк шаҳарсозлик маданияти пайдо бўлганлиги этнографик маълумотларда ўз аксини топган. Марказий Осиёда илк бор шаҳарнинг ташкил топганлиги энг қадимги муҳр ва тамғаларда бургутнинг қанот қоқиб учаётган тасвири, тўрт хил илоннинг ҳаракатланиб туриши, ҳар хил парранда ва ҳайвонларнинг тўқай мушуги, тоғ эчкиси, шер, чўчқаларнинг сурати тасвирланган. Археологик илмий тадқиқотлар натижасида милoddан аввалги 4 минг йиллик охири ва 3 минг йиллик бошларида Сурхон воҳасидаги Жарқўтон ҳудудида илк дунёвий ва диний тушунчалар пайдо бўлганлиги ва унинг заминида Зардуштийлик дини айнан Жарқўтон ҳудудида пайдо бўлганлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди. **Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда дунё бўйича энг долзарб масалалардан бири бўлган экологик муҳитни яхшилаш, табиатни, ҳайвонот оламини сақлаб қолиш қадимги аجدодларимизнинг ҳам энг асосий вазифаси бўлганлигини Жарқўтон манзилгоҳидан топилган манбаларда билиш мумкин.** Чунки Сурхондарё воҳасидаги энг қадимги аждодларимиз илк бор Зардуштийлик дини одатларига кўра 4 нарсани муқаддас ҳисоблаган. Чунки диний анъаналарга кўра вафот этган кишини дафн қилишда ҳамда чиқинди ва ифлос нарсаларни ташлашда 4 нарсага қаттиқ амал қилган. 1.Сув – сувга ташлаш мумкин эмас, чунки сув муқаддас. 2.Тупроқ – тупроққа кўмиш мумкин эмас, чунки тупроқ муқаддас. 3.Ҳаво – ҳавога ташлаш мумкин эмас, чунки ҳаво муқаддас.

4. Олов – оловга ташлаш мумкин эмас чунки олов муқаддас. Экология инсон тараққиётининг муҳим омили эканлигини қадимги аجدодларимиз қалбан ҳис этган. Сурхон воҳасида анъанавий-диний маросимлар Марказий Осиёда илк бор шаклланган ҳудуд бўлиб, илк диний тасаввурлар, тушунчалар пайдо бўлиб, зардуштийлик динига асос солган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ саммитида сўзлаган нутқида экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш тўғрисидаги ғояси, Орол фожеасини олдини олиш, Амударё ва Сирдарё сувларини тежаш, Сурхон воҳасига фожеали таъсир кўрсатаётган Тожикистондаги Алюминий заводидан чиқаётган захарли фтор газини тарқалишини олдини олиш ғояси миллий давлатчилигимизда авлод-аждодларимиз томонидан бундан 4 минг йил илгари асос солинган. Мустақиллик туфайли Президентимизнинг ташаббуси, сай-ҳаракати билан қайта йўлга қўйилганилиги ҳамда 2010 йил 16-17 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлган Марказий Осиёда Трансчегаравий экологик муаммолар: уни ҳал қилишнинг халқаро ҳуқуқий механизми ва бартараф этиш вазифалари мавзусидаги халқаро анжуман миллий давлатчилигимизнинг халқаро обрў-эътиборини дунё миқёсида янада нуфузини оширди. Ушбу манбалар асосида ёшларга табиатни асраш, ҳайвонот ва бошқа жонзотларга муносабат масаласида тарбия бериш асосида, улуғ аجدодларимиз асос солган ва оламга дон таратган экологияга муносабат ғоясини замонавий шаклда қайтадан тиклаш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунга асосланиб, баркамол авлод онгида экология пойдеворини мустаҳкам қилиб яратиб, келгуси авлодлар ҳозирги амалга оширилган ишларимиздан миннатдор бўлмоғи зарурдир.

Жаҳон цивилизацияси тарихида маънавий эътиқодларни, инсонни табиат ва жамиятга муносабатини ақлий жиҳатдан ривожланиши ва уни ўзи яшаётган жамиятда акс эттириш учун турли эътиқодларни, ғояларни давлатчилик белгиларни изоҳлашга ҳаракат қилган. Ёш авлодга Ўзбек

миллий давлатчилиги таҳлилида инсонни орзу умидларини ўзида акс этирган Хумо қуши қиёфаси илк бор Жарқўтон идишлари акс этганлигини, Хумо қуши тинчлик, осойишталик, орзу-умидлар, эзгулик, фикрларга амал қилиш ғояси асосида ўтмиш авлодларимиз онгида шаклланганлигини изоҳлаб бериш муҳим аҳамиятга эга. Бу билан Давлатимиз гербида акс эттирилган Хумо қуши қачон, қаерда, қандай пайдо бўлганлигини ва унинг тарихи, Ватан тарихи ва унинг 4 минг йиллик илк шаҳарсозлик, илк давлатчилик тарихи билан боғлиқ эканлигини ва шу асосда Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Хумо қуши тасвири илк аجدодларимизнинг орзу умидларининг мустақиллик туфайли амалга оширганлигининг натижаси эканлигини ёш авлод чин кўнгилдан сезиши миллий тарихимизнинг муҳим ютуғидир. Ўзбекистонда инсон ақл-заковати, соғлигини сақлаш ва жисмоний жиҳатдан баркамол бўлиб ўсиш қадимий урф-одатларда, анъаналарда ўз аксини топган. Энг муҳим ҳозирги даврда мамлакатимиз ёшлари мустақиллик туфайли келажакка умид билан қадам қўйиб, навниҳол инсон сифатида ўсиб, турмушдан, жамиятдан, ватандан рози бўлиб, янги ғоялар, билим ва тафаккур билан олдинга интилмоқда. Ёшларимиз онгида дунёвий ва диний билимларнинг шаклланиши ва мазмун моҳиятини билишда этнография соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлардан кенгроқ фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбек миллий давлатчилигимизга **оид манбаларни таҳлил қилиш натижасида шу нарсага эришилдики, воҳа жаҳон цивилизация тарихида мусиқага асос солган ҳудуд ҳисобланади. Ўзбекистон Марказий Осиёда энг дастлабки уд, арфа каби мусиқа асбобларига асос солиб, мусиқа санъатини ривожланишида, санъатни юксалишида, маъморчилик, ҳайкалтарошликни тараққий этишида, милодий I-II асрларга оид Айритом манбалари муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу манба 1932 йилда Амударё қирғоқларидан Айиқтовон барглари орасида 5 та созанда сурати ўйиб ишланган. Ноғорачи билан ранг-бааранг кийимлардан созанда аёллар**

сурати айниқса диққатга сазовордир. Бу созандалардан бири Уд, яна биттаси арфа чалияпти, фризда қўлларида гулчамбараклар ҳам чиройли идишлар кўтариб келаётган қизлар тасвирланган. Ушбу топилма халқимизнинг қадимий мусиқа асбобларига, санъатга, кўшиққа, бахшичиликка алоҳида эътибор билан қараганлиги ва ҳозирги мусиқа ҳамда кўшиқ санъатимиз айнан Айритом каби манзигохларда шаклланганлигини ёшларга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади.

Олиб борилган тадқиқотлар даврида Ўзбекистонда маънавий маданиятнинг, энг муҳими фаннинг шаклланганлигини асословчи манбалар тарихий жиҳатдан илмий таҳлил этилди. Далварзин шохмот доналари Сурхон воҳаси ҳудудида илк ҳисоблаш рақамларини шаклланганлигини, дастлабки математик рақамларнинг пайдо бўлганлигини куйидаги шохмот донаси учун подшонинг шохмот ихтирочисига берган буғдой донасида қайд этилган рақамдан билиш мумкин. Ушбу рақамда 18446744073709581661 та буғдойни ташиш учун эни 10 м, баландлиги 4 м ва узунлиги 3 миллион километр омбор кераклиги, яъни бу омборнинг узунлиги ер билан куёш ўртасидаги масофадан 2 марта зиёдроқ бўлишини ёки бунинг учун ер юзига 8 марта буғдой экиб, ҳосилни йиғиштириш лозимлигини ёки шунча буғдойни ташиш учун 4 отли аравадан 628 миллиардди лозимлигини подшога тушунтирибди. Ўрта Осиёда илк мудофаа деворлари билан ўралган шаҳристонлар Ўзбекистоннинг Сополлитепа, Жарқутон, Кучуктепа, Қизилтепа ҳудудларидан аниқланиб 4-3,5 минг йиллик тарихга эга эканлиги илмий асослаб берилди. Мамлакатимиз ҳудудидаги энг қадимги канал Кучук – I даврига оид бўлиб, бу Бандихон каналидир. Ўзбек элатини шакилланиш босқичи сунги жез даврига хос бўлиб, илк давлатчилигимизга асос солган Сурхондарё ҳудудидаги қадимий Қизилтепа, Жондаваттепа, Ҳайитободтепа каби аҳоли манзилгоҳлар буни яққол мисолидир. Қадимшунос олим А. Сағдуллаевнинг таъкидлашича илк

давлатчиликка хос муҳофаа иншотларни ,яъни ўй-ҳовлиларни пайдо бўлиши натижасида мулкӣ тенгсизлик шаклланди. 4- минг йиллик тарихга эга Сополлитепада пайдо бўлган дастлабки ўй-ҳовли 8 жамоани илк бора жипслашиб яшашига асос солганлигини, ”Авесто”нинг “Видевдат” бўлимда Вимага бағишланган 2-фрагардасида Ахура Мазданинг маҳалла аҳолиси ҳисобланган Вимага Вар (қўрғон, ўй) қуриш тўғрисидаги маслаҳатлари берилган, ”Эй Йима, гўзал бандам, Вивахвант ўғли, товонинг билан ерни тепкила , сўнг лой бўлган тупроқни қўлингга олиб эз”...Шундай қилиб Йима тўрт томони бир от чопиши бўлган Варни курди.Марказий Осиёда Сополлитепа илк паҳса деворли ўйга асос солган ҳудуд, илк сопол ишлаб чиқаришни шакллантирган макон, илк мулкӣ тенгсизликни, мулк тушунчасига имкон яратган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда ўтмиш аجدодларимиз милоддан аввалги II минг йилликларда жез даврига оид европеод антрополог туркумга кирган маҳаллий ўтроқ аҳоли бўлиб, қадимги аجدодлари яратган моддий-маънавий маданияти билан илк давлатлар қаторида тарих сахнасида намоён бўлди. Миллий давлатчилигимизнинг шаклланишида илк ўзбек аجدодлари сўнги жез давридан бошлаб, шаклланган ва илк давлатчилигимизнинг мустаҳкам моддий ва маънавий асосларини яратган. Ўтроқ деҳқончиликни тараққий этиши, йирик қишлоқларда, шаҳарларда ҳунармандчилик, яъни кулолчилик, темирчилик, тўқимачиликнинг шаклланиши ва ривожланиши, савдо-сотиқнинг такомиллашувига олиб келди. Натижада милоддан аввалги II – минг йилликларнинг биринчи ярмида илк жамоалар, давлатларнинг вужудга келишига асос солинди. Милоддан аввалги VI-V асрларга оид Авесто манбаларида Бактрия, Марғиёна ҳудудидаги ўтроқ деҳқончилик манзиллари ривожланиб борди. Қадимги ўтроқ аҳолимиз ҳисобланган хаумаварга, тиграхауда (чўнғоқ қалпоқли саклар), асианлар, сакараука, апасшаклар, асий, хунлар, қадимги илк ўтроқ аждодларимиз сифатида

тарихий манбаларда ўз аксини топди. Ўзбекистон ҳудудида ҳинд-европа тил туркумидаги халқлар асосан туркий тилларда сўзлашувчи хун, усун ҳамда эрон-форс, суғд, хоразм тиллари тил туркумлари пайдо бўлди. Бу халқлар милoddан аввалги VII - милodий I-IV асрларда Қанғар, юечжи-тохарлар, аклар, асианлар, хунлар каби қабилаларнинг ўзарo иқтисодий сиёсий алоқалари туфайли миллий давлатчилигимиз шаклланишига асос солди. Миллий давлатчилигимиз асоси бўлган туркий тилни Марказий Осиёда кенг тарқалишида туркийзабон қабилаларнинг ҳиссаси жуда катта бўлиб, милoddан аввалги VI - милodий I асрлар давомида эрон тилли туркумидаги халқларни ҳам батамом турклашишига йўл очди. Миллий давлатчилигимизнинг тарихан шаклланишида Қанғар, Суғдиёна, Бактрия, Юнон-Бактрия давлатларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, милoddан аввалги II асрда Тохаристоннинг Сурхон воҳаси минтақаларида миллий давлатчилигимизга хос бўлган иқтисодий-сиёсий тизим вужудга келди. Хитой сайёҳи Чжан Цяньнинг таъкидлашича Тохаристон аҳолиси асосан ўтроқ ҳаёт кечирадилар. Уларда уйлар ва шаҳарлар мавжуд бўлиб, урф-одатлари маҳаллий аҳолига хос хусусиятларга эга, унда 1 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди деб изоҳлаб беради.

Миллий давлатчилигимиз асосларини ўрганишда 2011 йил 16 февралда Ўзбекистон тарихи давлат музейининг мажлислар залида ўтказилган “Умумжаҳон маданий ва табиий бойликларини сақлаш тўғрисида”ги ЮНЕСКО конвенцияси (Париж 1972 йил 16 ноябр) асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис сенатининг йиғилишида қабул қилинган қонун асосида маданий ва табиий меросни сақлаш, ўрганиш ва авлоддан авлодга етказиш, баркамол етук шахсни шакллантириш, маънавиятни бойитиш ва жамиятни изчил ривожлантиришга муҳим ўрин тутади деган фикр билдирилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий

ёдгорликлар маънавиятни шакллантиришнинг пойдевори бўлиши билан бир қаторда илк давлатчилигимизнинг асослари ҳам ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки давлатчилигимизнинг иқтисодий-сиёсий омилларини ёритишда Тохаристон давлатчилигида алоҳида аҳамиятга эга бўлган милодий I-IV асрларда Кушон империясининг маркази бўлган Далварзин шаҳри унинг моддий ва маънавий маданиятга қўшган ҳиссаси тўғрисида минглаб тарихий манбалар ўз изоҳини берган бўлсада, жаҳон тарихий манбашунослиги асосида кенг таҳлил этилган Далварзин шаҳри ва унинг миллий давлатчилигимиз тарихига қўшган ҳиссаси ушбу тарихий обидани сақлаш, ёш авлод онгига тарихий манба сифатида сингдириш ҳамда “Умумжаҳон маданий ва табиий бойликларни сақлаш тўғрисида”ги ЮНЕСКО конвенциясига очик музей тарихий обида сифатида муҳофаза қилиш қонунчилиги яратилмаган. Ватан озодлиги учун олиб борилган кураш тарихига назар солсак Ҳурматли Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги изоҳига эътибор бериб: «Аждодларимиз бошидан не-не суронлар, фожиалар, талон-тарождликлар кечмади. Халқимиз фақат жисман эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор. Руҳ бедорлигига унинг раҳбар раҳнамолари, олиму-зиёлилари, барча фарзандлари маъсулдир. Иймоним комилки, улуғ бобокалонларимизнинг руҳи поклари истиқлол йўлида барча саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлайди». Мустақиллик йилларида тарихий воқеа-ходисаларга холисона баҳо бериб, ҳозирги ёш авлодларга тарихий хотира билан мукамал бойитиб, ҳали тарих саҳифаларда ўрганилмаган воқеийликни чуқурроқ таҳлил этиш давр талабидир. Искандар дастлаб Ватанимиз худудига қадам қўйганда, унга қарши Паретакада (Ҳозирги Сурхондарёни жануб худудлари) кўтарилган қўзғолонга маҳаллий ҳарбий лашкарбошилар Катан ва Авестан раҳбарлик қилиб, икки ўртада кечган шафқатсиз жанг жараёнида Катан ва бир ярим минг бактриялик қўзғолончилар ҳалок бўлади. Австан эса асирга олиниб қатл этилади.

Ушбу жанг Искандарга қарши кўтарилган дастлабки миллий озодлик ҳаракати эди.

Миллий давлатчилигимизни моддий ва маънавий асосларини қадимий эканлигини ҳисобга олган ҳолда 1995 йилда Ўзбекистон Умумжаҳон маданий ва табиий бойликларни сақлаш тўғрисидаги ЮНЕСКО конвенциясига қўшилиб, жаҳон цивилизацияси тарихида юксак маданиятга эга эканлигини асослаб берувчи қадимий илк давлатчилик марказлари тарихини ўрганиш, тарихий шаҳарларнинг пайдо бўлиши тараққий этиши ва унинг жаҳон ҳамда мамлакат миқёсидаги аҳамиятини ўрганиш муҳим масала бўлиб қолди. **Муҳим аҳамиятга эга бўлган Холчаён моддий маданияти ва деворий суратлари ўзида уйғунлаштирган қадимий Чағониён давлати маркази сифатида шаклланган 2500 йилдан кўпроқ тарихга эга бўлган Денов шаҳри миллий давлатчилигимизнинг шаклланиши ва тараққий этишида алоҳида аҳамиятга эгадир.** Денов шаҳри Ўзбекистон тарихи дарсликларида тарихий манба сифатида таҳлил этилмаган бўлсада, милодий VI-XVII асрларда Чағониён давлатининг иқтисодий-сиёсий маркази сифатида минглаб манбаларда ўз исботини топган. Бироқ, миллий тарихимизда Чағониён давлати ҳақидаги манбалар деярли ўз аксини топмаяпти. Бу эса миллий давлатчилигимизнинг назарий-ғоявий асосларини ёришда халақит қилмоқда. Миллий давлатчилигимизнинг буюк давлат даражасига кўтаришига Соҳибқирон Амир Темурнинг алоҳида ўрни бор. Миллий давлатчиликка хос мукаммал сиёсатни шакллантиришда нафақат давлат арбоби ва енгилмас саркарда, айни вақтда инсоний фазилатлари ақл-тафаккури дунё мутафаккирларини лол қолдиради. Миллий давлатчиликни мустаҳкамлашда Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати бунёдкорлик ишлари, илм-фан меъморчилик соҳасидаги тафаккури одоб-ахлоқ, эзгу ишларни амалга оширишдаги фикрлари, тадбиркорлиги, теран фикр юрита олиши алоҳида аҳамиятга эга, айниқса

унинг миллий давлатчиликни тиклаш, уни иқтисодий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш туфайли кўп талофатларни очликни, қашшоқликни, қайғу ва аламларни ўз бошидан кечирган халқни озодликка олиб чиқиш йўлидаги сай-ҳаракатлари алоҳида аҳамиятга эга. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, кўплаб тарихий манбаларда ҳатто мустақиллик даври тарихчиларининг баъзиларининг фикрларида Амир Темурни ҳокимиятга чиқиши билан боғлиқ нотўғри фикр-хулосалар илмий асосланмаган ғоялар мавжуд. Миллий давлатчилигимизга мустаҳкам пойдевор қурган Амир Темур 1370 йилда ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Буғ қишлоғида ҳокимият тепасига чиқиб, пири муршид Мирсаид Барака фатвоси билан давлат рамзи бўлган ноғора ва байроқни ҳокимият рамзи сифатида қабул қилган. Тарихий манбаларда Буғ қишлоғи Абдулкарим Сомонийнинг “Китоб ал-Ансоп” китобида Буғ ёки Биё қишлоғи Шеробод туманидаги Абу Исо ат-Термизий зиёратгоҳи ёнида жойлашган деб қайд этилади. Амир Темурнинг миллий давлатчилигимизнинг шаклланишидаги хизматида Сурхон воҳаси 3 асосий хусусиятга эгадир.

1. Унинг сиёсий ҳокимиятга 1370 йилда чиқиши. Буғ қишлоғи яъни Эски Термиздан 6 фарсахли масофа бўлиб, бу 48-50 километрни ташкил этган.
2. Амир Темур сиёсий ҳокимиятни Термиз Саййидлари ва Сайид Бараканинг фатвоси билан қабул қилиб сиёсий-маънавий имкониятга эга бўлган.
3. Амир Темурнинг миллий давлатчилиги ва ҳарбий стратегиясини амалга оширишида Сурхон воҳаси иқтисодий ва ҳарбий таянч ҳисобланган.

Миллий давлатчилигимизнинг сиёсий тизимини ташкил этган Амир Темурга давлатчилик рамзи топширилган туғ билан ноғора тухфа этилган Сурхон воҳасидаги Буғ қишлоғи ўзбек миллий давлатчилигининг Амир

Темур ҳокимиятига асос солган манзилгоҳ эканлиги Ўзбекистон тарихи дарсликларида ўз аксини топиши зарур.

Демак миллий давлатчилигини ёритишда Амир Темурнинг сиёсий ҳокимият тепасига чиқиши билан боғлиқ тарихий жараёнларни илмий-ҳолисона таҳлил этиш долзарб масала ҳисобланади.

Турон замин халқларининг бахтига Амир Темур мана шундай буюк инсон бўлиб дунёга келди, бу ҳам Аллоҳнинг улуғ инояти эди. Ватанни муқаддас билган Амир Темур от устидан тушмай босқинчи душмандан ватанни халос этиб Мовароуннаҳр халқига эрк ва омонлик бағишлади. Ўзбекистон мустақиллигининг 20-йиллиги давомида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий жиҳатдан улкан ютуқларга эришиб, сиёсий жиҳатдан мукаммал ривожланган демократик давлат Ўзбек модели асосида шаклланиб, қонун устуворлиги асосида жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторига чиқди. Миллий давлатчилигимизни жаҳонни ривожланган давлатлари даражасига чиқишда, ички ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий салоҳиётини ошишда Ислом Каримовнинг обрў-эътибори давлатимизнинг шон-шухрати билан уйғунлашиб, унинг сиймосига хос куйидаги фазилатлар ҳар биримиз учун намунадир: - Ватанга мухаббат;- ўз халқига садоқат; -мамлакат ва халқ тақдири учун юксак масъулият;- келажакни олдиндан куриш;- ўсиб келаётган ёш авлодга оталарча ғамхурлик қилиш;- халқнинг урф-одатлари, анъаналари ва тарихга , буюк аجدодларга ҳурмат ва юксак эътибор, адолат тамойилларига, шахс ва жамият тараққиётигада миллий ва умуминсоний қадриятлар мутаносиблигига садоқат, миллатларора дустликни қадрлаш. тенг ижтимоий онгли турмуш таризини яратиш, қушни ва бошқа давлатларни ҳурмат қилиш энг кескин шароитда жиддий масаларни адолатли, самимий ҳал этиш , шошмасдан мулоҳаза юритиш , инсон олий қадрият тамойилларига ақл тафаккур билан ёдошиш каби ҳислатлар намоёндр. Машҳур адиб, жаҳон маънавий ҳаётида танилган Чингиз

Айтматов таъкидлаганидек: «тарих халқ ҳаётининг энг мураккаб дамларида шундай бир шахсни танлайдики (буни сиёсий селекция деб аташ мумкин), миллат тақдири унинг иродаси, қатъиятлиги, муъсулиятлигига боғлиқдир. Ислом Каримов ҳозирги Туркистон тарихида худди шундай буюк шахс ҳисобланади. Унинг сайёи-ҳаракатлари туфайлигина мустақил Ўзбекистон тез ва изчил мустаҳкам барқарорликка эришди, тараққиёт йулидан жадал ривожланаётган давлатга айланди». Ислом Каримовнинг ҳаётидаги бош мақсад “Меннинг тақдирим халқимнинг тақдири билан чамбарчас боғлиқдир, Биз ҳеч қачон ўзимиз танлаган мустақилик йулидан қайтмаймиз, Биз буюк келажакни, озод ва фаровон ҳаётни қуриш мақсадида матонат ва қатъийлик билан меҳнат қиламиз» деган, шиори эзгу орзуларни амалга ошишига асос бўлмоқда,

Миллий давлатчилигимиз тарихини ўрганишда моддий ва маънавий маданиятимизни шаклланиши ва тараққий этишда муносиб ҳисса қўшган ҳудудларни, ушбу ҳудудлардаги тарихий жараёнларни тарихий таҳлил этиш ва уни давлатчилигимиз тарихи ҳудудий нуқтаи-назардаги аҳамиятини ўрганиш асосида ушбу тарихий обидаларнинг аҳамиятини жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини асослаб бериш муҳим аҳамиятга эгадир. Миллий давлатчилигимиз тарихини мустақиллик йилларидаги ижтимоий- иқтисодий жихатдан мукамал ривожланишида сиёсий партияларни урни, салоҳиёти ва нуфузи ошиб бормоқда Миллий тотувлик ҳамжихатлик ва иқтисодий таррақиётни жадал ривожлантириш , сиёсий ҳамкорликни янада ошириш масаларини ҳал этишда партияларни иштироки муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Миллий давлатчилигимизни энг муҳим тамоиллариданг бири архитектура –қурилиш мажмуаси бўлиб, мустақиллик йилларида қадимий –тарихий обидаларни тиклаш ва шарқона қурилиш мажмуаси аксосида обидаларни тиклаш ,таъмирлаш ҳамда замонавий шарқ-ғарб услубида уй-жой, маъмурий- маданий биноларни қуришга алоҳида эътибор берилди. Мамлакатимизда 2010

йилда қурилиш ишлари ҳажми 8,1 фоизга ўсиб, жумладан, қишлоқ жойларда 6 минг 800 та замонавий турар жой барпо этилди, Ёшлар оғига миллий ифтихор туйғуларни шакиллантиришда ақл- тафаккури мукаммал шакилланган ва жисмонан соғлом бақувват қилиб тарбиялаш алоҳида муҳим масала бўлиб, ушбу соҳа давлатни асосий устувор вазифаси қилиб белгиланди, Ёшлар келажагимиз шиори руҳида ташкил этилган «Умид ниҳоллари», «Барқомол авлод», «Универсиада» спорт уйинларининг алоҳида ўрни бор, Миллий давлатчилигимизни келажаги бўлган ёшларни тарбиялаш жараёнида бир-биридан қуркам спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш хавзалари, маданий- маънавий иншоотлар барпо этилиб, ҳудудларни инфратузилмаси янада такомиллаштирилмоқда, Спорт Ўзбекистони жаҳонга тез танилишига ва нуфузини ошириб боришга имконият яратиб, «Барқомол авлод- 2011» спорт мусобақалари бундан яққол исботи бўлиб, Термиз шаҳри янги замонавий спорт иншоотлари, 10 минг томошабинга мувожазланган футбол-енгил атлетика майдонига эга универсал спорт залларини қуриб ишга туширилиши, бундай чексиз иншоотларни бутун республика бўйлаб қурилаётгани миллий давлатчилигимизни ёшларга ва спортга берган марҳаматидан жаҳон ҳамжамияти лол қолдираётганлигини бир рамайдир, Мустиқлик йилларида давлат бошқарув тизимида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилиб, ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент назорати институтининг такомиллашуви туғрисидаги ислохотлар шулар жумласидандир, Мустиқликни дастлабки даврдан бошлаб, миллий давлатчилигимизга хос демократик ислохотларни янада такомиллаштириш ва фуқаролик жамиятини рижаантириш жараёнлари, қабул қилинаётган қонунларнинг адолатли, халқчил бўлишини таъминлаш, мансабдор шахслар ҳамда фуқароликнинг қонун ҳужжатларига амал қилиши каби масалаларга жиддий эътибор берилди, Давлат бошқарувини такомиллаштириш мақсадида, мустиқлик йилларида қабул қилинган

қонунларни қулга киритилган ижобий ўзгаришлар ҳамда демократик ислохотларни янада мукаммаллаштириш мақсадида қонунларларга мунтазам равишда ўзгаришлар киритилди, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78, 80, 93, 96 ва 98 – моддаларига киритилган ўзгаришлар миллий давлатчилигимизнинг халқора ва ички нуфузини оширди,

9-Мавзу: Ўзбек элатининг шаклланишининг илк босқичлар.

РЕЖА.

1. Ўзбек халқининг илк аجدодлари.
2. Турк ҳоқонлиги ва унинг ижтимоий –сиёсий жойлашуви.
3. Туркий қабиларнинг Ўрта Осиёга ўтроқ туркий аҳоли билан аралашуви.

Таянч сўзлар: Ўзбек, уруғ, қабила, элат, Қанғ, Эфталит, турк, кўчманчи турк, кучли, бақувват, турк қабилалари, турк ҳоқонлиги, ўтроқ аҳоли, қорлуқ, ябғу. кучли ҳарбий қабилалар.

Ўзбек элатининг алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланиш жараёни Марказий Осиёдаги бошқа туркий забон халқлардан бир мунча фарқ қилади. Яъни ўзбек элатнинг аجدодлари ***** этник бирликлар асосида- 2 тил (туркий ва эрон) туркумидаги халқларнинг аралашуви жараёнида вужудга келди. Бу жараён қадимдан сак-масагетлар, бактрийлар, хоразмийлар, суғдиёналиклар, тоҳарлар ва бошқалардан бошланиб, милoddан олдинги бир мингинчи йилларнинг охирларида Сирдарё бўйларида Қанғ давлати ташкил топган халқларнинг бир-бирлари билан яқинлашиш ва аралашуш жараёни кучайди. Туркий забон ва Эрон халқлари аралашуви милoddан олдинги II-I асрларда кучайиб милoddий II-III асрларда туркий тиллар кучайиб бориши натижасида Қанғар элати ташкил топди. VI-VIII асрларда туркий ва Суғд тили халқларнинг яқинлашуви Турк ҳоқонлиги даврида кучайди. Бунинг натижасида

маданияти ва турмуш тарзи, урф-одатлари жиҳатдан бир-бирларига яқин бўлган 2 қардош этнос ўзбек ва тожик халқлари шаклланди.

Нух пайғамбарнинг ўғли Ёфасдан ўғли Тур ва Туркдан бошлайдилар. Маълумки, хионийлар шимолий Хитойда, Сибирда, милодий 1-11 асрларда Қозоғистонда, уни Турк ҳоқонлиги Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларига кириб келган. Бироқ Хионий турк ҳоқонлиги келгунга Хоразмликлар, Суғдийлар, кушонлар, қанғарлар яшаган. Маҳаллий ва турк бирикувидан синтез ўзбек халқи шаклланган қадимги Бахтарликлар, Хоразмликлар, Суғдийлар, Фарғоналиклар, шошликлар асл аҳоли.

Тарихчи этнограф С.П.Толстов, А.Ю.Якубовский, К.В.Тревер, А.А.Фрейман, В.А.Лившиц ва бошқалар сак, массагетларни шарқий Эрон тилига мансуб этнослар дейди. Буни исботи йўқ. Чунки Хитой манбаларида Моварауннаҳр ва Хоразмда туркий қабилалар милоддан олдинги 11-1 милодий 1 асрларда мавжуд бўлган. Мил.олдинги III асрда Сирдарёнинг ўрта оқимларида Қанғ давлати шаклланиб бу милодий V асргача яшади. Бунда Эрон ва турк этнослари бирга яшаган. Эрон этнослари суғдийлар, ассианлар ва ослар. Туркийзабон-бактрияликлар, саклар, тоҳарлар, суғдийлар. Милодий II-V асрларда Ўрта Осиёнинг Марказий вилоятларга жанубий Сибирдан, Жунғориядан Шарқий Туркистондан Хионлар (хионийлар, кидарий ва эфталий (абдал) этнослари кириб келди.

Эфталийлар турклардир. Тарихчи-географ Гардизийнинг ёзишга эфталитлар Хуросонда ҳам яшаган. Мовароуннаҳрда келган эфталийлар шу ҳудуда яшаётган қанғарлар билан қўшииб туркий забон этник гуруҳга сингиб кетган.

V аср 80 йилларда Эрон билан Турк ҳоқонлиги ўртасидаги курашда Эрон Сосонийлари мағлуб бўлиб Амударё чегара бўлди. Турк ҳоқонликлари (V-VIII аср) Ўрта Осиёнинг Тошкент, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона водийси қадимги деҳқончилик,

хунармандчилик, тижорат билан шуғулланиб келаётган форс эрон тилли суғдийлар, хоразмийлар бўлиб деҳқончилик, хунармандчилик, савдо-сотик билан шуғулланган туркизабон аҳоли УШ асрда Акраблар, IX асрда сомонийлар, X аср охири УШ аср туркеш ҳоконлиги Еттисув (ҳозирги Қозоғистон улар нушиби туркеш қабилалари. 776 йил Қарлуқ қабилалари Туркеш устидан ғалаба қозонди. Еттисув, Исфижоб (Чемкент) Шош, В.В.Григорев “қора”, “қорахон” унвони асосида “қорахоний”лар давлати ташкил топди. монголоид белгиларни Ўзбек халқи аجدодлари элат бўлиб шаклланган IX-X асрларда турк, қарлуқ турклари, қорахонларлар, ҳоконийлар ва бошқа номлар билан аталган. “Турк” атамаси қадимги туркий тилдаги манбаларда милодий V ўрталарида тилга олинади. 440 йили Олтой тоғларига келиб ўрнашган Ашина бошлиқ 500 оила “турк” номини олган. Олтой тоғларида шу вақтда туркий тилда сўзловчи (ўзларини “турк” деб аташган бўлсада) хун этник гуруҳлари бор эди. “Ашина” бошлаб келган ошолар хун этник гуруҳлари билан аралашиб бориши натижасида турк этник номи буларга ҳам тарқалган. Хулласа VI-VIII асрларда турк атамаси Ашина авлодлари ва улар билан қоришиб кетган Ғарбий Муғулистон ҳудудида ташкил топган этник уюшма “турк” номи билан аталган. Турк ҳоконлиги Ғарбий ва Шарқий ҳоконликларга бўлинади (588 й). Ҳар иккала ҳоконликни ҳам Ашина авлодлари бошқарган. Аммо ҳоконлар томонидан тобе этилган қабилаларга нисбатан турк атамаси қўлланиомаган. Масалан Ғарбий турк ҳоконлиги “ўн ўқ” (ўн қабилла) номи билан аталган. (Ашина аجدодлари хунларнинг хэлан қабиласидан деган фикр бор: кляшторный С.Г. манбаси: Тобос қабиласи хунларга ҳужум бошлаб, улар устидан ғалаба қозонади. Хитойнинг хунларга Шимолдаги ХэСЭ ҳудудларидан (Ордоснинг ғарбида, Нанжан билан Хуанхедарёсининг бурилишида жойлашган вилоят) Ашина бошлиқ катта бир гуруҳ кўчиб, Олтой тоғ олди районларига келиб урнашган эди. Ашина муғултилидаги шино ёки чина сўзидан олиниб турк тилидаги

“Бўри” сўзига тўғри келади. Бўри турк хун қабилаларни тотеми Хитой Санелаларида турк атамаси туркю, тугю, дулга тарзида. Муғул тилида дулга сўзи қалпоқ темир қалпоқ –дубулға демакдир. Ашина авлодлари туркю-турк номини олган. Баъзи манбаларда турк сўзи – “кучли” , “қувватли” деган маънони беради. (Гумилев Древние тюрки М.1967) Турк қабиласи кўпчилик қабилалар учун этник ном эмас, тил умумийлигини англатувчи сўз. Масалан Маҳмуд Қошғарий Хитойдан то Рум чегараларигача бўлган қабилаларни турк қабилалари дейди. Печенег (бижанаи), қипчоқ, ўғуз, чигил, етмак (кишак), бошқирт, басыш, қай, йабаку, тотар, қирғиз, тухси, яғмо, иқроқ, йоруб, йамул (жумул), уйғур. Қорахонлилар даврида (1X-XII асрлар халқлар онгида, ривоятларда, афсоналарда, Афросиёб манбаларида умум турк сўзи ишлатилган. Шарқий Туркситонда қабилаларни бири “Оқ кийиниш турклар” деб номланган. Ғарбий турк ҳоконлигидаги туркеш қабиласини О.Прицак “Турк-ёш” деган. Ёш теленгитлар тилида кичикклантирувчи суфикс бўлиб, кичик турк” (кенжа турк), туркча маъносини берган. Бир-бирларини тушунадиган туркизабон тиллар уюшмасини Маҳмуд Қошғарий “Ҳокония” тили деб бу тил IX-X асрлар давомида шаклланди деб қайд этади.

Қарлуқлардан кейинги йирик этнос чигиллар бўлиб IX-X асрларда шаклланган ўзбек элатининг асосий тили бўлган. Маҳмуд Қошғарийни таъкидлашича яғмо, арғу, тухси, ёбаку қабилалари ўз лаҳжалари бўйича қарлуқ-чигил диалектидан фарқ қилган. “Этник ҳудуд” бир тили этносларнинг аниқ бир ҳудудда яшаши кишилиқ жамоа уюшмасининг (элатнинг ва миллатнинг) шаклланишдаги шартлардан бири ҳисобланади. “Этник ҳудуд”да яшовчи турғун аҳоли ва қабилалар бир-бирлари билан яқинлашадилар ва элат бўлиб уюшиш жараёнини ўтайдилар. Бироқ ҳамиша ҳақ бу жараён муваффақиятли бўлмайди. Масалан IX-X асрларда Қорлуқ чигил лаҳжаси кўпчилик учун элат лаҳжаси бўлиб қолган бўлсада бироқ бир вақт ичида қабилавий лаҳжалар ҳам бор эди. IX-X асрларда

Қарлуқ давлати талос ва Чу дарёси ҳавзасида, Сирдарё соҳиларида Тошкент воҳалари, Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида, Фарғонанинг ижтимоий минтақларида, Мовароуннаҳрдаги ўзбек элатлари бирлашувида вужудга келган бўлсада, баъзи қабилалар ёбақу, ёруқ(жорик) қабилалари ўзбек элатининг шаклланишига иштирок этмаган. Арғу, тухси, бижанак, кипчоқ, туркеш қабилаларнинг бир қисми ўзбек элатининг шаклланишига иштирок этган бўлса иккинчи қисми иштирок этмаган. Ҳатто Афғонистон, Ҳиндистоннинг шимолидаги, сирдарёнинг қуйи оқимидаги, Орол денгизи яқинидаги чўлларда яшаган Қорлуқ қабилаларни ўзи ҳам этник жараёни шаклланишига қатнашмаган тожик гуруҳлари 1X-X асрларда нафақат Сомонийлар ҳудудида Қорлуқ ва уйғур давлати ҳудудида ҳам яшаганлар. Уларнинг маълум қисми тожик этносининг шаклланишида (сомонийлар давлат чегарасидан ташқарида бўлсада) қатнашган. Тожикларнинг баъзи гуруҳлари қарлуқ ва уйғур давлати ҳудудларидаги аҳолига араллашиб қоришиб кетган. Шуниндек туркий қабилаларни кўпи сомонийлар ҳудудида яшаган. Кўчманчи турк қабилалари ўтроқ тури, тожик, араб, форс халқлари билан қўшилиб умумтурк аҳолини кўпайишига, қўшилиб, араллашиб кетишига имконият яратди.

Мовароуннаҳрда яшовчи туркийзабон аҳоли Сомонийлар давлати ҳудудида бўлсаларда Қорлуқ давлатида жойлашган қардошлари билан этник, иқтисодий ва маданий алоқада бўлдилар. Қорахонийлар даврида Сирдарё соҳилларидан, Еттисувдан келиб ўрнашган туркийзабон қардошларнинг ўтроқлашини тезлаштиришга ва ўзбек элатининг шакллантириш жараёни яқинлашиб борди. 1X-X асрларда турк ва форс-тожик халқлари икки давлат яъни Сомонийлар ва Қорахонийлар бўлиб яшаган бўлсада булар бир-бирлари билан араллашиб яшади. Баъзан Сомонийлар Шош, Самарқанд, Бухоро бўйлаб баланд деворлар “Кампир девор” тўсиқлар қурган бўлсада Исроил Сомоний бу тўсиқларни бартараф қилди. Маълумки ўзбек ва тожик элатлари қадимги этнослардан-сак-

масагетлар, бактрийлар, юэчжи-тохарлар, қонғарлар, хунлар, суғдийлар ва бошқаларда томир олган. Бу икки элатни ажратиб турадиган тили, ўзлигини англаш ва бошқа хусусиятлари. Умуман олганда “Маданиятлари томоша ўхшаш икки халқ бўлмаган ва бўлиш ҳам мумкин эмас”. Сомонийлар таркибида бўлган Хоразм ярим мустақил бўлиб, ўз маданияти, тили, урф-одатларни сақлаб қолган. Чунки Хоразм атамаси нафақат сиёсий, географик ном, аҳолисининг умумий номи ҳам эди. Уларнинг қадим тили эрон тили гуруҳидан бўлган бўлса ҳам аммо Эрон ва суғд тилларидан фарқ филган. Ўзбек элатининг шаклланиш жараёни Қорахонлар давлатининг Ғарбий қисмида XI-XIII аср бошларида ниҳоясига етди. Ўзбек элатининг шаклланиш жараёни ҳақида С.П.Толстовнинг, А.Ю.Якубовский, Б.Г.Ғофуров, М.Г.Ваҳобов ва бошқалар ўзбек элати Қорахонийлар давлати чегарасида асосан Мовароуннаҳрда ва Хоразмда шаклланди деб таъкидлайди.

Ўзбек аجدодлари элат бўлиб, Қорлуқ, сомоний ва Хоразм давлатлари чегарасида шаклланган. XI-XII асрларда Қорахонлар давлати деярли Мовароуннаҳр билан чегараланиб XI аср биринчи яримда 2 ғарбий ва шарқий давлатга бўлиниб, Ғарбий ҳоконликда иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланиш тез суръатда ривожланди. Ўзбек этносларини шаклланишда қатнашган айрим қисмлари Қорлуқ, Қанғли, Қипчоқ, Арғу, Тухси кабилар ўз этносларидан ажралиб кейинчалик қозоқ, қирғиз ва уйғур халқларига қўшилиб кетди. IX-X асрлар давомида Мовароуннаҳрда ва унга туташ минтақалардаги халқлар бир-бирларига яқинлашиб, қоришиб борадилар, уларда иқтисодий ва маданий умумийлик ҳосил бўлади. Энг асосий уларнинг онгида ўзлигини англаш ҳиссиёти кучаяди. Ўзбек аجدодлари IX-X асрларда (аниқроғи 840-940 йиллар) алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклландилар. Шаклланган ўзбек этносининг асосини (пойдеворини) муқим яшовчи маҳаллий аҳоли ташкил қилади. Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида айрим кўчманчи, ярим кўчманчи этник

гуруҳлар ҳам қатнашган. Лекин булар сон жиҳатидан маҳаллий аҳолига нисбатан унча кўп бўлмаган. Вақт ўтиши билан буларнинг кўпчилиги штроқлашиб, турғун аҳоли билан аралашиб қоришиб кетадилар. X аср ўрталарида ўзбек элатининг шаклланиш жараёни иккинчи босқичга ўтди. Бу босқичда то XI аср ўрталаригача, яъни Қорахонлар давлатининг икки (ғарбий ва шарқий) Ҳоконликка бўлиниб кетганига қадар давом этади. Мазкур босқичда Моварауннаҳр ва унга туташ минтақаларда яшовчи аҳоли этник иқтисодий ва маданий жиҳатдан бир-бирлари билан яқинлашиб, қоршиб борадилар. Этник, иқтисодий ва маданий тараққиёт яна ҳам ривожланиб аҳолининг кўпчилиги онгида ўзлигини англаш ҳиссиёти кучаяди. Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнининг учинчи босқичи XI асрнинг ўрталаридан то XII асрнинг ўрталаригача давом этган. Бу Қорахонлар давлатининг ғарбий қисмида вужудга келган мустақил давлат доираси XI-XII аср элатга хос этник белгиларнинг ривожланиши меъёрига етиб ўзбек халқининг шаклланиш жараёнини ниҳоясига етди. IX асрда Қорлуқ давлатининг куч қудратини йирик олимлар В.В.Григорьев Н.А.Аритов, А.Ю.Якубовский, О.Прицаклар тан олди. Қорлуқ давлатининг биринчи хони Билга Қул Қодирхон эди. Сатук Буғраҳон уни невараси эди.

10-Мавзу: Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида фаол қатнашган асосий компонентлар

РЕЖА

1. Ўтроқ туркий аҳолининг ижтимоий турмуш таризи.
2. Кўчманчи туркий қабилаларнинг Ўрта Осиёга жойлашувининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ўзбек халқининг элат бўлиб шаклланиш жараёнлари.

Таянч сўзлар:

Шониёзов К “Ўзбек-Қарлуқ” (Т.1964 й) ва катор асарларида ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида Қорлуқ қабилалари асосий ҳал қилувчи рол ўйнагани таъкидланади. Қорлуқлар илк Олтойдаги Чориш дарёсидаги ирмоқлардан бирида яшаган (бу ирмоқ ҳозир ҳам Қарлуқ дейилади.) Турк ҳоконлиги даврида (милодий 552 й) У1-УШ асрларда шарқий Туркистон, Афғонистон, Ҳиндистоннинг шимолий вилоятларига келди. Хитой йилномаларида Қарлуқ (гэлолу, гэлу, хе-лу)ларнинг Или дарёсининг шимолдаги қисми 3 та катта уруғдан иборат бўлиб, буларнинг Хитойча номи меуло, чижиси ва таниш деб аталган. 646 йил Шарқий турк ҳқони Чеби, олтой қарлуқларининг ғарбий турк ҳқони Ашина Тарбоғатойда (жунғориянинг шимолий қорлуқларини 745 йил уйғурлар қолган қарлуқларини ўзига бўйсундирди). Бироқ курашлар таъсирда қарлуқларни янги этно ҳудудий этник гуруҳлар шаклланди. 1.Ила дарёсининг шимолида жойлашган этник гуруҳ; 2.Хонгай тоғи этакларида Танну Олада жойлашган гуруҳ; 3.Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақаларида жойлашган этник гуруҳ; 4.Тоҳаристонда ва Ҳиндистоннинг шимолий вилоятида 766 йил Қорлуқлар Чу дарёси водийсидаги Суёб шаҳри уларни пойтахти бўлиб қолди. Этнограф Ауфи (XIII аср) ёзишича “уларни (Қарлуқларни К.Ш.) юрти (ватани) Олтин олинадиган Йун-С” (бу сўз Олтой тоғлари ифодаланган бўлиши керак) тоғи яқинида бўлган халлуқлар, (араб ва форс тилидаги манбаларда қарлуқ этноними халлуқ, харлуж тарзда берилган), туғузлар (туғуз-ўғуз атамаси кул-тегин, тун йиқуқ (Апа-Тархан) га қўйилган қабр тошдаги битик) (яъни уйғурлар) фуқароси эди, аммо уларга қарши кўзғалон кўтариб, Туркистон ерига бостириб кирдилар. (Туркистон ери деб Еттисув тушинилган. Ҳатто айримлар ислом ери Мовароуннаҳрга кириб келган. X асрда ёзилган “Ҳудуд ал-Олам” асарида қорлуқлар эгаллаб турган ҳудуд шарқ томонида Тибетнинг айрим вилоятлари яғмо ва туғуз-ўғузлар билан, жанубда (яна)

яғмо ва Мовароуннахр билан, ғарбда ғузлар билан, Шимол томонда чигил ва туғуз-ўғузлар билан чегаралангани таъкидланади. Сайё тарихчи истахрий (Хаср) Қарлуқлар Исфижойдан (ҳозирги Чимкент вилоятдаги (айрим худудидан) то Фарғонанинг энг чеккасигача Масъуднинг ёзишича (X аср) Фарғонанинг ҳамма жойдан, Шошжа (Тошкент воҳаси) Ибн Ҳов калнинг (X аср ўрталарида) Қарлуқлар мамлакатининг ғарбдан то Шарқигача бўлган масофани ўтиш учун 30 кун йўл босиш керак”, сайёх Абу Дулаф (X аср) қарлуқлар мамлакати бўйлаб 25 кун йўл босиб, сўнг Хитойга борган” Бу ҳудудда 20 га яқин шаҳарлар бўлган. Қарлуқлардан олдин бу ҳудудларда дулу, нушиби, сарик, ўз, аз ва бошқа қабилалар яшаган.

Чигил қабиласи IX-X асрларда Исик кўл атрофида яшаб, “Худуд ал-Олам”да ёзилишича чигиллар қарлуқлардан шимолда исик кўлдан жанубда яшаган. Улар ўтов ва капаларда яшаган. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида чигил учта этник гуруҳнинг номи бўлиб, булар Барсихоннинг жанубидаги қиёс (исик кўлнинг жанубий шарқдаги шаҳарлардан бири) шаҳарчасида, тароз яинидаги Чигил шаҳрида ва Қашғар яқинидаги бир қанча қишлоқларда яшаган.

Халачлар- Толас водийсида (унинг юқори қисмида) жойлашган. Қишги жойлари Тараз шаҳрининг шарқида бўлган. Маҳмуд Қошғарийни ёзишида Халачларнинг бир қисми Қашғарда яшаган қолган қисми VI-VIII асрларда Афғонистон, Эрон, Ҳиндистонга Хуросонда яшаган.

Яғмо- тарихчи Тардизийнинг ёзишича- яғмо туғузлар таркибида бўлган дейди, бироқ уйғурлар таркибида яғмо этник номи учрамайди. А.Н.Гумилев яғмо қавмининг Хитойча номи Янь Мань бўлиб талас қабиласи иттифоқи таркибига кирган деган фикрни билдиради. Лекин (Н.Я.Бичурин Хитой манбаларида қилган таржималарда 15 та телес қабилалари ичида яғмо ёки уни Хитойча номи Янь-Мань учрамайди деб таъкидлайди. Яғмоларнинг салмоқли қисми (IX аср охири X аср бошларида) Қашғар,

Тангри тоғ тоғларининг шарқий жанубий-шарқий ён бағриларда, Норин дарёсининг юқори оқимиға келиб ўрнашдилар. Буларнинг кичик бир гуруҳи Турфан ҳавзасида ҳам яшаганлар”.

Дулу-туркий қабила бўлиб У аср Хитой йилномаларида 12 та гаоюй (уйғур) қабилардан бирининг номи тулу деб номланган. Аристовнинг фикрича тулу этник номи дулу қабила исми билан айнан ўхшашдир. УП асрда Еттисувда ва Жунғорияда яшаган.

Нушиби- Тянь-Шаннинг ғарбий қисмида ҳамда Иссиқ кўл атрофида яшаган. “Ўн ўқли” ёки ўн уруғли аймақ” деб аталган. У1-УП асрларда Нушиби қабилалари Сирдарёнинг ўрта оқимларидан то Фарғона водийсининг шимолий-ғарбий минтақаларида яшаган.

Тужешлар- УП асрнинг 30 йилларида Хитой манбаларида берилган. (Туркежлар яна тиркаш, туркиш, турчис ва бошқа номлар билан аталган). Туркешлар “Қора” ва “Сарик” этник гуруҳлардан ташкил топган. Улар Ила дарёсининг юқори қисмида, марказий Тянь-Шанда ва қисман Фарғона воидийсида ҳам яшаган.

Арғин-(аргу, аргун, орғун)-Н.А.Аристовнинг таъкидлашича арғин ва басмил бир халқнинг икки хил номи бўлган. Маъноси “наралаш”, “қўнишган” яъни бир қанча уруғлардан ташкил топган демакдир. Тарихий маълумотларда басмил қабилалари ўтмишда 40 уруғдан, арғин қабиласи эса 7 уруғдан ташкил топган. УШ аср охири-1Х аср бошларида арғинларнинг бир қисми ғарбга томон силжиб, Алакул атрофда ҳамда Қоратол ва Нур дарё ҳавзаларида жойлашган. Қолган қисми УШ асрда қарлуқ давлати таркибига кириб Исфижоб билан Боласағун ўртасидаги қашшоқ ва шаҳарларда яшаган Х аср охири-Х1 аср бошларида Еттисувдаги арғинлар Тошкент воҳасига ва Фарғона водийсига келган. Қорахонлар замонида (Х-ХП) уларнинг бир қисми Сурхондарё вилояти ҳудудига келиб жойлашди.

Тухси-VIII-X асрларда Еттисувда, Куёс шаҳри (Иссиққўлнинг жанубида), Суёб шаҳрида жойлашган.

Қаңғли-ўзбек халқининг таркибидаги йирик этник гуруҳлардан бири.

**11-Мавзу: Ўрта Осиё иқтисодий ҳаётига капиталистик
муносабатларнинг кириб келиши ва миллий буржуазия ҳамда
жадидчиликнинг пайдо бўлиши**

Россия давлати Иван Грозний давридан бошлаб ўрта Осиёни мустамлакага айлантиришга уриниб, XVII аср даврида кичик ва ўрта жузларни бўйсундириб, 46 та катта, 96 та кичикроқ ҳарбий қалъа ва истиҳкомлар қуришиб ҳарбий қисмлар жойлаштирилди. Николай 1 (1825-1855) даврида Россия-Қўқон, Россия-Хива чегараларда ҳарбий истехкомлар қурилди. XIX асрнинг биринчи ярмида Англия уй ойғоқчилар Коналли, Бернс, Арчи, Тодор, Стодарт, Аббот, Шекспер каби зобитларни “Сайёҳ” сифатда Ўрта осийёга юборди. Стодарт ва Коноллилар Бухоро зиндонида қатл қилинди. Россия 1853 йил Оқмачитни босиб олди. Муҳаммад Солиҳ Тошкандий “тарихи жадидаи Тошқанд” асарида “Қўқонда Оқмачит воқеасини эсдан чиқариб айши-ишрат, кайфу сафо, ўйин-кулгу ва апрвосизликка берилиб, мамлакат ишидан кўз юмиб, Қозоғистондаги хирож, бож ва закотни ғайридин миллатларга топшириб, хукмронликни ғанимат билиб ёмон одамларни ўғриларни ва ҳаром кишиларни тўплаб амалдор қилиб ва валий белгилаб, ҳар бир шаҳарга юбора бошладилар”, Хитой саёҳи Чжан Цянь Тоҳаристон ҳақида жуда кўплаб тарихий манбалар келтириб, бу юртда деҳқончилик маданияти юксак ривожланганлиги хусусида фикр юритиб Амударё (Хитойча Гуйшуа) бўйлаб савдо-сотик билан шуғулланадиган кишилар яшайдилар. Улар қуруқлик ва сув орқали (Амударё суви орқали) ўз молларини бир неча минг лигача бўлган масофага етказиб борадилар” деб ёзади. Ҳозирги 1 ли 579 метр, қадим ва ўрта асрларда 1 ли 350 метрга яқин бўлган.

Хитой саёҳлари маълумотларида милоддан олдинги II аср ўрталарида хунлар билан бўлган кучли ҳарбий тўқнашувларда мағлубиятга учраган юечжиларнинг асосий (даюежижилар-катта юечжилар) қисми Тангри тоғнинг шимоли-шарқидаги ҳудудлардан Даха (Тоҳаристон)га кўчиб ўтиб, милодий 1 асрда Кушонлар сулоласига асос солдилар. Бу Даха (Тоҳаристон)нинг шимоли Ҳисор тизма тоғлари билан (Сурхон-Шеробод водийсига чиқадиган “Темур дарвоза ёки Бузғол танглиги) чегараланади. Дахага келиб жойлашган Юечжичиларни тил шеваларини илмий таҳлил этган тилшунос-этнограф М.Н.Воробьев-Десятовскаянинг фикрича тохир тилларидан” этник жараёнларни мураккаблашуви натижасида маҳаллий аҳоли билан кўчиб келувчи қабилалар ўртасида мунтазам равишда ҳудудий тўқнашувлар бўлиб ўтган. Маҳаллий туркий ўтроқ қабилалар доимий тарзда бўлган ташқий хавф, босқинчи қабилалар ҳужумига жиддий қаршилик кўрсатишига қарамасдан Шимолий ҳудудлардан халқлар кўчиши натижасида ҳаракатга келган кўп минг кишилик қабилаларга мунтазам қаршилик кўрсата олмаганлар. Йирик кўчманчи қабилалар қулай табиий географик ҳудудларга маҳаллий қабилаларни қаршилигини синдириб жойлашиб олган. ана шундай кўчишлар натижасида Хитой манбаларда қайд этилган милодий V асрнинг иккинчи ярмида (аниқроғи 468 йили) Тоҳаристонга эфталийлар қабилалари келиб жойлашиб, улар Йеда (неда, еда) номи билан ҳам атаган: эфталийлар Тоҳаристонга Олтой тоғлари жанубдан шунингдек Фарғона ҳудудларидан кўчиб келишган. Бироқ шуни қайд этиш керакки, эфталийларнинг этногенези ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки Мовароуннаҳр ҳудудига эфталийларнинг қачон келганлиги ҳақида аниқ маълумотлар бўлмасада, Хитой манбаларида эфталийларни (Йеда, Мда) Тоҳаристонга IУ охири-Х аср ўрталарига келганлигини этнограф Н.Я.Бичурин қайд этади.¹ Бу манбани Прокопий Кесарскийнинг V-У1 асрларда эфталийлар

¹ Шониёзов К. О роли карлукского компонента в этногенезе узбекского народа. ОНУ. 1981. № 1. С 24.

Мовароуннахр шаҳар ва қишлоқларда ўтроқ ҳолда яшаган деган маълумотидан олган. Чунки бу даврда эфталитларнинг асосий қисми ўтроқлашган эди. Араб тарихчилари Мукаддиси, Ёқут ва Масудиларни ёзишча эфталитларни Хайтал номи билан тилга олади.¹ У1-УШ асрларда Тоҳаристонда маҳаллий ўтроқ ҳамда кўчманчи туркий қабилаларни аралашиб яшашиш кучайиб, маҳаллий халқнинг урф-одатлари, маданиятини қабул қилиши кучайди. Шунини алоҳида қайд этиш керакки кўчманчи қабилаларни сиёсий сиқуви, кўпчилик аҳолини ташкил этиши, сиёсий бошқарувни ўз қўлига олиши натижасида кўпинча кўчманчи қабилалар номи билан маҳаллий халқ ҳам атала бошланди. Кўпинча маҳаллий халқнинг номи тезликда унитила бошланди. Тоҳаристон ҳудудлари VI асрнинг охири VII асрнинг бошларида Турк ҳоқонлигига бўйсунган бўлиб, бу ҳудудга туркийзабон қабилалардан қарлук, халач, чигил қабилалар кўчиб келиб, бу қабилаларга Тоҳаристонга қарлук, ябғулари раҳбарлик қилди. Хитойлик саёх Сюань-Цзяннинг (639-645) тарихий манбаларга асосланиб Тоҳаристон ҳудуди 27 вилоятдан иборат қилиб, жами вилоятларга турк ҳоқонлари раҳбарлик қилган. Хи (балх) вилояти Турк хоннинг қароргоҳи бўлиб,² Шуман (Ҳисор водийсининг Марказий ва шарқий қисми) Ахорун вилоятлари ҳокими ҳам турклар бўлган. Шунингдек Хитойлик саёхлардан Тан-шуда ва Хой-Чаони қайд этишича Кумед, Вахон ва Хутталон вилоятлари раҳбарлари ҳам турклар бўлган.³ УШ асрларда Тоҳаристон шу ерларда яшовчи қарлуклар бошлиғи ябғулар томонидан бошқарилган. Ябғулар қароргоҳи Балх шаҳрида бўлган. Юань-Цзянь тилга олган 22 вилоятнинг кўпчилигини бошқарган ҳокимлар қарлук туркийларидан тайинланган ябғу ўз навбатида турк ҳоқонлигига тобе ёки ярим тоблекда бўлган бўлиши керак. Этнограф Н.Я.Бичуриннинг

¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия соч.Т. 1. М. 1963. С.134

² Гумилев Л.Н.Эфталиты и их соседи в 1У в. ВДИ. 1959. № 1 эфталиты горцы или степнаки. ВДИ. 1967. № 3

³ Боровкова Л.А.Граница западно-тюрских владений в средней Азии по Сюань Цзану. Вопросы советской тюркология тезисы докладов и сообщений. Ашхабад. 1985. С.345

маълумотларига асосланиб, Гандхара ва Гибин ҳудудларни 719 йилда қарлуқ қабиласига мансуб турк сулоласи бошқарганлигини Хитой саёҳи Тан-шу ўз маълумотларига ёзиб қолдирганлигини қайд этади. Шунингдек, Тоҳаристоннинг жануби-ғарбий ҳудудида жойлашган ейен ёки Цдоchюйчжа деган жойда ҳам турклар ва тохарлар яшаганлар деб этнограф Н.Я.Бичурин ўз фикрни тасдиқлайди.

V1 асрга Тоҳаристонга келган Қарлуқлар VII асрлар давомида ўзларни мавқеларни сиёсий жиҳатдан мустақамлаб олдилар. Қарлуқларни сиёсий бошқарув ҳокимияти Тоҳаристонда ябғулар қўлида бўлиб, ябғу мансаби авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтган. Хитойлик Хой Чаонинг қайд этишича ҳокимлар аслзода хонадонлардан тайинланиб, уларга тегин ва тархун унвонлари берилган. Бошқарув ҳокимияти қарлуқлар қўлида бўлсада, бироқ туманларни айрим вилоятларни маҳаллий турк аҳолисининг вакиллари бошқариб, уларни қарлуқ ябғуларига бож тўлаб турган. Чунки қарлуқлар Тоҳаристонда маҳаллий туркийзабон, форсизабон халқларга нисбатан озчиликни ташкил этган. Қарлуқлар маҳаллий аҳоли билан аралашиб, ўтроқлашиб яшаган бўлишларига қарамай ўз номларини сақлаб қолганлар. Чунки Тоҳаристонда турк ҳоконлиги ўрнатилганди кейин ҳам қарлуқлар ўз мустақилликлари учун курашиб XI-XIII асрларда Ғарбий ва Шарқий ҳоконликларга жиддий қаршиликлар кўрсатдилар.¹ Тарқоқ ўзаро сиёсий жиҳатдан бирлашмаган туркий қабилаларига қарши босқинчилик урушларини бошлаган Араб истилочиларига қарши курашда Қарлуқлар воҳада яшовчи туркий, форсий халқларга қўшилиб араб истилочиларга қарши жанг қилиб, ўз ерларини ҳимоя қилдилар. Араблар истилоси бошланган вақтда УП аср ўрталарида Мовароуннаҳр ва унга тутилган ҳудудларда 15 га яқин кичик давлатчиларга бўлиниб, Тоҳаристон ҳудудида Чағаниён Термиз каби мустақил давлатлар ташкил топган. Араб лашкарбошчи Қутайба Термиз ва Чағаниён истило қилиб турк қабилаларни

¹ Шониёзов К. О роли карлукского компонента в этногенезе узбекского народа. ОНУ. 1981. № 1. С 24.

кўпини кириб ташлади. Араб истилочиларига қарши курашда туркий форсий қабилалар бирлашиб жиддий қаршилик кўрсатиб Тоҳаристон турклари XIII аср бошларида араблар истилосига жиддий кураш олиб бордилар. Айниқса Қарлуқ қабилалари Тоҳаристонни ҳимоя қилишда қаҳрамонлик кўрсатдилар. 736-737 йилларда Хуросон ва Мовароуннаҳр нойиби Асаб ибн Абдуллоҳ араб истилочиларига раҳбарлик қилиб Хуттал ҳокимлигини истило қилиш учун юриш қилди. Хуттал ҳаокими туркешлар ҳокони Абу Музахил ёрдами билан арабларга қарши курашга чикди. Арабларга қарши шу ҳаракатга Тоҳаристондаги аҳоли билан бирга қарлуқлар ҳам иштирок этди. Бироқ катта ҳарбий лашкарга Абу Музахин уддабуронлик билан раҳбарлик қила олмаганлиги туфайли озодлик ҳаракати мағлубиятга учраб, кўплаб турк қабилалари араблар томонидан кириб ташланди. Халқ ҳаракатига раҳбарлик қилган Музахим (сузоғич) бу турк ҳоконининг оти эмас, унга араблар томонидан берилган лақаб. Абу Музахим араб қўшинлари билан жуда кўп жанг қилиб, уларни бир неча маротоба “сузиб” талофат етказгани учун шундай лақабга сазовор бўлган.¹

IX-X асрларда Марказий Осиё ҳудудларда этник жараёнлар турли хил бўлиб, қадимдан турғун яшаб келиб, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо сотиқ билан шуғулланиб келган. Сурхон воҳасида туркийзабон ва тожик халқи ёнма-ён яшаб келган. Шунингдек араблар ҳам маҳаллий ўтроқ ҳолда яшаб қолдилар. Тоҳаристон ҳудудида яшаган аҳоли бевосита кўчманчи, ярим кўчманчи туркий қабилалар билан яқин иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келган. Шимолий Тоҳаристон ҳудудида IX-X асрларда бир неча ҳудудлар вужудга келиб, шулардан нуфузлиси Чағаниён (Сағаниён) бўлиб, марказий шаҳари Чағаниён деб аталган.² (Чағаниён (сағаниён) шаҳри ҳозирги Денов яқинида жойлашган).

¹ История ат табари. М. 1987. С 242.

² В.В.Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т.1. С. 123. К истории орошения Туркестана. Соч. Т.Ш. С.198.

Араб саёҳларнинг ёзма манбаларида қайд этишича Чағаниён шаҳри Шимолий Тоҳаристон ўлкасида энг йирик шаҳар ҳисобланган, аммо ундаги аҳоли сони Термиз шаҳри аҳолисидан оз бўлган этнограф О.Г.Большаковнинг тахмин қилишича Чағаниён шаҳристонида 9-10 минг киши яшаган.¹ Аммо унинг работидан қанча киши яшагани аниқланмаган. Араб саёҳи ва тарихчиси Муқаддасийнинг таъкидлашича Чағаниён вилоятида 16 минг қишлоқ мавжуд бўлиб, қишлоқ аҳолиси зич жойлашган. Чағаниён 800 мингдан ошиқ аҳоли истиқомат қилган. Чағаниён ҳудудида туркий ва тожик аҳолиси ёнма-ён яшаган ҳамда ижтимоий, иқтисодий ва маданий алоқада бўлган.

Сурхон воҳасида Амударё қуйилиш қирғоғида жойлашган Термиз шаҳри мустаҳкам мудофаа истехком бўлиб, X асрда шаҳарда 33-35 минг киши истиқомат қилган.² Термиз Моварауннаҳрдаги энг йирик аҳоли марказларидан бири бўлиб Тоҳаристоннинг иқтисодий ва маданий тараққиётида муҳим роль ўйнаган. Термиз шаҳар Буюк ипак йўли ўтган бўлиб савдо ва маданий алоқалар маркази ҳисобланган. Шимолий Тоҳаристонда Чағон-руднинг (Сурхондарё)нинг юқори оқимларида Ахарун вилояти жойлашган. Умуман Тоҳаристон аҳолисининг сони 3 миллион 300 мингга етган.³ Тадқиқотчи этнограф олим тарихчи О.Прицакнинг таъкидлашича Қорахонлар давлатини Улуғхон (Қорахон) бошқариб, Улуғхон номига ҳурмат маъносида “қора” (унвони қўшиб айтилган). Улуғхоннинг маркази Боласағун (Қора Ўрда-Буюк ўрда ёки Қуз-Ўрда) шаҳри бўлиб, Улуғхон билан бир вақтда давлатни Шерикхон бошқарган. Қорахонлар давлатини Ғарбий қисмидаги Исфимоб ва Қашғар вилоятларига Шерикхон раҳбарлик қилган. Шунини алоҳида қайд этиш

¹ Истаҳри. ВСА. 1. С.339-340.

² Муқаддасий. 290-291 бет.

³ Раҳим Масов. Таджики;История с грифом. “Совершенно секретно”. Душанбе. 1995. С-69.

керакки давлатни шу усулда бошқариш Еттисув қарлуқлардан олдин Туркешларда ҳам бўлган.

Мураккаб ижтимоий, иқтисодий ҳаёт таъсирида, ўзаро низо-жанжаллар туфайли Моварауннахрдда этник жараёнлар анча мукаммаллашиб борди. Ушбу ҳудудда яшовчи халқларни бир-бирлари билан араллашиб, яқинлашиб, қоришиб боришида умумий иқтисодий, маданий турмуш тарзи шаклланди. Натижада IX-X асрларда ўзбек аجدодлари алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланди. Албатта шаклланган ўзбек этносининг асосини (илдизини) илк қадимги муқим яшовчи маҳаллий аҳоли ташкил этди. Маҳаллий ўтроқ аҳолига кўчманчи, ярим кўчманчи этник гуруҳлар ҳам қўшилган, бироқ улар аҳолини озчилик қисмини ташкил этиб, кейинчалик улар ўтроқлашиб, маҳаллий ўтроқ аҳоли билан араллашиб, қоришиб кетганлар. Йирик этногриф олим Академик Ш.К.Шониёзовнинг таъкидлашича X аср ўрталарида ўзбек элатининг шаклланиш жараёни иккинчи босқичи бошланиб, бу ҳолат XI аср ўрталаригача, яъни Қорахонлар давлатининг икки (Ғарбий ва Шарқий) ҳоқонликка бўлиниб кетганига қадар давом этди. Ушбу даврида Моварауннахр ва унга туташ минтақаларда яшовчи аҳоли этник, иқтисодий ва маданий жиҳатдан бир-бирлари билан яқинлашиб қоришиб борадилар.

Этник, иқтисодий ва маданий тараққиёт яна ҳам ривожланиб, аҳолининг кўпчилиги онгида ўзлигини англаш ҳиссиёти кучаяди.¹

Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнининг учинчи босқичи XI асрнинг ўрталаридан то XII асрнинг ўрталаригача давом этган. Мазкур босқич асосан Қорахонлар давлатининг ғарбий қисмида вужудга келган мустақил давлат доирасида ўтади. Бу даврда (XI-XII аср) элатга хос этник белгиларнинг ривожланиши меъёрига етиб, ўзбек халқининг шаклланиш

¹ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т. Шарқ. 2001. 337-бет

жараёни ниҳоясига етади.¹ Марказий Осиёнинг водий ва воҳаларда яшовчи аҳолининг асосий қисми X аср ўрталарида ислом динини қабул қилиб, Ислом дини то Иссиқ кўл атрофларигача бўлган ҳудудни ўз ичига олди. Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида қарлук, чигил, халач, яғмо, дуғлат, нушиби, арғу, тухси, аз, ўз, дулу, тукеш, қанғли, қипчок, ўғуз, басми, сари, кун ва бошқа этнослар ва этник гуруҳлар ҳам катнашганлигини Академик К.Ш.Шониёзов ўз илмий тадқиқотларда асослаб берган.

Марказий Осиё халқларининг этник ва маданий тараққиётида Фарғона, Устршона, Шош, Суғд, Кеш, Насаф, Тоҳаристон, Хоразм жумладан Шарқий Туркистон, Етгисув, Сирдарё ўрта ва қуйи оқимларида, унга туташ чўлларда яшаган этносларнинг роли яхши бўлган. Ўз навбатида булардаги аҳолини этник таркиби бир хил бўлмай турғун яшаган аҳолининг деҳқончилиги, ҳунармандчилиги, савдо-сотик билан шуғулланиб, туркизабон аҳолига тожиклар, араблар қисман аралашиб яшаган. Араб, форс манбаларида маҳаллий халқнинг қишлоқ шаҳар, дарё бўйларидаги ҳўжалиги кўпроқ тилга олинган. Ал-Истахрий (1X аср 2 ярми X асрнинг 1 чи ярми) ўзининг “Масалик ал-мамалик” жуғрофий асаридаги “Суғдда, Уструшонада, Фарғонада ва Шошда (Чоч) шу даражада серобгарчиликки, улар (вилоят аҳолиси ҳайвонларини мева бериб боқишар”. Кўп нуфузли ҳудуд Фарғона водийси бўлиб 40 та шаҳардан иборат. Уни марказ Ахсикент, шаҳар айланмаси 3 фарсанг масофага чўзилган. Бундан ташқари Қуба (Кува) Ўш, Ўзган 1X-X асрларда Косон, Жидгил (Чигил қабиласининг номи билан боғлиқ) ва Миёнруд (икки сув ораси) Қорадарё ва Норин оралиғидаги ҳудуд каби шаҳарлар бўлган. Фақат Асбара мавзесида 60 та қишшоқ бўлиб, “Қашшоқларнинг кўплиги жиҳатидан Мовароуннаҳрда Фарғона тенг келадигани йўқ. Аҳолисининг кўплигидан қишлоқларнинг баъзилари ниҳоятда катта, уни ўтиш учун бир

¹ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т. Шарқ. 2001. 338-бет

кун йўл юриш керак бўлади” деб ёзган эди. Истахрий 1X-X асрларда Фарғона водийсида 1,5 миллион аҳоли яшаган. Бундан ташқари кўчманчи ва ярим кўчманчи 0,5 миллион киши яшаган. Фарғонадан Устршона ўтишда Моварауннахрнинг йирик шаҳарларидан бири Хўжанд жойлашган бўлиб, У 1X-X асрларда араб маълумотларида Хўжанд вилоят маркази ҳисобланган. Ал-Якубинийнинг асарида Устршона вилоятида 400 га яқин мустаҳкам қўрғон ҳовлилар бўлган.

Устршонанинг пойтахти Бунжикентдан ташқари Змон ва Жиззах шаҳарлари бўлган. Сомонийлар даврида (1X-X аср) ислом динини қабул қилиниб, кўплаб туркий қуллар хизмат қилган. Истахрий асарларида туркий қуллар (ўзининг ақл идроки яхши хизмати билан) ер юзидаги бошқа қуллардан устун турганлиги ёзилган. Сомонийлар хизматидаги туркий қуллардан вилоят ҳокимлари ҳарбий саркардалар, Салжурий, Алп-Тегин, Тош, Фалқ қабилар етишиб чиққан. Алп-Тегин Сомонийларнинг собиқ қули, кейинчалик ҳарбий саркарда Хуросон вилоятининг ҳокими ва йирик феодал. У бойиб Хуросон ва Мовароуннаҳрда жойлашган 500 қишлоқни сотиб олган. Алп-тегиннинг собиқ қули Сабук (кейинчалик Сабук -Тегин) йирик ҳарбий саркарда бўлди ва 977 йил Ғазнани қўлга киритиб Хуросонда Ғазнавийлар сулоласига асос солди (Айрим тарихий асарлар Ғазнавийлар сулоласининг асосчиси Маҳмуд Ғазнавий бўлган дейишди. Ҳақиқатда эса бу сулолага асос солган киши Маҳмуднинг отаси Сабук-Тегин бўлган. Чунки у 977 Ғазнани олиб, Балх дарёси водийсини эгаллайди ва Сомонийлар итоатлигидан чиқиб Хуросонда мустақил давлат барпо этади. Баъзи ўрта аср манбаларда айтилишича Сабук-Тегин Барсхон қабиласидан Барсхон шаҳрида ёки унинг атрофларида яшовчи турклардан бўлган. У болалигидан асир олинган, туркларнинг Тухси қабиласини қуйини боққан. Кейин уни Моварауннаҳр савдогарларига сотганлар, булар эса уни Нишопур бозорида пуллаганлар. Сабук-Тегин вафотидан кейин (997 йил) Қорахонийлар билан биргаликда унинг катта ўғли Мавмуд

Ғазнавий Сомонийларга қаттиқ зарба берди. 999 йилида Марказий Осиёда Қорахонийлар ва Ғазнавийлар давлати вужудга келди. 1X-X асрларда Суғдиёнанинг тараққий этиши кучайди. У 2 вилоятга 1.Зарафшон воҳасининг ўрта ва юқори қисмлари Самарқанд вилояти манбаларда Самарқанд Суғди дейилган. 2. Шу дарёнинг қуйи (Кармана ва ундан кейинги) оқимлар-Бухоро вилояти ёки Бухоро воҳаси) Нурота ҳам киради. Суғдиёнанинг Марказий шаҳри Самарқанд бўлиб 1X-X асрларда 100-110 минг киши яшаган. Суғдда канал бўйларида жойлашмаган экин экилмайдиган деҳқончилик билан шуғулланмайдиган: аҳоли зич яшайдиган, улуғвор қасрлар ва мустаҳкам обод кишлоқлари бўлмаган биронта ҳам канал йўқ” деб ёзади Ибн Хавқал. Самарқанд вилоятида 12 та рустақ (туман) бўлиб, буларнинг 6 таси Зарафшон дарёсининг ғарбий қисмида жойлашган. (булар Бунжикет-Панжикент) Варағсар, Маймурғ (Равдор), Дарғом, Обгар, Савдор 6 таси шу дарёнинг шимолий қисмида Яркет, Бурнамад, Бузмаджон, Кя Буданжакет, Ведар ва Марзбон. Ибн Ҳавқал Самарқандда бўлганида шаҳар аркига кўтариб, теварак атрофни кузатиб, у ерлардаги кўркам дарахтзорлар, ажойиб қасрларни, сув оқиб турган каналлар, қашшоқлар ва бой маданиятини кўриб лол қолган эди. Араб географиялари Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида ўрнашган йирик шаҳарлардан яна иштихон Кушония, Дабусия, Арбинжон, (Рабинжон)лар каби 12 та шаҳар тилга олинади.

1X-X асрларда тараққий топган Бухоро шаҳри Ғарбда Амударё соҳилларигача, Шарқда Кармана бўлган. Араб географларини таъкидлашича Бухорода катта ва кичик шаҳарлари сони 35 та бўлган Наршахий фикрча Бойканд ва Фароб шаҳар бўлган келганлари қишлоқ асарда “Бухорода бир корхона бор эди” унда палослар, дарпардалар ёзги кийимлар, ёстик жилдлари, фондуқий жойномозлар ва уст кийимларни халифа учун тўқир эдилар: битта дарпардага (бутун) Бухоро хирожи сарф бўларди. Баҳдодан ҳар йили алоҳида бир омил (амалдор Солиқ йиғувчи)

келиб Бухоро хирожининг эвазига шу кийимлардан олиб кетар эди деб ёзган эди. Асарда “Бухоро шаҳрида шундай ишга тайин қилинган усталар бўлар эдилар: вилоятлардан савдогарлар келиб, одамлар зандонийчини (Зандоначи қишлоғида тўқиладиган мато) олиб кетганларида, у кийимлардан шом ва Мисрга, Рум шаҳарларига олиб кетар эдилар. Хуросоннинг ҳеч бир шаҳрида бундай (мато) тўқий олмас эдилар”. О.Г.Большаковнинг тахминига кўра Бухорода X асрда 40-50 минг киши яшаган.

Мовароуннаҳрда турғун яшовчи аҳолининг катта қисим Тоҳаристон ҳудудида яшаб, бу ҳудуд Бадахшон билан Балх оралиғидаги ўлка. Шимолий Тоҳаристон ҳудудида IX-X асрларда бир неча тарихий ҳудудлар Чағаниён (Сағаниён) Сурхондарё воҳасида жойлашган. Араб географларининг асарларида Чағаниён шаҳри Шимолий Тоҳаристон ўлкасидаги йирик шаҳар бўлиб О.Г.Большаковнинг фикрича 9-10 минг киши яшаган. Муқаддасийнинг маълумотиغا Чағаниён вилоятда 16 минг қишлоқ бўлиб, 800 мингдан ошиқ аҳоли яшаган. Термиз йирик шаҳар ва мустаҳкам мудофаа истехкоми бўлиб, унинг аҳолиси X асрда 33-35 минг киши бўлган. Ипак йўли устида жойлашган Тоҳаристонда яна бир шаҳар Хуттал бўлиб, у Вахш дарёси ва Панж дарёси ўртасида жойлашган, маркази Ҳул бук, Хуттал, Чағаниён вилоятидан иборат бўлиб, 15 дан ошиқ шаҳарлари бўлган. Шунингдек Чағон-руднинг (Сурхондарёнинг) юқори оқимларида Ахарун вилояти: Панж (Жероб) ва Вахш (Сухроб) оралиғида Хутал (Хуталлон) ва Қабодиан вилоятлари: Кўкча дарё водийсида Бадахшон вилояти Вахон дарё водийсидан Вахон вилояти: Гунт дарё водийсидан Шиқинан вилояти: Ванг ва Ёзғулон дарё водийларида Керан (Рушон ва Дарвоз) вилояти жойлашган. Араб географларнинг шимолий Тоҳаристон ҳудудларида аҳолининг зич яшаганлигини шаҳар ва қашшоқлари кўп бўлиб, бу минтақада турғун яшовчи (туркий ва тожик) аҳолининг сони 3 миллионга яқин десак хато бўлмайди. Мазкур ҳудудда

кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий қабилаларнинг сони ҳам 300 мингга яқин десак, Тоҳаристон аҳолисининг сони 3 миллион 300 мингга етади. Шунингдек бу даврда Самарқанд вилоятида 1 миллион 280 минг, Бухоро воҳасида 2 миллион 700 минг, Қашқадарё вилоятида 850 минг, Устршона ва Хўжанд вилоятида 800 минг, Фарғона воҳасида 2 миллион киши яшаганлигини ҳисобга олсак, Моварауннаҳрда 10 миллион 450 минг, кўпи билан 12 миллион киши яшаган бўлиши мумкин.

Тожикистон Рес.ФА нинг академиги Раҳим Масов 1X-X асрларда Моварауннаҳр ҳудудида фақат тожиклар 32-33 миллион киши, ўзбекларга эса бир неча ўн минг киши бўлганлигини таъкидлаб ўтади. XX асрнинг 80-90 йиллари аҳолининг энг кўпайган даври бўлса ҳамки, Моварауннаҳрда яшовчи ўзбек ва тожиклар сони ҳали 32 миллионга етганича йўқ.

Хоразм 1X-X асрларда иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривож топиб деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик, халқлар бозор анча ривожланди. Истаҳри, муаллифи номаълум “Худуд ал-олам” Бартольд В.В. “Туркестан в эпоху монгольского нашествия” Ғуламов Я.Ғ. “Хоразмнинг суғориши тарихи” асарларида Хоразм бой шаҳар ва қишлоқларга, суғориш иншоотларига бой мамлакат бўлиб унинг Марказий Кат (Кас, Фир) (Беруний Кат шахрининг номини Фир (ал-Фир) деб беради. Бу шаҳар Амударё ёқасида, сувга яқин жойлашган бўлганлиги туфайли, уни дарё суви ўпиради. Милодий 983 йил шаҳарда деярли ҳеч нарса қолмайди. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар шаҳри бўлиб у 995 йил марказ Катдан Амударёнинг чап соҳили Гурганж (Гурганж-араб тилида ёзилган манбаларда Журжония, муғуллар ва турклар бу шаҳарни Урганж деб атайдиган)га кўчирлди. Хоразм иқтисодий, сиёсий, маданий марказ бўлиб, баланд ҳимоя деворлари билан ўралган. Йирик шаҳарларидан Миздаххон атрофида 12 мингга ҳовли қўрғонлар бўлган. Қалъалар тўғрисида фикр чегара кўриқчилари, Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида Хоразмликлар тили эронлик суғдийлар тилиги яқин

бўлган “Бу халқларнинг ой ва кун” номлари эронликларникига ўхшашдир, фақат оташпарасларини ойларнинг баъзиларининг бошланиши билан эронликлар ойларнинг бошланиши орасида тафовут бор” Хоразмларнинг лаҳжалари кўпинча суғдийларга яқиндир. Муқаддасийни ёзишича “Амул ва Фароб аҳолисининг тили Хоразм тилига ўхшаш, лекин сўзларнинг маъноси бухороликларникига яқин”. Бухороликлар I-X асрларда Суғд тилида гаплашганлар, Беруний Хоразмийликларни келиб чиқишини эронликларга боғлайди. Бу нотўғри тушунча, чунки илк ўрта асрларда хоразмликлар ўз тилига, ёзувига, ўз номига, онг сезишига эришган алоҳида халқ эди. Ўз навбатида Хоразм ҳудудида милoddан олдинги II-I аср ва милoddий I-II асрларда Хоразм воҳасига Амударёнинг Шимолийдаги ва Орол денгизининг жанубидаги чўлларга туркийзабон-хунлар жойлашган эди. Хоразм воҳаси милoddан олдинги II-I милoddий II-III асрларда Қанғ давлати тасарруфида бўлиб, Милoddий I-II асрларда Хоразмда алан ва ас (ос) қабилалари истиқомат қилиб кейинчалик улар Дон ва Азов бўйларига кўчиб кетган. Милoddий VI-XIII асрларга келиб Печенег ва Қанғлилар (қанғлар) Хоразмдаги туркизабон қабилалари билан аралашиб кетган. VIII-X асрларда сарик, ўз, аз каби қабилалар қарлуқларга тобе бўлишини истамай орол денгизини жанубий ҳудудига яъни Хоразмга яқин жойга келиб жойлашган VIII-X асрларда Сирдарёнинг қуйи оқими. Орол денгизни шимолий қисмида Хоразмга яқин жойларда Ғузлар (ўғузлар) жойлашган. Бу ҳақида Истахрий “Хоразмнинг шимолий ва Ғарбий ҳудудлари ғузлар чегарасига уланиб кетади” деб ёзган. Муқаддасий Хоразм воқасининг шимоли-ғарбидан пустақлардан бири бўлган житни (тит) .

12-Мавзу: X-XII асрларда Мовароуннахр ва унга туташ минтақаларда этно-маданий жараён

РЕЖА

- 1.Ўзбек элатининг ташкил топиши арафасидаги ҳолат.
- 2.Туркий уруғларнинг жойлашуви.
- 3.Кучманчи туркий қабилаларнинг ўтроқлашув жараёнлари.

Таянч сўзлар: айрим гуруҳлар, тил ва маданият, ҳудуд, этнослар, табиий кўпайиш, аралашув, қарлуқ, чигил, ясма, сомоний.

Усмон Турон “Туркий халқлар мафкураси”. Т. 1995. 33 бет (тайёр текст бор фойдаланиш. Турон турклар тўғрисида)

Қарлуқлар ва уларга қардош чиғил, халач ва бошқа қабилаларга мансуб кишилар келишган, чиройли бўлганлиги қайд қилинади. Ибн ал Фохих туркларнинг аслзода табақаси ва гўзаллари қарлуқларга тегишли эканлигини таъкидлайди.

Йақут ал-Ҳамави (“Муждам ал-булдан” М. ИС.ЦА. X-XIХ. 80 бет) (XI аср охири XIII аср бошлари) чиғилларнинг бетлари чиройли (буни X асрдаги сайёҳ Абу Дулефдан олган бўлиши керак). Қорахонлардан бўлган Қошғар хонлари (X аср) ҳақида сўз юритиб Йақут ал-Ҳамавий “Соқолли, тўғри бурунли ва катта (очик) кўзли кишилар” деб ёзади.

Жамол Қарший Қорахонийлар хони Буғраҳон Сатук Абд-ал Карим (955 йил вафот қилган) 12 ёшлигида ниҳоятда чиройли эди. Хутан аҳолисининг бети чиройли, катта (очик) кўзли кишилар эди. (Абу-л Фадл ибн Муҳаммад Джамал –ад-дин Қарши. “Мулҳакат ас-Сурах” перевод с пресидского. Р.Ш. Шарафутдиновой М.И.С.Ц.А. XX. С.105)

Кушон подшолиги, Кидарийлар ва эфталийлар давлати, Хоразм давлати, Туркеш хоқонлиги, Сомонийлар давлати, Қарлуқ (Қорахонийлар давлати танга пулларида подшо номлари, унвонлар, туркий халқ атамалари акс этирилган. Масалан тангаларда “Халач ўрдаси”, “Подшо хотин”,

“Подшо аёл” ва бошқаларда УП-УШ асрларда суғдий ёзув, Панжикентда УШ асрга оид “Туркеш хоқони давлатининг пули” деб суғд тилида ёзилган Танга кунлари Нумизматик фани ривожига бўлиб аجدод-авлодларни генеологиясини, кил томонидан қачон зарб этилганлигини аниқлайди.

Ўзбек элатни келиб чиқишни аниқлашда Х-ХШ асрларга хос адабий тилни аҳамияти алоҳида аҳамиятга эгадир. Этник бирлик 1Х-Х асрда шаклланган бўлса, унинг тили ҳам шу даврда вужудга келди. Бунинг Академик Шоназар Шоабдурахмонов ҳозирги ўзбек шевалярини уч гуруҳга бўлиб шулардан бирини қарлуқ лаҳжаси деб номлайди. (Ўзбек шеваляри ва уларни ўрганиш ҳақида умумий маълумот. Ўзбек халқ шеваляри луғати Т.1971. 397-404. Решетов ва Шоабдурахмонов томонидан 1978 йил чоп этилган. Ўзбек диалектологияси номли китибидан (40-41 бет) ҳозирги замон лаҳжаларидан бири Қарлуқ лаҳжаси деб аталади.

Н.А.Баскаков туркий тилларни бир неча типга бўлиб, қарлуқ тил гуруҳи Қорахонлар давлатида Х-Х1 асрларда пайдо бўлди. (Баскаков Н.А. Тюрские языки. М. 1961. С-177; Тюрские языки народов Средней Азии и Казахстана. Народы Средней Азии и Казахстана (серия «Народов мира») Т.1. М. 1962.

Шарқшунос олим А.А.Григорьев “Қорахоний” ибораси фанга шартли равишда киритилган дейди. Қарлуқ диалекти 1Х-Х асрларда ўзбек аждодларининг алоҳида элати бўлиб шаклланди. Бошқа элатлар билан бирга Қарлуқ қабила уюшмасига чигил, халач, либан ва бошқалар киради.

Маҳмуд Қошғарий туркий тиллар ҳақида гапириб бунинг ичида энг очик ва равон тил хоқонликлар тили дейди. А.К.Боровков “хоқонлик”лар тили деб “Қорахонлар” давлати таркибдаги тилларни айтади. (Очерки истории Узбекского языка: 1983 М.) Тилшунос К.Маҳмудов яғмо қабила тилида сўзлашуви халқларни хоқония авлоди дейди. Хоқония тили яғмо қабиласига нисбий берилган деб қайд этилади. Бу фикр В.В.Бартольд томонидан қўйилган хатоликка асосланган. В.В.Бартольд номаълум

муаллиф томонидан ёзилган. “Муджмалат-таварих” асарга асосланиб Қорахонийлар “буғра” унвонига эга бўлган яғмо қабиласидан чиққан деб ёзади. Бир ҳудудда яшовчи элатлар ёки уларнинг айрим гуруҳлари бир-бирлари билан доимий иқтисодий ва маданий жиҳатдан яқинлашиб, бир тилда гаплашиб, қавм қариндош, юртдош бўлиб қолган. Шунингдек бошқа вилоятдан, мамлакатдан (мигрантлар) ҳал элатни ташкил топишида фаол қатнашгани этносларни ўзаро яқинлашишда маълум бир этник гуруҳ ёки компонент ҳал қилувчи таъсир кўрсатиб, ўз атрофига бошқа этник гуруҳларни жипслаштириб, тил ва маданият жиҳатдан яқинлаштиради. Лекин этносларни жипслашиши ҳамиша ижобий бўлмайди. Чунки ички низолар, сиёсий зиддиятлар туфайли бирлашаётган этнослар тарқалиб ҳал кетган.

Этнослар бирлашаётганда улар аниқ бир ҳудудда бирлашиб, иқтисодий, маданий жиҳатдан яқинлашиб, бир-бирлари билан қоришиб бирт тилда (лаҳжалар) сўзлашиб, умумий онг сезиш ва элат номига эга бўлиши. Элатни шакллантиради. 1X-X асрда Марказий Осиё аҳолисини асосий қисми туркийзабон бўлиб, бир қисми азалий турғун, иккинчи қисми кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт кечирган. Турғун аҳоли бир неча йўналишда кўпайиб борган. А) табиий кўпайиш (туғулиш) йули билан. 2. Бир тилда гапирувчи этник гуруҳларни кўшиши. 3. Туркий забон бўлмаган бошқа тил туркимидаги этник гуруҳларини туркийлашиши табиий кўпайиши ўғул қиз, тарбия, бурчи муқаддас туйғу. Табиий кўпайишнинг хавф-хатарли, юқумли касаллик, чечак, безгак, буғма, сарик, қизамиқ, ичбурғ, вабо, тиф касаллиги.

2.Уруш, ички низо, феодал-задогон, ўзаро зиддият она-отадан болаларни ажралиб қолиши. Араблар Хуросонни забт этгач (716-717 йй) Дихистон туркларидан 14 минг кишини, Журжондан 40 минг кишини қатл этди. Исмоил Сомоний 893-894 йил Тароз шаҳрини босиб олиб қарлуқ

туркларнинг хони Танкязни хотин-бола чақаларни ва улар билан бирга 15 минг кишини асрга олиб, 10 минг кишини қатл этди.

XIII-XIV асрлар ўрталарида Мовароуннаҳрда ижтимоий-сиёсий вазият мураккаблашиб, иқтисодий таназзуллик натижасида сиёсий вазият анча заифлашди. Бу даврда ўзбек элатининг ижтимоий-иқтисодий маданий жиҳатдан мустаҳкамланиб бориши турғунлик ҳолатига тушиб қолди. Ўзбек элатининг шаклланишига ҳисса қўшган кўпгина маҳаллий ўтроқ, кўчманчи, ярим кўчманчи аҳоли мунғул босқини ҳамда аср қилиб олиниб, чиллари томонидан қириб ташланди, шаҳар, қишлоқ ва овуллар вайрон қилиниб, моддий ва маънавий маданият таланиб, миллий руҳ ҳамда миллий ўзликка жиддий талофат етказилди. Моварауннаҳр ҳудудига бостириб кирган мунғуллар босқинчилик натижасида маҳаллий аҳолининг тўртдан уч қисми, қириб ташланиб, асрга олинган бўлса, қолган жон сақлаб қолган маҳаллий халқ (ўзбек ва тожиклар) оғир иқтисодий шароитда яшаганлар. Қолган маҳаллий аҳоли молидан, ердан ажралиб, оғир иқтисодий шароитда деҳқончилик қила олмадилар. Мунғиллар жабр зулмидан қийналган маҳаллий ўтроқ халқ очлик, қашшоқлик, турли хил касаллик, миллий-маънавий камситиш натижасида оилавий қирилиб жуда кам сонли бўлиб қолди. Ана шундай оғир шароитда мавжуд ўзбек этник гуруҳлари кўпчилиги мунғул ҳужуми таъсирида ўз этник номларини, шеваларини унитиб юбордилар. Энг ачинарлиси ўзаро курашлар таъсирига берилиб, сиёсий жиҳатдан заифлашган қолган маҳаллий этник гуруҳлар, унинг мукамал она тилини, маданиятини, ягона сиёсий иқтисодий, географик ҳудудини, маънавий урф-одатлари, қадриятларини, диний ахлоқий тафақурини тўлиқ шаклланишини, мукамал ўзбек миллатини пайдо бўлишини анча асрлар орқага суриб ташлади. Тарихий тараққиёт ҳамиша миллий ўзликни, миллий онгни, миллий ҳамжиҳатликни, урф-одатлар, қадриятларни мукамал ривожлантирган, ўз

юрти, она заминни муқаддас билган, миллат ору-номусини чуқур англаган халқни юксакликка олиб чиққан.

XIII-XIV аср ўрталаридаги Мовароуннаҳрдаги этник ҳолатни шакллантириш тўғрисида бўлган ўзаро миллий зиддият, келишмовчилик, сотқинлик, миллий хоинлик, мансаб учун кураш, ўзбек этник гуруҳларидаги ўзаро келишмовчиликлар ушбу ҳолатни келтириб чиқарди. Натижада этник қиёфада мунғул босқини туфайли монголоид белгилар ўз ифодасини табиий топди. Чунки ҳимоясиз қолган, тинимсиз жаб-зулмга тортилган, миллий камситилган маҳаллий халққа мунғул истилочилари ўзларининг мажбурий никоҳ қонун қоидаларини ўтказиб, этник қиёфада ўтишига таъсир ўтказди.

Мунғул истилоси таъсирида XIII асрнинг 60 йилларида Маркзий Осиёда Чиғатой давлати ташкил топиб, бу давлат ҳудудига Ила дарёсининг жануби-шарқий минтақаларидан то Амударёни юқори қисмигача бўлган ҳудудлар кирган эди. Чиғатой давлати XIV асрнинг 40 йилларга келиб шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб, Сирдарё ҳар икки давлат ўртасида чегара бўлиб қолди. Рус Шарқшунос олими академик В.В.Бартольд Чиғатой давлатининг Еттисув ва Шарқий Туркистонда яшовчи қисмидаги аҳолини мунғул қабилаларини турклашган бўлишига қарамай, қадимги мунғул анъаналарини ҳанузгача сақлаб қолган деб ёзма маълумот қолдирган. Шарқий мунғул турклашган қабилалар Мовароуннаҳрда яшовчи қардош мунғул турклашган қавмларини менсимасдан қараунас, яъни аралашган (метис) халқ деб атаганлар. Академик В.В.Бартольд фикрини давом эттириб Мовароуннаҳрда яшовчи туркийлашган мунғул қавмлар еттисувда ва Шарқий туркистонда яшовчи кўчманчи мунғул қабилаларни писанд қилмай жете (жета) яъни босқинчилар деб атаганлар.

Мовароуннаҳрда маҳаллий ўтроқ туркий халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиёти натижасида “мунғул” туркий атама сиқиб

чиқариб, маҳаллий халқ Чиғатой давлати номи билан ўзбек ва тожиклар ўзларини “Чиғатой” деб атай бошладилар. Мунғуллар ҳукмронлиги даврида XIII-XIV асрнинг ўрталаригача Мовароуннаҳрига мунғул ва турклашган олчин, дуғлат, мунғул, сулдуз, ўйрот, бахрин, маркит, манғич, кўнғрот ва бошқа қабилалар кўчиб келиб ўрнашдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки кўчиб келган турклашган қабилалар маҳаллий ўтрок аҳолига нисбатан унча кўп бўлмаган ҳамда кўчманчилик билан турмуш кечиришган. Ўз навбатида ушбу туркийлашган мунғул қабилалари ярим ўтрокликка ўтиб, чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик ҳам қилишган. Маҳаллий ўтрок халқнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий турмуш тарзи кўчманчи бўлганлиги сабабли кўчиб келиб жойлашган мунғул қабилалари XV асрнинг ўрталарида туркий тилни, урф-одатларни қабул қилдилар.

Маҳаллий ўтрок ўзбек аҳолиси узоқ давом этган этномаданий жараёнларда илк ўзбек аجدодлари бўлган туркий этносларнинг суғд-тожик ва бошқа халқлар билан аралашиб қоришиб бориши жараёнида шаклланиб, бу жараён XIV-XV асрларда янада кенгрок давом этди. Ўтрок аҳолининг асосий қисмини ўзбек ва тожиклар ташкил этиб, бу аҳоли деҳқончилик, чорвачилик, савдо-сотиқ ҳамда қисман чорвачилик билан шуғулланганлар. Бу даврда кенг тарқалган сарт атамаси этник ном эмас, маҳаллий аҳолининг маълум гуруҳлари ўзларини турк этник ном билан қадимдан атаб келган. Турк ҳоконлиги инқирозидан кейин турк элати тарқалиб кетди. Фақатгина маълум қисми турк этник номини XIV-XV асрларда сақлаб қолган. “Турк” ёки “турк элати” турк этник гуруҳга нисбатан кенг маънода қўлланилган. Муқим яшаган аҳолининг асосий қисми XIV-XV асрларда туркийзабон этнослардан иборат бўлиб, булар аллақачонлар этник бирлик шакланган ва кейинчалик ўзбек номини олган, узоқ тарихга эга бўлган халқ эди.

Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ўрганишда тилшунос олимларнинг ҳам алоҳида хизматлари бўлиб, бу борада ўрта асрлардан буён муҳим аҳамиятга эга бўлган асарлар яратилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ўзбек халқининг шаклланишга оид манбалар X-XIII асрларга хос тилшунослик ва адабиётга оид асарларда таҳлил этилган бўлсада, ўзбек тилининг пайдо бўлишига қайси қабила ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилди деган жавоб ханузгача ўзининг илмий асосини топгани йўқ. Бироқ олиб борилган тарихий-этнографик тадқиқотлар натижасига асосланиб IX-X асрлар ўзбек аجدодларини алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланиш даврида, унинг элат тил ҳам шаклланганлиги илмий асосланди. Тилшунос олим Академик Ш.Шоабдурахмонов “Ўзбек халқ шевалари луғати” асарининг ўзбек шевалари ва уларни ўрганиш ҳақида умумий маълумот бўлишида ҳозирги ўзбек шеваларини унинг гуруҳга бўлиб, шулардан бирини қарлуқ тили туркий тиллар ичида илк ўрта асрларда пайдо бўлганлигини изоҳлаб ўтади.

Тилшунос олим профессор Н.А.Баскоков қадимги туркий тилларни ўрганиб, уларни бир неча гуруҳларга бўлади. Ушбу тиллар ичида қарлуқ тилини X-XI асрларда Қорахонлар давлатни тили бўлган деган хулосага келди. Бироқ тарихда маълумки Қорахонийлар давлати X-XI асрда эмас, IX-X асрларда ташкил топган. Шарқшунос олим А.Григорьев “Қорахоний” иборасини тарих фанига шартли равишда киритган. Ўзбек тилини шаклланишда асосий рол ўйнаган аجدодларининг алоҳида элат бўлиб шаклланиш даври билан бир вақтда шаклланган. Қарлуқ диалекти асосан қарлуқ қабила уюшмасига кирган қабилалар (чигил, холач, лабан ва бошқалар) ташкил қилган. Элат тили бўлиб шаклланиш давомида қарлуқ тили таркибига уйғур, туркеш, арғу, тухси, ўғуз, кипчоқ ва бошқа қабилалар ва қабила лаҳжаларидан ўтган сўзлар ҳам оз бўлмаган. Қарлуқ тил диалектининг шаклланишида ва тараққий этишида маҳаллий турғун

аҳолининг (хусусан Фарғона водийси, Тошкент воҳаси, Чимкент вилояти) тили таъсири ҳам сезиларли даражада бўлган албатта.

Туркий тилларни мукаммал ўрганган Маҳмуд Қошғарий туркий тиллар ичида энг очиқ ва равон тил, ҳокония ўлкасида яшовчилар (ҳоқонликлар) тили деб ёзган. Этнограф олим А.К.Боровков туркий тилларни чуқур ўрганиб “ҳоқонликлар” тили деб “қорахонлар” давлати таркибига кирган туркий қабилаларнинг тилларидир” деган фикрни билдиради. Ушбу фикрни этнограф олим К.Шониёзов тўлиқ қўллаб-қуватлайди. Этнограф олим тадқиқотчи, туркий тилларни чуқур илмий ўрганган О.Прицак Қорахонлар сулоласини ташкил этган қарлуқ қабиласи бўлганлигини илмий асослаб берган. Ушбу давр манбаларига, кейинги олиб борилган илмий тадқиқотларга асосланиб 1X-X асрларда ўзбек элатини тилини шаклланишга қарлуқ тили асосий устувор йўналишини ташкил этган деган хулоса илмий ҳақиқатдир.

Маҳаллий ўтроқ туркий аҳлқларнинг ўзаро ижтимоий-иқтисодий, маданий алоқалари, қўшни халқлари билан муносабатлари, чет эл босқинчиларига қарши олиб борган курашлари натижасида моддий-маънавий маданияти ривожланади ҳамда мукаммал ютуқларга эришилди. Энг муҳими адабий тил ривожланиб, тилшуносликка оид адабиётларда “туркий” ёки “чиғатой” тилидаги адабий-бадий асарлар яратилди. ХУ асрнинг иккинчи ярмида тараққий этган ўзбек адабий тил Алишер Навоий даврида энг юқори нуктага кўтарилди. Тилшуносликка оид адабиётларда XIV-XV асрлардаги ўзбек адабий тили шартли “чиғатой” ёки “эски ўзбек тили” деб номланган. Бу ҳар икала ибора шартли қабул қилинган бўлса, ўша даврдаги ўзбек адабий тилни тўла тавсифлаб беролмайди. Ўрта Осиё туркий халқларининг тили “турки” тил дейишган, бу ибора ҳақиқатдир. Лекин Мовароуннаҳр ва унга туташ аҳолининг “турки” тилини Усмонли турклар тили билан аралаштириш мумкин эмас деб ёзади Академик К.Ш.Шониёзов. ХУ аср иккинчи ярмидаги “туркий” тил кўп диалектли

бўлиб, адабий тилдан анча фарқ қилган. Чунки кўп сонли туркий этнослар шевалари лаҳжасидан бир-бирлардан қисман фарқ бўлган. Шунингдек ўша даврдаги туркий адабий тил таркибида тожик ва араб сўзлари кўпроқ қўлланилган. Туркий аҳолининг жонли тилида учта асосий шева-қарлук, кипчоқ ва ўғуз диалектлари мавжуд эди. Бу учта шева Ўрта Осиёнинг Марказий ҳудудларига турли тарихий даврларда пайдо бўлиб, қарлук ва ўғуз шевалари энг қадимгиси бўлиб, XIII-X асрларда шаклланди. Мовароуннаҳр ва Хоразмда XI асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлган кипчоқлар XIV-XV асрларга келиб ўзларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий сиёсий таъсири натижасида кипчоқ шеваси ўзбек халқининг жонли тилга асос солди. Тадқиқотлар тарихий, бадиий адабиётларни чуқур илмий ўрганиш натижасида ўзбек адабий ва жонли тили тожик тили билан яқин алоқалар натижасида ривожланган. Сурхон воҳасини Кўҳитанг, Бойсун, Ҳисор тоғ тизма йўналишидаги туркий аҳолини маълум қисми тожик тилида сўзлаша билганлар. Ўқимишлилар ўзбек зиёлилар тожик тилида ёзганлар, адабий ва тарихий асарлар яратганлар.

13-Мавзу: XII-XVIII асрларда Мовароуннаҳр ва унга туташ

минтақаларда этно-сиёсий аҳвол.

РЕЖА

1. Ўрта Осиёдаги ижтимоий –иқтисодий ва сиёсий жараёнлар.
2. Муғуллар истилосининг миллий менталитетга салбий таъсири.
3. Темурийлар давридаги этник ҳолат.

Таянч сўзлар: Ўзбек атамаси, муғул, кўчманчи қабаилалар, ўртоқ аҳолининг турғунлик ҳолати, мадаият, чиғқтой тили, ёзуви. Темурийлар даври, Шайбонийхон, кўчманчи туркий халқлар.

Ўзбек уруғлари

Бугунги ўзбеклар, Шайбонийхон ўғилларининг ўзбеклари Мовароуннахр ва Хоразмга Жўжит улусининг бутун муассасалари ва ташкилотлари билан келган эдилар. Ҳатто ҳукуматда қабилаларнинг эгаллаган ўринлари ҳам кўпайганди. Ўзбеклар темурийларни енгар экан, ҳар ерда ўзларининг ташкилотларини ўрнатдилар. Шундай қилиб, Олтин Ўрданинг “ич эли” ҳисобланган ва саройга яқин ҳамда яхшигина маданиятли унсурлар ҳам келган эдилар. Бунинг ила баробар Мовароуннахрга келган шайбонийлар, тарихчи Ўтамиш Ҳожининг таъбирига кўра, эскидан “ўзбек эли”... манғитларнинг ўтроқ улуси яшамоқда бўлган Туронзаминда, том маданий қисм заминидида ҳоким бўлган халқдир. Маркази “Оқ кўл”, “Чалқар кўл” бўлган Тўрғай вилояти шайбонийлар кўлига ўтган. Илгари, бу ерларни, кейин Сирдарёнинг нариги чегараларини ва 1431 йилдан Хоразмда умр кечирган Абдулхайрхон “Турон ва бошқурт” тарафларини шайбонийлар кўлидан ва Фарбий Сибиряни Махмудбекхоннинг кўлидан олган эди. Бу зот давлат идорасини Жўжи улусининг жануб ва шимол тарафидаги зироат соҳаларига қаратиб, ўтроқ ўлкаларга айлантирмоқ сиёсатини тарғиб этган эди. Зотан замоннинг буюк олимларидан Ҳусайн Хоразмий бу хоннинг номига атаб туркча гўзал бир асар “Қасидан Бурда” ни ёзган эди. Маъсуд Кўҳистоний деган бир одам ҳам унинг ҳаётини тавсия этган бир форсий тарих китобини битган экан.

Ўзбекларнинг катта бир қисми ХУ1 асрда Зарафшон ҳавзасида ва Хоразмда ўтроқ ҳаётига (ўтаётган бўлсалар керак) ўтди. Булар яна Сирдарё ҳавзасида ва Турон тарафларида яшаган вақтида ўтроқ ҳаётга ўтаётган бўлсалар керак Шайбонийхон эса Сирдарё ила Аштархон орасида етишган бир султондир. Шайбонийдан кейин Моварауннахрга келган авлодларидан Маҳди ва Ҳамза султонлар илгари Туронзаминнинг қалъа ва истеҳкомларига ва маъмур қисмларига эга бўлган Бахтиёр Султоннинг

ўғиллари эди. Улар билан келган ўзбеклар сўнгги темурийлар замонида келганликлари айтиб ўтилади.

Қабила тузилишига кўра “Ўзбеклар”ни ҳар ерда тўқсон икки бов ўзбек деб атайдилар. Бов-бу қабила демакдир. Бошқуртлар ичида шундай бов бор: “Ўн икки бовли бошқурт” дейдилар. Ўзбекларда 92 қабилавий бир “Насабнома” бордир.

“Насабнома” нинг ХУ1-ХУП асрларда ёзилган нусхалари билан янги нусхалари орасида фарқ жуда оз. (Масалан, Охунд Курбонали ва Хаников ҳамда Шайх Сулаймон нашрлари) шубҳа йўқдирки, “Насабнома” ўзбекларнинг Олтин Ўрда замонидаги янги Манғит-Нўғой ва қозоқлар айрилмасдан илгариги ҳаётига оиддир. Бу қабилалар шулардир;

Минг, Юз, Қирқ, Унгажит, Наймон, Қипчоқ, Арғин, Бурлоқ, Буслоқ, Чемарчин, Бўзай, Қатай (Хитой) Жит, Жуют, Салжавут, манғит, Қнғит, Оймавут, Улажи, Гулеген (?) Қишлиқ, Томо, Мечет улусига келган мўғул қисмларини ташкил қилган монголлардир. Монголга мўғул қисмларини ташкил қилган монголлардир. Монголга мўғул қисмларини ташкил қилган монгололардир. Монголча аталган қабилаларнинг катта қисми бу ерда. Мовароуннаҳрда ва Хоразмда яшайдилар. Анъанага шаклидаги бу “Насабнома” бизга Моварпоуннаҳр ва Хоразм ўзбекларининг мазкур рўйхатга кирган тўла қабилаларини, уш билан бирга Олтин Ўрданинг асл истинодгоҳи бўлган бутун кучларни кўрсатувчи ва барча ташкилотларнинг ҳаммасини Мовароуннаҳрга баробар дахлдорлигини намоён этса керак. Қабилаларнинг бугунги бўлиниши қуйидагича;

1.Қўнғирот қабиласи. Бунинг катта аймақлари беш тармоқ бўлиб, биринчиси; Қанжиғали, у 14 тармоқдан иборат; Ўрис, Қоракурсқ, Чўллик, Қуён, Қулдовли, Милтек, Кўр тўғи, Гала, Тўпқора, Қорабўз, Нўғой, Билгалик, Дўсталик, Иккинчиси; У юнли аймағи: 9 тармоқдан иборат; Оқ тана, Қора Чуран, Туркман, Қувук, Бешбола, Қорақалпоқ, Қажай, Хўжабача, учинчиси Қўштамғали аймағи 9 тармоқдир; Қўлоби, бармоқ,

Гўжахўр, Кўл-Чубурғон, Қорақалпоқ, Қўштамғали, Сафарбиз, Дилбари, Жачақли, тўртинчиси Оқтамғали аймағи 7 тармоқдир. Тортувли, Очамайли, Қозонжили, Ўйкули, Бўкачли, Қиюғали; Бешинчиси Қир аймағи беш тармоқдир; Гузили, Кўсавли, Тере, Балиқли, Куба.

Қўнғиротнинг бутун уруғи шуъбалари тармоқлари Амударё ҳавзасида, Бухоронинг Ғузор, Шеробод, Қўрғонтепа вилоятларида бўладилар. Бухорода кўчманчи умр кечирадилар, Хоразмдагилар эса ўтроқлашдилар. 2. Нейман қабиласи, бунинг аймағи учта; Қўштамғали, Увақтамғали, Садир, Хоразм ва Самарқанд атрофида бўладилар.

3.Кенағас беш аймақдан иборатдир:қаюрасали, кароқли, очамайли, Жикқут, Абоқли. Булар Хива ва Шаҳрисабз атрофида бўладилар.4.Манғит, оқ манғит, Қора манғит, Булар Хива ва Қарши атрофида бўладилар. 5.Пуёқли, Самарқанд ва Каттақўрғон туманларида бўладилар. 6.Мўйтан, Самарқанд ва Катта қўрғон туманларида бўладилар.7. Сарой, шаҳрисабз, Яккабоғ ҳудудида ўрнашган. 8.Борин. Фарғона вилояти ва Каттақўрғон туманларида яшайдилар. 9.Хитой.10. Қипчок, Самарқанд, Каттақўрғон туманларининг муҳим жойларини эгаллаганлар Хива ва Фарғонада бўлар озчиликни ташкил қиладилар. 11. Минг. Самарқанд Панжакент, Жиззах тарафларида ва Фарғонада бўладилар. 12.Уч уруғ; Мисит, Томо, Ёбу, Бухоронинг Зиёвуддин ҳудудида яшайдилар. 13. Бурқут, ислак ва Кармана атрофларида 14.Арлот, Қора сингир, Оймовут, истек ва Самарқанднинг шимолида Оқтепада бўладилар.15.Қанғли Жиззах ҳудудида, 16.Қирқ, юз, Минг Жиззах туманида, 17 Батош, Қарши, Ғузор тарафларида яшайдилар. 18.Қорақалпоқ беш аймақдан иборат; Қорақўйли, қора сингир, оймовут, ситек, очамайли. Булар Амударё ҳавзаси ва Самарқанднинг шимолида Оқтепада бўладилар.

Ўзбекларнинг эски шеваларини ва одатларини ўзига хос тарзда сақлаганлари, асосан Жиззах туманида бўладилар. (Қирқ, Қанғли, Солиқ, Турк, Туркман, Найман, Манғит, Қитойюз, Сулоқли, Туёқли, Олача,

буркут, Серкали, Баймоқли, Жалойир, Қирғиз, Юз, Қуён, туёқли, Парчаюз, Қарабча, Қушчи, Ўроқли, Тўқжори, Қўштамғали, Сарой, Қанжиғали). Фақат бу қабилаларнинг нуфузи жуда оздир. Шарқий Бухорода кўчманчилик ҳаётини тўла тарк этмаганлар. Душанба атрофида “Лақай”, “Марқо кичик юз, Файзобод атрофинда “Қарлуқ” каби қабилалардир.

XIX аср бошларида Ҳиндистонлик Мир Иззатуллоҳ тарафидан афғон Туркистонидаги ўзбеклар ҳақидаги тартиб этилган жадвал бироз эътиборга молик. Бунга кўра, у ердаги қабилалар қуйидагилардир. Шибирғон яқинидаги Сарипулда Минг қабиласининг Очамайли ва Қазайоғли, Минг, ундан қийроқда кипчоқ уруғи, Қундузда тамоман Қатағон, Балх ҳудудида Сарой ва Муйтан уруғлари, Бадахшонда Эшкалиш ва қатағонларнинг Бурга номли аймақлари яшайдилар. Норинда Чиғатой уруғи. Мир Иззатуллоҳ уруғи Мўйтан ва Қатағон уруғларининг аймақларига оид белгиларни беради. Муйтан етти аймақдир; Мўйтал етти аймақдир; пиликхона, кўрмишли, қазайоғли, чағар, сўм, оқ шайик, чучен, қатағон уруғи эса уч аймақдир. Беш қабан, салжовут тўртота. Беш қабаннинг тўрт бўлагибор; Лаққа (лақай), янги Қатағон, Кесмавир, Қаён, Манас, Кесмавирнинг тўрт тираги бор: оқ тоғлиқ Андижони, Қаласи, Бумин, манаснинг уч тираги бор: пимели, сарбағиш, бурга; тўрт отанинг тўрт бўлаги бор; сарик Қатағон, чурок, Бошсиз, мардод, чуроқнинг икки тираги бор. Қиз отизи шўланг, мардоднинг уч тираги бор; йўчата, Бўзон, жўтудуқ ўзбек қабилалари ичида аристократ “бекзод” лақабини олганлар бор. Булар хонларнинг тахтга чиқиши ва мамлакатни бошқаришда фаол иштирок этганлар. Булардан Хивада Қиёт-Қўнгирот, йўғур-Найман, Қанғли-Қипчоқ, Нукус-Манғит қабилалари, Бухорода эса Шайбонийлар замонида қушчи, найман, қарлуқ, буйрак қабилар. Манғитлар замонида (Радловга кўра) Минг, Арлот, Борин, Баташ уруғлари маъруф бўлмишлар. Қатағонлар даврида “Бекзод” лар сайлаганлар. Уруғлар ичида туёқли, мўйтан, хитой, манғит ва қўнгиротларнинг Бухородаги аксарияти дашти

кипчоқдан энг кейин келган уруғлардир. Булар илгариги манғит Нўғой. Қозоқ хайъатларига доҳил бўлиб, кейинчалик Мовароуннаҳрга келганлар.

А.Темур вафотидан (1405 йил 18 феврал) кейин ворислар ўртасидаги кураш. XV аср бошларида ўзбек номи билан маълум Шайбонийхон бошлқи дашти кипчоқлар давлатини таъсири. “Ўзбек” атамаси XIII аср охири XV аср бошларида Даштикипчоқда ҳам унинг Шарқий қисмида Оқ Ўрдада яшовчи кўчманчи қабилаларнинг умумий номи бўлган. Оқ-Ўрда ҳудудида XV асрнинг биринчи чорагида кўчманчи ўзбек давлати ташкил топган. Оқ-Ўрда таркибига Сирдарёнинг Ўрта ва қуйи оқимларидан ташқари яъни ҳозирги Қозоғистон ва жануби-ғарбий Сибир ерлари кирган Оқ-Ўрда давлатни Чингизхон наслиги мансуб Абулхайрихон бошқарди. (Герков Б.Р. Якубовский А.Ю, Золотая Ўрда и ее падание. М.Л.1950 с 296, Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. М. 1965. Ўзбек улуси Т. 1992) 1510 йил Эрон шоҳи Исмоил бўлган жангда Шайбонийхон ҳалок бўлади. Натижада Шайбоний авлодлари ўртасида кураш чиқиб Балх, Ҳисор, Бадахшон, Самарқанд, Тошкент каби мустақил марказий бошқарув шаклланди. 1560 йил Бухоро тахтига Абдуллахон II ўтигач марказлаштирилган давлатни тузди. Муҳаммад Раҳимбий Оталиқ (1753-1758) Манғитлар сулоласига асос солди. XV1-XVIII асрларда Мовароуннаҳр аҳолисининг асосий қисми турғун аҳолини ташкил этди. Суғорма деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланган. Хўжалиги ҳақида XV1-XVIII асрларда абдол, қарлуқ, қанғли, аз, ўз ва бошқа қабилалар этник номларини сақлаб ярим ўтроқликка яшадилар. Қудуқ ва қоқлар билан суғориш амалган оширилган. Қоқ дашт чўларида чорвадорларнинг асосий тақир манбаларидан бири бўлган. Қоқтақир ерларда бўлар эди. Бунинг учун тақирни ҳовузга ўхшатиб (тахминан 7х7 м) одамни кўкрагидан келадиган чуқур кавлаб, теварагини пахса девор билан кўтарар эдилар. Баҳорда теварак атрофда оқиб келадиган ёмғир суви чуқурга (қоққа) тўпланган. Қоқдаги сувдан мол

суғорилган чорвадорлар ҳам ичиш учун фойдаланган. “Илк ўрта асрларда Мовароуннаҳрда кўчиб келган туркий қавмлар сони тахминан 100 мингдан ошмас эди. Чунки Мовароуннаҳрга келган туркий қабилаларни кўпчилиги Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ва Озарбайжонга қолиб яшаб маҳаллий халқларга қўшилиб кетган. Масалан Борлосларни катта қисми Афғонистон Дехли, Кашмирда, Арлот, қипчоқ, найман, мунғил гуруҳлари яшаган. Шайбонийхон даврида 1501-1502 йилларда Хоразмни эгаллаб Қият ва Болдинсоз шаҳарлари аҳолисини Мовароуннаҳрга кўчирган. Шунингдек XV асрда Бухоро амирлари Хоразмга юриш қилиб, кўпчилик хоразмликларни Ҳисор, Бухоро, Самарқанд, Тошкентга кўчирганлар. (А.Яздий “Зафарнома” Т. 1997. 119 бет)

Кўчириб келтирилганлар ўзларини “Хоразмлик”лар деб атайдилар. Хоразм аҳолисини асосий қисмини туркманлар ташкил этиб, улар мамлакатнинг жанубий-шарқий қисмида яшаганлар. Хоразмда яшаган пегенез, қипчоқ, чоғрак каби кўчманчи туркий қабилалар маҳаллий аҳолига қўшилиб ярим ўтроқ халққа айланиб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Дашти қипчоқда туркий ва туркийлашган мунғул қабилалари ўртасида доимий тарзда тўқнашувлар бўлиб туриши натижасида Абулхайрихон бошқарган “Ўзбек давлати” бўлиниб кетди. Волга ва Урал дарёлари оралиғида мавжуд бўлган Манғит қабилалари XV асрнинг иккинчи ярмида Нуғой Ўрда номи билан этно-сиёсий давлатни туздилар. XV асрда Нуғой ўрдаси шимолида мустақил Сибир хонлиги ёки Тумен хонлиги ташкил топди.

Кирейхон ёки Жонибекхон бошлиқ ўзбек қабилаларининг бир қисми (икки юз мингча яқини) Абулхайрхон ҳаётлигидаёқ Чу дарёси воҳасига кўчиб бориб 1466 йилдан бошлаб мустақил ҳаёт кечирадилар. Бу қабилалар қозоқи номини олган (материалы по истории казахские ханства XV-XVIII веков Алма-Ата. 1969. –С214)

Чу воҳасидаги туркий қабилалари қозоқларга қўшилиб XV1 аср охири XVII аср бошларида қозоқ халқи олиб борди. Дашти қипчоқ қабилаларни кўпи Моварауннҳарга кўчиб ўтиб, Шайбоний улуси XIII асрнинг биринчи яримларида Орол денгизининг Шимолий минтақаларидан то Сирдарёнинг қуйи оқимларигача бўлган ерларни Жўжихоннинг ўғилларидан бири Шайбон бошқарган. Шайбон ўрдаси Урол, Илек, то Сирдарёнинг қуйи оқимларигача бўлган ҳудудларда кўчиб юрган.(Семенов А.А. К вопросу о прожхождений и составел узбеков Шайбонихона С8-9, Б.А.Ахмедов “Ўзбек улуси” Т. 1992 й 33-бет) Шайбон улусининг чегараси Оқ ўрда улусининг чегараси билан деярли тўғри келган. (Греков Б.Р., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падание С-305) Ўрда асрлардаги манбаларда ҳар иккала улус (Шайбон ва Оқ ўрда) баъзан Шайбон ёки Шайбонийлар улуси деб тилга олинади. Этно-сиёсий бирликларнинг этник тартиби- Манғит, қозоқ, қипчоқ, қанғли, қўнғирот, найман, уйшун ва бошқа қабилалар ташкил этган. Ўрдадаги ва турклашган мунғул қабилалари умумий ном билан “ўзбек” деб аталган. Фазлулоҳ ибн Рўзбекхон “Меҳмонномаи Бухоро” китобида дашти қипчоқ ўзбекларни уч тоифага бўлган; Шайбонийлар қўл остидаги қабилалар; дашти қипчоқнинг Шарқий қисмига кўчиб кетган қозоқлар; манғитлар. Бу этно-сиёсий бирликларнинг хонлари бир-бирлари билан келишмасдан доимо рақобатлашиб келганлар. XV асрнинг иккинчи ярим XV1 асрнинг биринчи чорагида ҳам қозоқлар ўзларини “ўзбек-қозоқ”лари деб атаганлар. Қозоқлар ўзларини дашти қипчоқ ўзбекларининг бир қисми ҳисоблаганлар. XV1 асрнинг ўрталаридаёқ қозоқлар алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклландилар. Шайбоний хон ҳарбий юришларида унинг бобоси.

14-Мавзу: XIII-XV асрларда Мовароуннахр аҳолисининг этник таркиби.

РЕЖА

1. Муғуллар истилоси арафасидаги этник ҳолат.
2. Муғуллари истилосининг оқибатлари.
3. Ўтроқ аҳолига кўчманчи туркий- мунғул қабиаларнинг таъсири.

Таянч сўзлар: Муғуллар, туркий кўчманчилар, мунғул қабаилаларни жойлашуви, миллий маданиятдаги муаммолар, элатнинг сиёсий зайифлашуви, ўтроқ аҳолининг турмуш тарзи, маданиятдаги уйғунлик.

Муғуллар истилосидан кейин XIII асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннахрда жалойир, барлос, қовгин ва арлат этник гуруҳлар биринчилардан бўлиб келган.

Жалойирлар-Ангрен ҳавзасига ва Хўжанд атрофларига келиб ўрнашдилар Рашид ад-дин ва Абулғозий фикрча жалойирлар дестлаб Омон дарёси бўйида яшаган. XIII аср биринчи ярамида бир қисми Ила дарёси ҳавзасида кейин XIII асрнинг 60 йилларида ҳозирги Ангрен ҳавзасидаги жойлашди. Рашид ад-дин жалойир қабиласи таркибида куриқин (бўри) тулангит, тури (бўри) этномиклари ҳам бўлган. Куриқин ёқут ва енисей қирғизлар (хакослар)нинг аجدоди туркий халқлардир. Тулленгий теле (теленгит) ҳам туркий бўлиб Олтойда ва Сибирнинг бир неча минтақларида яшаган. Жалойирлар Амир Темурнинг ҳарбий юришларида қатнашган.

Барлослар-Онон ва Керулен дарёси бўйида дарёси бўйида яшаб Чингизхон сидқидилдан хизмат қилиб уни бошлиғи Кубалай наён эди. Яна бир барлос Қорачур ноён бўлиб, у Амир Темур аجدодларининг бешинчи (катта бобоси) бўлган. Чингизхон даврида барлосларни бир қисми Ила дарёсининг чап соҳилларига, Шарқий Туркистоннинг ғарбий ҳудудларига,

Қашғар вилоятига келиб жойлашган эди. Бу барлосларнинг бошлиғи XX асрда Мирзо номли киши бўлиб, Муҳаммад Ҳайдарнинг тоғаси бўлган. Ила дарё бўйларида Шарқий Туркистонда яшовчи Барлосларнинг бир қисми XIII асрнинг 60 йиллари Шаҳрисабз воҳасида истиқомат қилиб бунга Амир Темур қавмдошлари эди. Уларни айрим гуруҳлари Амир Темур даврида Тожикистон жанубига Афғонистон, Ҳиндистонни Кашмирга жойлашиб қолди.

В.В.Бартольд фикрича барлослар мунғул тили халқлардан бўлган. Рашид-ад-дин барлосларнинг илк аجدодларини турклар бўлагн кейин мунғул номини олган нурун қабила иттифоқи таркибда тилга олади. Буни Хитойшунос олим А.Ю.Зуяв барлосларни туркий халқ бўлган деган хулоса берди.

Қовчин ва арлотлар. XIII асрнинг 60 йиллари Мовароуннаҳрга келди. Қовчинлар Фарғон водийсига ва Қашқадарё вилоятига Ғузор атрофларига ўрнашдилар. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Қашғар ва Хутонда яшовчи аҳолининг 4 гуруҳга бўлишини биртаси қовчинлар- “Қовчин” атамаси ҳарбий деган маънони беради.

Арлот-Рашид ад-дин ҳақиқий мунғул қавмлари деб, Арлот қабиласи шу (Арлот номли) киши номи деб таъкидлайди. XIII аср 60 йилларида Еттисув арлотлари Сурхондарёга келиб Термиз атрофига, Афғонистон шимолига жойлашдилар. Амир Темурга садоқат билан хизмат қилдилар.

Мовароуннаҳрда яшовчи турклашган муғуллар аста-секин “мунғул” атамасини эсдан чиқариб ўзларини “чиғатой” деб атадилар. Кейинчалик бу ном сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этган. Ўзбек ва тожиклар ўзларини чиғатой деб атаганлар.

XIII-XIV асрларда мунғул ва турклашган мунғул қабилаларидан олчин, дуғлат, мунғул, сулдуз, уйрот, баҳрин, маркит, манғит, қўнғирот ва бошқа қавмлар ҳам кўчиб келдилар.

Жалойирлар А.Темур ҳарбий юришларида қатнашган. Жалойир Баҳром шохни ўғли Одилшоҳ амирзода Жаҳонгирнинг янги мулозимларидан бири бўлиб кейинчалик Одилшоҳ Жаҳонгирга хиёнат қилиб Самарқандга юриш қилади. Бироқ шаҳар аҳолиси жиддий қаршилик қилиб, Одилшоҳга зарба берди. Асосий жалойирлар А.Темурга содик хизмат қилди.

Барлослар-Онон ва Керулен дарёси ҳавзасида яшаб Чингизхонни ишончли қисми бўлиб барлослар бошлиғи Кубалай наён ўз вақтида тархонлик унвонига эга бўлган. Барлосларни яна бир нуфузли амири Қорачур ноён Амир Темур аجدодларининг бешинчи (катта бобоси) бўлган. Чингизхон даврида барлосларнинг бир қисми Ила дарёсининг чап соҳилларига Шарқий Туркистоннинг ғарбий ҳудудларига, Қошғар вилоятига келиб жойлашган. Уларнинг бошлиғи ХУ арсда Мирзо бўлиб, Муҳаммад Ҳайдарнинг тоғаси бўлган. Ила дарё бўйларида Шарқий Туркистонда яшовчи барлосларнинг бир қисми XIII асрнинг 60 йиллари Шаҳрисабз воҳасида яшаган. Уларнинг бир қисми А.Темур хизмат ва қариндош бўлиб А.Темур ва Б.Мирзо даврда барлосларни бир қисми Тожикистоннинг жануби Афғонистонга, Ҳиндистонга ва Кашмирга бориб ўрнашдилар. Бартольд-Барлосларни мунғул тили ғолу дейди. Рашид ад-дин эса барлосларни туркий тили халқ бўлиб, мунғуллар билан яшаб уларни тилини ҳам ўзлаштирган дейди. Зув Хитой манбалар асосида Барлослар туркий халқ дейди. Ўзбекистон ва Тожикистондаги Барлослар ўзларини қарлуқ лаҳжасига оид турк-барлос дейди. Қавчин ва арлот-этник гуруҳи XIII асрнинг 60 йилларида Мовароуннаҳрга кўчиб келган. Қавчинлар Фарғона, Қашқадарё воҳаси, Ғузор атрофига ўрнашганлигини Қашғарда, Хутонда яшаганлигини Мирзо Муҳаммад Ҳайдар (тарихи Рашидий) ёзиб қолдирган. “Қовчин” атамаси-ҳарбий дегани. Буларни “Менинг аجدодларни бошқарганлар” деб ёзади. Мирзо Ҳайдар Мирзо

Ҳайдар авлодлари дуғлот қавмидан эди. Дуғлотлар кўп йиллар давомида Қашғар вилоятига ҳукмронлик қилганлар.

Арлотларни-қадимий жойи Мунғилистон бўлиб, Рашид ад-дин арлотларни ҳақиқий мунғул қавмлари қаторида тилга олади. (Рашид ад-дин Сборник лет описей. Т. 1. С-78) Рашид ад-диннинг таъкидлашича Арлот киши исми бўлиб, бу фикрни Абулғозийхон ҳам тасдиқлайди. (Шажари Турк 40-бет) XIII асрнинг биринчи чорагида Арлотларнинг бир қисми Мунғилистонга келиб ўрнашиб XIII асрнинг 60 йилларида Еттисув арлотларининг бир қисми Сурхондарё вилоятининг жанубида Термиз атрофларида ва Афғонистоннинг Шимолий қисмида яшаб А.Темурга садоқат билан хизмат қилган. Арлотлар XIV аср бошида Султон Аҳмад (Йўнусхоннинг кичик ўғли) даврида Мунғулистондан четлаштирилиб, мансабдорларини қаттиқ жазолаган эди.

Чигатой улусини Шарқий қисмида Еттисув ва Шарқий Туркистонда яшовчи муғуллар қабилалари турклашган бўлишига қарамай, қадимий мунғул анъаналарини сақлаб, ханузгача сақлаб келмоқда. Шунинг учун Чигатой улусини Ғарбий қисмида (Мовароуннаҳрда) яшовчи қардош қавмларини менсимасдан караунас-яъни аралашган (метис) халқ деб атаганлар. Ғарбий Чигатойлар эса Еттисувда ва Шарқий Туркистонда яшовчи кўчманчи мунғил қабилаларни писанд қилмай жете (жетя) яъни босқинчилар деганлар (Бартольд В.В. История Туркистана соч. 2 Ч.1 м 1963. –С154. Улугбек его время Соч. Т. 2. С. 36).

Мовароуннаҳрда яшовчи турклашган муғуллар аста-секин “Мунғил” атамасини ҳам эсдан чиқариб, чунки шарқий Чигатой давлатида яшаган айрим туркий ва турклашган мунғул этник гуруҳлари учун жете ва муғул атамалари этник ном бўлиб ҳам қолган эди. Мовароуннаҳр аҳоли ўртасида кейинги вакиллари ҳукмронлик қилаётган кезларда ҳудудда, сон жиҳатдан кўпчилиқни ташкил қилган ўзбек ва тожиклар ўзларини чигатой деб атаганлар. (Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского анрода,

Тошкент. 1941. С 10) XIII-XIV асрларда Мовароуннахрга кўчиб келган кабилалар олчин, дуғлат, мунғул, сулдуз, ўйрот, бахрин, маркит, манғит, кўнғирот ва бошқалар маҳаллий аҳолига нисбатан унча кўп бўлмаган. Маҳаллий аҳоли таъсирида ярим ўтроқликка ўтиб чорвачилик ҳамда деҳқончилик ҳам қилганлар.

XIV асрнинг ўрталарида ўз тилларини батамом унутиб туркий тилда сўзлашар эдилар. XIV асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёга келган араб сайёҳи Ибн Батутанинг қайд этишича. Чиғатой улуси ғарбий қисмининг султони Кебек (1318-1326) ва Ала а-Дин Тармаширин (1326-1334) турк тилида эркин сўзлашганлар. (Греков Б.Д. Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение М.Л. 1950 с 279) XIII-XV асрларда Мовароуннахрга келган туркий ва турклашган мунғул гуруҳларнинг кўпчилиги Мовароуннахрга келмасдан олдин Етгисув ва Туркситонда яшаганлар. Ажралиб чиққан гуруҳлар Аму ва Сирдарё оралиғидаги вилоятларга, Хоразмда ва Тошкент воҳасига келишган. Фарғона, Тошкент ва Хоразмни маҳаллий аҳолисининг катта қисми ўзларнинг сарт деб атаган. Сўзсиз сарт атамаси этник ном эмас, бу атама муқим яшовчи аҳолининг йиғинди номи бўлган. Масалан. “Сиз қаерлик” деб кейингиси эса, “мен бухоролик ёки андижонлик” деб атаган. А.Темур даврида ҳам “Турк элати”, “Турк” атамаси қўлланилди.

Адабий тилнинг-мукаммаллашган тилшуносликка оид адабиётларда “туркий” ёки “чиғатой” тили шаклланиб XV асрнинг иккинчи ярмида А.Навоий даврига оид ўзбек адабий тили вужудга келди. Бобур Мирзо Андижон аҳолисини – эли туркдир, шаҳар ва бозорларида турки билмас киши йўқдир. Элининг лафзи қадам билан ростдур. Анинг учун Мир А.Навоийнинг мусанношоти бавужудирким Хирида (Хиротда) нашъунома топибтур бу тил баландур”. (Бобурнома. 60 бет)

Тилшуносликка оид адабиётларда XIV-XV асрлардаги ўзбек адабий тили шартли “Чиғатой” ёки “Эски ўзбек тили” деб номланган. Адабийлик

таркибида айнан шу асарларда тожик ва араба сўзлари кўпйаган. Халқнинг жонли тилида учта асосий шева-қарлуқ, қипчоқ ва ўғуз диалектлари мавжуд эди. (Ўзбек халқининг жонли тилида мавжуд учта шева-1 энг қадимийси (XIII-X аср) қарлуқ ва ўғуз шевалилари бўлиши керак.

Қипчоқларнинг айрим Мовароуннахр ва Хоразмда XI асрнинг бириччи яримларида пайдо бўлсалар ҳамки лекин бу ҳудудларга уларнинг катта қисми XIУ-ХУ асрларда келиб ўрнашган. Шу асрларда қипчоқ шеваси ўзбек халқининг жонли тилнинг асосларидан бири бўлиб қолган.

Ўзбек адабий ва жонли тили тожик тили билан яқин алоқлар натижасида ривожланган. Шунингдек Бухоро, Самарқанд, Фарғонадаги маълум қисм туркий аҳоли тожик тилида ҳам сўзлашганлар. Ўқимишли ўзбеклар тожик тилида ҳам ёзганлар, ҳам адабий, тарихий асарлар ёзганлар. А.Навоий айтганидек туркийларнинг барчаси ёшлар, қарилар, хизматчилар ва беклар сарт тилини тушунганлар. А. Навоий ва Б.Мирзо Мовароуннахр воҳасида яшовчи тожикларни сарт деганлар. Мовароуннахрга I-УШ асрларда аз, ул, тухси қабилалари, УШ-ХШ асрларда яз, аргу (арғун) тухси, яғмо, дулу (дуғлат) қарлуғ, чигил, халач, туркеш, қанғли, қипчоқ, ўғуз қабилалардан XIУ асрларда қарлуқ чигил, холачи, арғун, қипчоқ, ўғуз қавмлари сиёсий ҳаётга фаол қатнашиб маҳаллий турғун аҳолига араллашиб, ўтроқлашиб қолдилар.

Қанғлилар-қадимги қанғар элатининг авлодлари Чингизхон босқини даврида бир қисми Хоразм, Самарқандда яшаб, уларнинг асосий қисми Дашти қипчоқда, Балхаги кўли атрофида, Ила дарё соҳилларида кўчиб юриб, А.Темур даврида бир қисми Зарафшон, Тошкент воҳасига кўчиб келиб XIУ-ХУ асрларда ўтроқлашиб маҳаллий аҳолига араллашиб кетган.

Қарлуқлар- XIУ-XV асрда биринчи қатлам Фарғона, Тошкентга жойлашиб, Тоҳаристонга милодий УI асрлардан буён яшаб деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиб келганлар. Иккинчи қатлами-мунғуллар даврида XIII-XIУ асрнинг 60 йилларида Ила дарёси

соҳилларидан Еттисувдан кўчиб Тошкент ва Зарафшон воҳаларига, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий ҳудудларига жойлашдилар. XV асрларда Фарғонага Дашти қипчоқдан кўчиб келиб, бу қарлуқлар Шайбонийхоннинг бобоси Абулхайрхоннинг Иртиш бўйларидаги Тура (Тори) шаҳрини эгаллашда кўмаклашганлар. (Д.Оссон К История Монголов от Чингизхана до Тамерлана. Т. 1. Иркутск 1937 С-145; Веселовский Н.Лекция по истории Востока Спб. 1996. С 24; В.Бобир Бобурнома. Т. 1960)

Қарлуқларнинг яна бир гуруҳи XI-V асрда Тароз шаҳри билан Сирдарё ўртасидаги яйловларда кўчиб юрганлар.

Халач-чигил этник гуруҳлари XI-V асрларда Зарафшон воҳасида ва Тоҳаристонда яшаб Моварауннахрнинг сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб, Халач ва чигилларнинг маълум қисми ўз номларни сақлаб қолган.

Арғинлар-XI-V асрларда Моварауннахрнинг Тошкент, Фарғона (ўзган атрофида) Зарафшон, Сурхондарё воҳаларида яшаб, Арғунларни аждодлари VIII-XII асрларда кўчиб келиб, маълум қисми ўғизлар таркибига кириб, А.Темур тан олган 4 ўзбек қавмларидан бўлиб, А.Темурга садоқатли хизмат қилган.

Арғинлар-Жаҳонгир даврида катта имтиёзга эга бўлиб, катта ер эгалари-Тарханлар ҳисобланиб, айрим вилоятларга ҳокимлик қилган. Масалан Султон Хасайн Қоракўл туманнинг ҳокими, Маҳмуд Муқим-Қобул ҳоким. XV аср охири XVI да арғинларнинг олдинги мавқеи бир оз пасайиб турғун аҳолига қоришиб кетдилар.

Дуғлатлар-XI-V асрларда Мовароуннахрда яшаб Рашид ад-Дин буларни мунғул деб тилга олади. Ушбу фикрни В.В.Бартольд ҳам тасдиқлайди. Этнограф Н.А.Аристов эса дулу ҳақида тўхталиб дулу билан дуғлат бир этник номи бўлиб. Аслида туркий қавм деб қатъий фикр айтади. Турк ҳоконлиги инқирозга учраб, дулу қабиласини бир қисми Ила воҳасида, Еттисувда қолиб, кейинчалик дуғлат номи билан ўзларини

атаганлар. Чингизхон даврида дулу қабилалари Чигатой улуси таркибида яшаб Чигатойга теккан ерлар қаторида Манглай Суба (Қуёш томонга караган ер) мулки ҳам бўлган. Ушбу мулк Шош, Чалиш, Иссиккўл ва Сариг уйғурлари (Сариг-уйғурлар Хазар Хитойнинг Гансу вилоятининг ғарбий қисмида яшайдилар) ҳудудлари билан чегарадош эди. Қашғар ва Хитон ҳам Манглай Суб таркибига кирган. Ушбу катта ҳудудни бошқариш Чигатой дуғлатларга топширган. Ушбу мулкнинг биринчи ҳукмдори Амир Бойдаган бўлиб, мулк унинг наслдан-наслига ўтиб XV асргача етиб келган. Дуғлатлар Фарғона, Самарқанд, Қоратегин, Ҳисор яшаб Бобурга беғараз хизмат қилган.

Ўғуз салжуклар Мовароуннаҳрга VIII –X асрлар давомида келиб, ўғуз салжуклардан ажралган туркман гуруҳлари XI-XII асрларда Бухоро атрофларида ҳам яшаган. Сомонийнинг қайд этишича XII асрда туркманларнинг бир гуруҳи Бухоро шаҳрининг жанубий қисмида Алжадида қишлоғида жойлашган (Камолиддинов “Китаб ал-ансаб” Т. 1993. 72-125 б.) Шунингдек Сирдарё соҳилидаги Женд шаҳридан, Бойканд яқинидаги Сомоний даврида ҳам туркман оилалар яшаган. XI аср бошларида ўғуз-салжукларнинг катта гуруҳи Хуросонга ва Балх ҳудудига бориб ишлайдилар кейинчалик ўғуз-салжуклар ғарбга силжиб Олд Осиёдаги қатор мамлакатларини тобе этадилар. XI-V-XV асрларда Дашти қипчоқдан ўғуз, салжук туркман гуруҳлари кўчиб Мовароуннаҳрга келди. XI-V-XX асрларда оқ-қуйли, қора-қўйли, ё бу ва бошқа туркман қавмлари келган эдилар. Туркманларнинг қора қўйли қавмидан бир гуруҳи (4-5 минг киши) Ҳисор воҳасига бориб ўрнашганлар. Бу гуруҳ Б.Мирзонинг ёзишича Озарбайжон ва Эрон заминидан кўчиб келган ўғузлар ўзбек этник гуруҳлар билан аралашиб яшаганлиги учун ўзбек туркманлари ёки “Нуротан туркманлари” деб атаганлар.

Чигроғ (чиграк)-этник гуруҳи ҳақида Бобур Мирзо “Андижон вилоятининг саҳрони олинларидан бир чағрак элдир, қалин элдур. Беш-

олти минг уйлуқ эл бордур. Фарғона билан Қашғар орасидаги тоғда бўлурлар. Отлари кўп ва қўйлари қалиндур” (Бобурнома. 119-120 бетлар) Чигроғлар XI-XII асрларда Фарғонага келиб жойлашдилар.

Ашпор ва турклар Андижонда яшаб Бобур қўшинларни от ва чорва моллари билан таъминлаб турган.

Қоракидан-XIV-XV асрларда Етгисувда ва Дашти қипчоқда яшаб, Мовароуннаҳрга келиб Зарафшон воҳасига келиб жойлашган, улар ўз тилларни унитиб туркийлашиб кетган.

XIV-XV асрда Мовароуннаҳрда 30-50 оиладан иборат кичик туркий қавмлар яшаган.

А.Темур даврида Темур тузукларида қайд этилган 40 аймақ бўлиб, булардан 12 таси барлос, тархон, аргун, жалойир, тулкичи, дулдай, мунғул, сулдус, тугой, қипчоқ, орлот, тоторлардан хон навкарлари ташкил қилган бўлиб, булар Соҳибқироннинг энг ишончни ҳарбий (гвардиячи) қисмлари эди. Ушбу қабилалар А.Темурга XV асрда Испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо қайд этишича “подшога” солиқ ҳам тўламаганлар”.

15-Мавзу: XIV-VIII асрларда Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда этно-сиёсий аҳвол.

РЕЖА

- 1.Мовароуннаҳрдаги ижтимоий –сиёсий жараёнлар.
- 2.Туркий халқларнинг ўтроқлашув жараёнларнинг кўчйиши.
- 3.Ўрта Осиёда сиёсий ҳолатнинг этник ҳаётга таъсири

Таянч сўзлар:Сиёсий жараён, Амир Темур, Шайбонийхон, кўчманчи ўзбеклар, Маҳаллий ўтроқ ўзбеклар, давлатлар, Ашторхонийлар, кунғиротлар, қозоқлар, маҳаллий бошқарув.

Сиёсий вазият ҳақида. Соҳибқирон (18 феврал 1405 й) Даштиқипчоқ. Олдин ўзбек номи билан маълум Шайбонийхон ўзбек атамаси XIII аср охири XV аср бошларида мавжуд эди. Бу Оқ Ўрдада яшовчи қабилаларни умумий номи эди. Оқ Ўрдага Сирдарёнинг Ўрта ва қуйи оқимларидан ташқари, янги ҳозирги Қозоғистон ва жанубий ғарбий Сибир ерларига кириб уни Чингизхон наслига мансаб Абулхайрхон бошқарган. 1510 йил Эрон шоҳи Исмоил билан бўлган жангда Шайбонийхон ҳалок бўлди. 1560 йил Бухоро тахтига Абдулахон III ўтирди. 1508 йил Абдуллохон ўрнига ўғли Абдул Мўмин ўтирди. XVI асрда жони Муҳаммад Султон ўғли Дин муҳаммад Султон ўтирди. У Чингизийлар авлодидан бўлган Аштархон хони Ер Муҳаммадхоннинг ўғли эди. 1556 йил рус подшоси Иван Грозний Аштархонни эгаллагач ўғли Жонибек билан Бухорога кутиб келди. Порокандалик маишатпарастлик туфайли Аштархонийларни охири вакили Абул-Файзхон 1742-1743 йил Эрон шоҳи Нодир шоҳга тобе бўлди. Натижада 1253-1758 йилларда Муҳаммад Раҳимбей Оталиқ асос солган Манғит Сулоласи Бухоро тахтини эгаллади.

XVIII аср бошларида Шохрухбий бошлиқ Қшқон хонлиги ташкил топди. Моварауннаҳр ҳаёти, чорва, тоғли ва тоғ олди қишлоқлари Абдас, қарлуқ, қанғли, аз, ўз ва бошқа қабилалар. Шунингдек, XVIII- XV асрларда кўчиб келган барлос, жалойир, арлот, қовчин, қипчоқ XVI- XVIII асрда ўтrockлашди.

Ўтов, яшаш жойлар, дон экинлар, чорвачилик. Бироқ, кўчиб келган қабилалар сони 100 мингдан ошмаган. Уларни бир қисми Моварауннаҳрга қолган бўлса, бир қисми қучиб Афғонистон, Деҳли, Кашмир, Озарбайжонга ўтиб кетди. (Қоқ-дашт чўлларда чорвадорларнинг асосий тақир манбаларидан бири бўлган. Қоқ тақир ярсарда бўлар эди. Бунинг учун тақирни ҳовузга ўхшатиб (тахимнан 7х7 м), одамни кўкрагидан келадиган чуқур кавлаб, теварагини пахса девор билан кўтарар эдилар. Баҳорда теварак атрофдан оқиб келадиган ёмғир суви шу чуқурга (қоққа)

тўплаган. Қоқдаги сувдан мол суғорилган, чорвадорлар ҳам ичиш учун фойдаланганлар).

XIV- XVI асрларда (1368 й) Амир Темур Хоразм аҳолисини асосий қисмини Самарқандга кўчириб, Зарафшон воҳасини ўрта ва қуйи қисмида жойлаштирди. Шайбонийхон 1501-1502 Хоразмни эгаллаб Қият ва Балдимсоз шаҳри аҳолисини Моварауннҳарга кўчирди. Бухоро амирлари ҳам Хоразм аҳолисини Хисорга, Бухорога, Самарқандга ва Тошкентга кўчирди. Кўчиб келган жойига ўзларини “хоразмликлар” деб атади. Бироқ, Хоразмликларни асосий қисми ўз юртига қолди. XVI асрда Моварауннҳар ва Хоразмга кўчманчи қамлар кўчиб келиб мурракаб ўзбек давлатини шакллантирди. XVI аср охири XVII аср бошларида ўзбек шайбонийлари (XIII асрнинг биринчи ярмида Жўжихоннинг ўғилларидан бири Шайбон бошқарган Шайбон ўрдаси Урол, Шек, Чергиз дарёлари оралиғидан чўл ва тоғларидан то Сирдарёнинг қуйи оқимларигача бўлган худудларда кўчиб юрган билан ҳам кураш олиб боришга қодир эдилар. XVI асрда Фазлуллоқ ибн Рўзбекхон “Меғмонномаи Бухоро” китобида дашти қипчоқ ўзбекларини 3 тоифага бўлган 1.Шайбонийлар қўл остидаги қабилалар; 2. Дашти қипчоқнинг шарқий қисмига кўчиб кетган қозоқлар; 3. Манғитлар XV асрнинг 2 чи ярмида XVI асрнинг биринчи ярмида ўзларининг “ўзбек қозоқлар” деб атадилар. Этник гуруҳлар кушчи, дўрмон, кият найман, қарлуғ, уйғур, ўторчи, ички, қипчоқ, қўнғирот, кенегес, туман, тангут, ишбой, барқут, шунқорли, месит, шодбоқли, йиджон, манғит Хитой.

16-Мавзу:Ўзбек миллий менталитети ва унинг ўзига хос хусусиятлари РЕЖА.

- 1.Совет сиёсатининг миллий менталитетга салбий таъсири.
- 2.Миллий тўғуларнинг поймол этишга қариш курашлар.
- 3.Ўзбек менталитетининг ўзига хос хусусиятлври.

Таянч сўзлар:Менталитет, ўзбек, бағрикенглик, миллий маданият, диний тамойилар, мустақиллик, ўзора ҳамдўстлик, маданий ҳамкорлик.

Менталитет халқнинг миллат даражасига кўтарилган, иқтисодий, сиёсий ва этномаданий ҳаёти давомида, унинг ижобий ва салбий сифатларини мужассамлаштирган ижтимоий-психологик ҳолати ва характер йиғиндиси сифатида ўзига хос тарихий этномаданий ва табиий-иқлимий шарт-шароитлар доирасида шаклланади.

Миллий ўзига хослик эса узоқ тарихий жараёнларга муносабатда, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар, ўзаро этномаданий алоқалар, диний мансубликлар асосида таркиб топади.

И.А.Каримов “халқ онги, тафаккури, ҳуқ-атвори ҳамда урф-одатларига сингиб, миллатимизнинг ўзини намоён этиш тарзига айланиб кетган жиҳатларини ўзбек миллатининг асоси деб билади” профессор Ю.М.Ҳалимбетовнинг “миллий удум ва урф-одатларимиз минг-минг йиллар давомида ҳаёт аччиқ-чучукларини тотиб, ўт-оловда тобланиб, машаққатли турмуш имтиҳонларидан ўтиб муқимлашган” ўзбек менталитети-тарихий йўл, яшаш шароити, қуёшли кун, ҳосилдор замини, серсув дарёлари, боғларнинг тотли мевалари, халқнинг меҳнатсеварлиги, одамохунлик фазилатлари, халқ ақлий салоҳияти ва руҳий қувватининг юксалишидир. Шунингдек, Халқимизнинг яратувчилик, меҳр-шафқат, сермулоҳозалик ва осойишталик ато этган, ҳар бир кескин шароитда ҳам мулоқотдошига, катага ҳурмат, кичикка иззат, мурсою модора, андишаю мулоҳазага ўрин ва вақт топиш шароитида унинг менталитети шаклланган ва сайқал топган.

Ўзбек миллий менталитети 4 та йирик диний мафкуравий босқични босиб ўтиб, ўзбек миллати феъл-атворида ўчмас из қолдирди.

1.Зардуштийлик-эзгуликка чорлаш, яхшилик қилиш инсоний фазилатларнинг камолат чўққисига етказиш ёвузлик жамиятни парчалашга, муносабатларни бузишга, 4 та асосий Қуёш, Ер, сув ва Ҳаво. Тўғри фикр, тўғри амал инсон ботиний дунёси-уларни кадрига етиш ва ифлос қилмаслик.

2.Буддавийлик-Кушон подшолиги Канишка таълимоти милодий 100 йилда Диний қурултой ўтказиб, империяга буддавийлик давлат дини деб эълон қилинди. Буддавийликда хотиржамлик, эзгулик қилиш, дунёда ҳеч бир ўзгармас нарсаси йўқ. Инсон доимо азоб уқубатга маҳкум ва бунга унинг ўзи сабабчи. Буддавийликда мунтазам равишда ичкилик, ичмаслик, ёлғондан, ўғирлик, таъмагирлик, юлғичлик, зино қилишдан сақланиш керак. Айритом, Қоратепа, Зурмала, Далварзинтепа, Фаёзтепа, Қуёвқўрғон Будда ибодатхоналари.

3.Ислом энг яхши ибратли ахлоқ ва одоб нарсалари-эзгулик йўлидаги инсон камолати-:эзгу ният, эзгу сўз, ва эзгу амал ислом маънавий дунёсида ҳам тарбия ва таълим мактабининг асоси. Алихантура Соғуний “Трукистон қайғуси” Т. 2003. 970 б. Асарида “ҳозирги маданият даврида диёнат билан тараққиёт бирга яшайолмайди”деган хато фикр юритадилар... Ҳақиқатда эса дин покликка қурилган ахлоқдир. Динимизнинг асли ақлдир, қуроли эса илмдир”.

4.Коммунистик ғояга қарши қураш-ҳаёсизлик, ғарб дунёсига ҳос ахлоқий одобсизлик, судхўрлик, таъмагирлик, лоқайдлик ва боқимандалик, ҳар бир жабҳага нопокликнинг суқилиб кириб бориши.

Ўзбек миллий менталитетнинг шаклланишдаги омиллар:

1.Ўзбек халқининг этник жиҳатдан кўп тармоқли бўлиши А.Аширов фикрича-миллий менталитетимизда барча ижтимоий қатламлар учун умумий жиҳатлар, жамоа манфаатларини ҳимоя қилувчи фазилатнинг ривож топиви тақозо этади. Халқимиз феълидаги бағрикенглик, хотамтойлик, меҳмондўстлик, ўзаро ҳамкорликка мойиллик, ғаман духли

пайтларда ночор кимсаларга ҳамдардлик елкадошлик фазилатлари ана шу жамоавий яқдилликни таъминлаш тил ва дил, фикр бирлигини сақлаш эҳтиёжларидан туғилган ва сайқал топган.

2.А.Аширов фикрича муайян миллат истиқомат қилиб келаётган ижтимоий-иқтисодий, географик ҳудудий ва иқлимий омиллар таъсири текислик, даштлар, иқлими, ёз жазирамаси, қаҳратон қисм, баҳор ва кзнинг шиддати асосида халқимиз феълатворидаги аниқлик, лўндалик, тўпорилик ва қайноқ меҳрининг, қаттиқ қуллик ва интизомнинг таркиб топиши. Наврўз, Меҳржон, Гул сайллари, ҳосил байрами табиатга, ерга, сувга, ҳавога, оловга бўлган чексиз ҳурмат ва уларни эъзозлаш билан боғлиқ урф-одатлар.

3.Туркий илдизга хос-жанговарлик, мардлик, матонат ва лафз ҳалоллиги, бағрикенглик, саховат пешалик ва ҳожат барорлик хислатлари. Тўй-томошага ўчлиги, ўзи емай, узоқ йиллар йиғиб-териб элга дастурхон ёзиш, аза ва йўқлов маросими, бола туғилиши, матом маросимлари.

4.Миллий менталитетга хос-чиллак, чавгон, кўпкари, кураш “қулоқ тишлатиш”, “бешикка белаш”, “қалин бериш”, “маҳр”.

5.Миллий менталитетда жамият ҳаёти, одамлар турмуш тарзи анъана ва урф-одатлар орқали бошқариш. Ўғил уйлантириш, келин танлаш, қиз узатиш, куёв танлашдаги ҳушёрлик. Бир ёстикқа қўйиш, ота-оналар учун фарзандини яхшигина қўшиш, бу борада хато қилиб қўймасликда жамоа, жаият раъйи, таъсири.

6.жамоадан ажралган ҳолда иш тутиш инсоннинг ижтимоий бегоналашуви сифатда баҳоланади. И.А.Каримов “ўрта Осиёда биз бутун тарих давомида жамоа бўлиб яшаб келганмиз-баъзи Ғарб мамлакатларида эса якка яшашга интилиш кучли. Бу бизнинг Республикамиз учун мос эмас. Айтайлик бизда маҳаллачилик анъанаси жуда кучли, “жамоа манфаатларига мос яшаш устунлигини айтмоқчиман”.

7. миллий хислатлар иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқдир. Иқтисодиёт оилада бола дунёга келиши билан бошланади. “Болали уй бозор, боласиз уй мазор”. Оилада қиз тулдими сандиқда сеп йиғилаа бошланади. Оилада ўғил туғилдими чорбоғда мевали дарахтлар, , тераклар экилади.

Мустамлака ва мустабид даврида этномаҳаллийчилик, гуруҳбозлик, худбинлик, лоқайдлик эскилик сарқитларга қарши кураш кучайди.

8. Мустақиллик даврида бебаҳо маънавий ва маданий мерослар тикланиб, миллий ғоя, миллий мафкура тамойиллари яратилди. Касб, билим, малакага эътибор кучайди “кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури” ёшлар қалбида Ватан туйғусини, инсон, оила, хонадон, маҳлла, киндик қони тўкилган азиз жой Ватанни қалбдан севиш кучайди.

